
РАВШАНБЕК МАҲМУДОВ

ТЎРА СУЛАЙМОН САБОҚЛАРИ

Қўланма

Тошкент – 2023

Р. Маҳмудов. Тўра Сулаймон сабоқлари.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон халқ шоири, Гулистон давлат университети профессори Тўра Сулаймондан йигирмадан ортиқ китоблар, эллика яқин долзарб мавзудаги мақолалар, дostonлар мерос қолди. Шоирнинг юзлаб шеърлари қўшиқ бўлиб, куйланмоқда. Унинг бугунги кун авлодига сабоқ бўларли шеърлари, мақолалари, маталлари, тўқиган ривоятлари ниҳоятда кўп. Китоб адабиёт фани ўқитувчилари, бўлажак филолог талабаларга, барча зиёлилар учун қўлланма вазифасини бажаради, деб умид қиламиз.

Масъул муҳаррирлар:

Ҳамидулла Болтабоев – филология фанлари доктори, профессор.
Ҳасан Абдувоҳидов – шоир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Такризчилар:

Акбаржон Асроров – филология фанлари номзоди.
Мунаввар Пардаев – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.
Муроджон Ҳайитов – Ўзбекистон Маънавият ва маърифат маркази Сирдарё вилояти бўлими раҳбари

Сирдарё вилояти
ташкил этилганлигининг
60 йиллигига бағишланади.

Кириш

Қадимги Мирзачўл уч минг йиллик тарихга эгаллигини Ховостепадан топилган кўплаб буюмлар тасдиқлайди. Археолог олим Алексей Грецинанинг фикрича, Мирзачўл тарихи уч минг йилдан ортиқ даврга бориб тақалади. Бу ҳақда жаҳонга машҳур археолог олим Грецинанинг Франциянинг “PROMINENT ARCHAEOLOGICAL SITES OF CENTRAL ASIA ON THE GREAT SILK ROAD” журналида босилган мақоласида алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Қадимги Мирзачўлда кўп тарихий воқеа-ҳодисалар рўй берган. Бу табаррук она-заминга минглаб улуғ алломаларнинг қадами теккан.

Тўра Сулаймон – Сирдарёнинг овози, ор-номуси, виждони, булбули эди. Қайси вилоятга ёки Тошкентга борсам, биринчи сўралар кишиси Тўра Сулаймон бўлар эди.

Тўра Сулаймон тахминан уч-тўрт ёшларида Сирдарёга ота-онаси билан кўчиб келган бўлса, умрининг охиригача Сирдарёни яхши кўрди, Сирдарёни яхши кўришни тарғиб қилди. Шоирдан она-юртини, она тупроғини, она элини севишни ўрганиш, сабоқ олиш керак.

2022 йил 17 январь куни бўлиб ўтган ихтисослашган мактабларга бағишланган видеоселекторда мамлакатимиз раҳбари **“Нажот мактабда, нажот таълимда, нажот билимда”**, – дедилар. Ҳақиқатан ҳам Учинчи Ренессанс бунёдкорлари мактабда билим оладилар, тарбияландилар. Ўқувчи-ёшларни билимли, салоҳиятли, етук, баркамол бўлиб тарбияланишлари учун нафақат ота-она, мактаб, балки барча масъулдир. Хоҳлаймизми-йўқми, мамлакатимизнинг тараққиёти ёшларга, уларнинг билимига, тарбиясига, дунёқарашига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Янги Ўзбекистон стратегияси”** китоби барча зиёлилар, ота-оналар учун зарурий қўлланма вазифасини бажаради. “Маҳаллада ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 19 январдаги Президент Қарори (“Халқ сўзи” газетаси, 2022 йил, 20 январь, № 13 сони) ҳамда “Янги Ўзбекистон тараққиёти стратегияси”ни тасдиқлаш тўғрисидаги Фармони, “Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги, “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорларида белгиланган вазифаларни моҳияти ёшларни комил, баркамол, етук инсонлар қилиб тарбиялашга қаратилган ҳамда бу соҳадаги ишларни янада ривожлантириш зарурлиги кўрсатилган.

“Янги Ўзбекистон стратегиясининг мақсади – юртимизнинг бахтли ва баркамол инсонлар фаровон яшайдиган, ижтимоий адолат тамойиллари тўлиқ қарор топган, дунёнинг энг ривожланган, барқарор ўсаётган ва инсон капитали юқори бўлган демократик давлатлари қаторидан жой олишини таъминлашдир”.

“Менинг назаримда, инсоният дунёсининг буюк бир ёритқичи – маънавият чироғи бор. Бу чироқнинг бошқалардан фарқи шуки, у инсоннинг онги ва тафаккурини ёритади, қалби, виждонини уйғотади, одамийлик ҳиссини кучайтиради”, – деган эди Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида (66-бет).

Улуғ Амир Темур ўғитларида: “Китоб – барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл идрокнинг, илму-донишликнинг асосидир. Ҳаётни ўргатувчи мураббийдир”, дейилган.

Китоб, китобхонликнинг тарбиявий, маънавий-маърифий аҳамияти ҳақида кўплаб мутафаккирлар фикрларини билдирганлар.

“Сабоқ” сўзи арабчадан олинган бўлиб, биринчи маъноси – ўқиш-ўқитишнинг бирор мавзуга бағишланган белгили, вақт давом этадиган бўлаги, дарс. Иккинчи

маъноси – ўқувчиларга берилган вазифа, топшириқ. Учинчи маъноси – сабоқ кўчма маънода ибрат бўлиб хизмат қиладиган ва кўзни очадиган иш, воқеа, ҳодиса, ўрнатма маъноларини билдиради. (Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2- жилд. М. 6-бет).

Китоб – тафаккур фарзанди. Китобнинг бугунги кундаги тарбиявий аҳамияти беқиёс катта. “Тўра Сулаймон сабоқлари” китоби шу жиҳатдан олганда ўқиган, ўқатилган учун жуда фойдалидир.

Тўра Сулаймон таваллуд топган куни гарчи баҳсли бўлсада, Гулистон давлат университетида, мактабларда, лицейларда биринчи февраль куни шоир ижодига бағишланган шеърят кечалари, учрашувлар ўтказилиши анъанага айланган.

Тўра Сулаймон ижоди, қолдирган маънавий мероси ёшлар томонидан катта қизиқиш билан ўқиб ўрганилмоқда. Шоирнинг 85 йиллиги муносабати билан Гулистон давлат университетида “Тўра Сулаймон ижодида маънавий-маърифий тарбия масалалари” мавзусида Республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Тўра Сулаймон ижодига бағишланган анжуман 2019 йил 4 март куни университет катта фаоллар залида Сирдарё вилояти ҳокими, сенатор Ғофуржон Мирзаев иштирокида ўтказилди. Анжуманда мамлакатимизнинг элликдан ортиқ фан докторлари, профессорлар, доцентлар, адабиётшунос олимлар маърузалари билан иштирок этдилар. Анжуман материаллари йигирма босма табоқда, қалин муқовада китоб ҳолида нашр қилинди. Шунингдек, Тўра Сулаймоннинг 85 йиллиги Фарғонада, Марғилонда Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов ижод мактабида катта шодиёналик билан нишонланди.

Фарғона давлат университети олимлари ташаббуси билан “Замонавий ўзбек адабиёти тараққиётида Тўра Сулаймон ижодининг ўрни ва аҳамияти” мавзусида Республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Анжуман материаллари Фарғонада ўн беш босма табоқ ҳажмида китоб ҳолида нашр этилди.

Гулистон давлат университетида “Маънавият асослари” йўналиши магистранти “Тўра Сулаймоннинг маънавиятга қўшган ҳиссаси” мавзусида Боуржон Шаҳаев магистрлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Тошкентда Ўзбек тили, адабиёти ва фолькор институти мустақил тадқиқотчиси, шоир Азизбек Турдиев “Ўзбек шеъриятида фолькор анъаналари ва синкретик ҳолат (Тўра Сулаймон ижоди мисолида, 2021 йил), Гулистон давлат университети қошидаги ихтисослашган илмий Кенгашида Жиззах давлат педагогика институти мустақил изланувчиси Хайрулла Ибрагимов “Тўра Сулаймоннинг ўзбек тили лисоний имкониятларидан бадиий фойдаланиш маҳорати” мавзусидаги филология фанлари бўйича фалсафа докторлиги учун диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилдилар (2021 йил). Демак, Ўзбекистон халқ шоири, Гулистон давлат университети профессори Тўра Сулаймон бадиий ижодини тадқиқ этиш, у кишидан сабоқ олиш давом этмоқда.

Мустақил тадқиқотчи, шоир Азизбек Турдиев томонидан Тўра Сулаймон ҳақидаги мақолалар, тақризлар, мактублар ва қайдлар тўпланиб, “Тўрўғли султон бир ён” китоби тайёрланиб, 2015 йилда “Тафаккур” нашриётида чоп этилди.

Гулистон давлат университети профессори, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Равшанбек Маҳмудов томонидан сўз боши ва сўнгги сўз билан “Тўра Сулаймон замондошлар хотирасида” китоби 2017 йилда “Мумтоз сўз” нашриётида чоп этилди. 2019 йилда бу китоб яна қайта нашр қилинди. Шоир вафотидан кейин “Сенсиз ғариб бўлдим...” (2013), “Тўра Сулаймон” (2020) китоблари чоп этилган.

Тўра Сулаймоннинг ўлмас, эскирмас, дилтортар кўшиқлари, ўйлантирадиган, мушоҳадага чорлайдиган долзарб мавзулардаги мақолалари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Тўра Сулаймоннинг қуйма сатрлари, кулгили гаплари, иборалари шогирдлари орасида жуда машҳур. Шуларни ҳисобга олиб, Тўра Сулаймон асарларидан танлаб олинган ҳикматли, фалсафий, қочиримли гапларини асарларидан танлаб олиб, Сиз азиз китобхонларга илиндик. Сизларга манзур бўлади, деган ниятдамиз.

Тўра Сулаймон ҳаёти ва ижоди ҳақида айрим мулоҳазалар

Тўра Сулаймон ўз кўллари билан ёзган таржимаи ҳолида, шахсий варақасида “Мен Самарқанд вилояти, Ғаллаорол тумани, Алдашмон қишлоғида 1934 йил 1 февралда туғилганман”, деб кўрсатган. 1969 йил 14 июнда 343 рақами билан олинган туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномада эса, “Сулаймонов Тўра 15 июль, 1934 йилда Самарқанд вилояти, Ғаллаорол тумани, Бахмал қишлоқ советида туғилган. Отаси Байбеков Сулаймон, онаси Байбекова Мукаррам”, деб кўрсатилган. Тўра Сулаймон туғилган йилларда ижтимоий шароит оғир бўлганлиги учун туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар орадан кўп йиллар ўтганидан кейин олинганлиги сир эмас. Тўра Сулаймоннинг укаси Маматқул бобо: “Тўра акам 1931 ёки 1932 йилларда қиш пайтида туғилган бўлсалар керак”, деган тахминни айтганлар. Шоирнинг “Давлат одами” асари қайси маънодадир автобиографик характерга эга. Энг асосийси, Тўра Сулаймон ҳозирги Жиззах вилояти, Бахмал тумани, Алдашмон қишлоғида туғилган. Ўзининг айтиб беришича, 3-4 ёшларида оиласи билан Мирзачўлга сургун қилинган ва ҳозирги Сирдарё вилояти, Сирдарё туманидаги “Малик”, Шароф Рашидов, Турғун Аҳмедов қишлоқларида яшаган. Гап Тўра Сулаймоннинг қачон, қаерда туғилганида эмас, балки унинг қандай яшаганида, кейинги авлодларга нималар қолдиргани билан аҳамиятлидир. Ижодкор Алдашмонда туғилди, лекин Сирдарёда униб ўсди, шоир, ижодкор сифатида танилди.

Тўра Сулаймоннинг ижоди 50-йиллар охирида бошланган. Улуғ шоир Миртемир эътирофига сазовор бўлиб, умрининг охиригача ота-боладек яқин, устоз-шогирд бўлишган. Тўра Сулаймон Ғафур Ғулом, Зулфия, Сарвар Азимов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби кўплаб ижодкорлар билан жуда яқин оға-инидек дўстлиги, оилавий борди-келдиси бор эди.

Тўра Сулаймоннинг биринчи китоби “Истар кўнгил” 1962 йилда чоп этилган. Кейинчалик “Қорасоч” (1965), “Мен қайга борар бўлсам” (1965), “Жахонгашта” (1970), “Интизор” (1973), “Ҳамқишлоқларим” (1973), “Сирдарё кўшиқлари” (1974), “Илтижо” (1976), “Алҳазар” (1976), “Тўйбоши” (1977), “Сизни эслайман” (1980), “Қорақўзгинам” (1981), “Истар кўнгил” (1984), “Тулшан” (1988), “Сарвиноз” (1989), “Ҳарсанг” (1994), “Жахоннома” (1996), “Тул бир ён, чаман бир ён” (1996), “Ёв қочди” (1996), “Сайхон” (2003) китоблари босилган. Тўра Сулаймон вафотидан кейин “Сенсиз ёлғиз ғариб бўлдим” (2013), “Тўра Сулаймон” (2020) китоблари Тошкентда катта нусхада чоп этилган.

Шоир замон қийинчиликларини, оғирликларини кўп кўрган. Ўн километрлаб пиёда, ёлғиз оёқ йўлдан қатнаб билим олган. Бир неча олий ўқув юртларида билимини оширмоқчи бўлган. Ижодкор ҳаёт захматларига бўйин эгмай, қийинчиликлардан кўрқмай, матонат кўрсатиб, менимча, мақсадига эриша олган.

Тўра Сулаймон бахши шоир сифатида халқ оғзаки ижоди йўлида содда, тушунарли шеърлар, достонлар, эртаклар, ҳикоялар ёзиб, халқ меҳрига сазовор бўлди. Тўра Сулаймон руҳан ва маънан Эргаш Жуманбулбул ўғлига шогирд ҳисобланарди.

Тўра Сулаймоннинг 60 йиллик юбилеи баҳонасидаги суҳбатимиз гарчи аввалги тўпламларда чоп этилган бўлса-да яна эслашни лозим кўрдим.

ЮРАК ЭХТИЁЖИ (Шоир Тўра Сулаймон билан суҳбат)

Равшанбек Маҳмудов – Тўра ака! Сизни бутун Туркистон аҳли ажойиб шеърларингиз орқали яхши билади. Лекин Сиз қаернинг фарзанди эканлигингизни ҳамма ҳам билавермайди.

Тўра Сулаймон – Бу саволни, Сизни кўпчилик яхши билсада, лекин қаерда туғилганингизни ҳамма ҳам яхши билавермайди, деб берганингиз менга маъқулдай кўринади. Сабаби, Туркистон жуда катта ўлка, “қаернинг фарзанди” деган жумла ҳам... Ўзбек халқининг содиқ фарзанди деб, менимча, машхур, атоқли кишиларга нисбатан айтилади. Энди жавобга ўтаман: Мен 1934 йили ҳозирги Жиззах вилоятидаги Бахмал туманининг “Бахмал” хўжалигига қарашли Алдашмон қишлоғида туғилганман.

Туғилишга туғилганману, бироқ туғилишим уйдагиларга малол келгани аниқ. Ўша мен туғилган йили отам раҳматли кулоқ қилиниб, ўзи қамалиб, бўлар-бўлмас мулкимиз мусодара қилинган. Фақат эғнимиздаги кийим-кечагимиз билан қола берганмиз. Хуллас, беҳосият йили туғилганман. Кўрган – қийинчиликларимизни энам шўрлик айтаберса... Бу ҳақда “Ота юртим” деган мақолам – эсдаликларимда батафсилроқ тўхталганман.

Р. Маҳмудов – Сизнинг қатор шеърларингиз бахшиёна услубда ёзилган. Адабиётшунос – танқидчилар ҳам Сизни бахши-шоир, дейишади. Бунинг сабаби нимада?

Т. Сулаймон – Сабабини ўзингиз айтиб қўйдингиз-ку. Аниқроқ жавоб берадиган бўлсам, менимча, ёзганларим соф бахшиёна бўлиб бахшиёна эмас, ёзма (классик) бўлиб ёзма эмас, ҳозирги давр шеъриятдан ҳам сал нари тубан туради. Ўрта сарсон бир нарса. Кейин адабиётшуносларингиз ижодкорларни бўлиб, тақсимлаб олишган. Биридан олиб, бирига солиб ётишади. Мен бирорта ...шунос билан “бор товоғим – кел товоғим” қилиша олмадим. Олмайман ҳам. Сабаби, менда на амал бор, на тамал. Мен нима учун бундай демокдаман? Сиз ҳам кузатган бўлсангиз керак, ким (қайси ижодкор) отга мингудай бўлди дегунча, ўша ...шунослар от қўйиб, ёпирилиб, ўша ҳамкасбимизни кўкка кўтаришга киришиб кетишади, азаматлар. Уялмай-нетмай.

Р. Маҳмудов – Илк шеър, илк бор матбуотда чиқиш, илк тўплам киши хотирасидан ҳеч қачон кўтарилмайди. Булар ҳақида тўлароқ гапириб берсангиз.

Т. Сулаймон – Илк машқларимни кўтарасига ташлаб юборганман. Сийқа, саёз, “ура-ура” боп бўлгани учун, тўғрироғи, шайтоний эди.

Р. Маҳмудов – Сизни Миртемир домланинг шогирди, дейишади...

Т. Сулаймон – Миртемир аканинг шогирдиман, дейиш учун у кишининг қилган ишларининг юздан бирини қилиш керак бўлади. Шогирд даражасига ета олмадим. Лекин ота-бола сингари, ҳатто ундан ҳам зиёда, кўнглимиз яқин эди.

Р. Маҳмудов – Ҳозиргача нечта тўпламингиз нашр қилинди?

Т. Сулаймон – Бу саволингизга ижодкорнинг ижодкорлиги унинг қанча китоби босилиб чиққанида эмас, деб жавоб берган бўлар эдим.

Р. Маҳмудов – Сиз билан мулоқотларимиздан бирида “биз одамнинг ярми ҳам эмасмиз”, - деган эдингиз. Бу гапингизсиз ҳам Сизни жуда камсуқум, ўта камтар инсонлигингизни ҳамма билади. Юқоридаги гапингизнинг бирор сабаби борми?

Т. Сулаймон – Чунки биз тенгилар одамзодни меҳнат яратди, инсон маймундан пайдо бўлган, деб таълим олганмиз. Ундан кўра, итдан пайдо бўлган деганлари яхшироқ эди. Халқимизда, фалончи бутун йигит ё фалончи бутун одам, деган ибора бор. Бу мукаммал одам дегани. Бошқаларни билмадим, мен ўзимни мукаммал, бутун одам дея олмайман. Сабаби, биз шамол қайси томондан турса, шу томонга қараб ҳайдаб кетамиз. Кишининг амалига, қўлидан иш келиш-келмаслигига қараб муомала қиламиз. Ёмон кўриб юрган одамимиз отга мингудай бўлса, жиловдорлик қиламиз. Ҳар қандай

хизматини қилишдан ор этмаймиз. Қўйинг-чи, бутун одам бўлиш учун кишининг имони бутун, эътиқоди мустаҳкам бўлиши керак.

Р. Маҳмудов – Қайси ижодкорлар билан яқин алоқадасиз?

Т. Сулаймон – Бунинг аҳамияти йўқ.

Р. Маҳмудов – Сиз “Сирдарё ҳақиқати” газетаси таҳририяти қошидаги “Ёш ижодкорлар” тўғрагини узоқ йиллар бошқардингиз. Вилоятимизда истеъдодли ижодкорлар борми?

Т. Сулаймон – Бор бўлганда қандоқ. Ҳар боғнинг ўз булбули, ҳар чаманнинг ўз гули бўлганидек.

Р. Маҳмудов – Гапимиз айланиб, ижодга тақалди. Ижоднинг ўзи нима? Шеър нега, нима учун ёзилади? Мумкин бўлса, ижодхонангиз билан кенгроқ таништирсангиз.

Т. Сулаймон – Бирлар бор шеър ёзади, ариза ёзгани мисоли. Ишхонада ҳам ёзган одамларни кўрганман. Ошхонада ҳам. Бирларда шеър туғилади, дунёга келади. Масалан: Абдулла Орипов шеърни ёзмайдилар. Ҳалигидагиларга ўхшаб, бизга ўхшаб... У кишида шеър пайдо бўлади.

Р. Маҳмудов – Айрим оддий сўзлардан иборат сўз тизмаларини ўқиганда негадир кишининг энсаси қотади... Аммо ўша кишилар ўзларини катта шоир, деб биладилар. Сизнинг бу борадаги фикрингиз қандай?

Т. Сулаймон – ...

Р. Маҳмудов – Сизнинг шеърларингиз жуда содда, халқ тилидадир. Айрим шеърлар жуда жимжимадор, тушуниш қийин. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида қандай шеърлар зарурроқ деб ўйлайсиз? Бозор иқтисодиёти туфайлими, ёшлар, умуман, кишилар китоб, шеър ўқимай қўйишди. Бу урфондан чиқиш йўлларини нималарда деб биласиз?

Т. Сулаймон – Баъзан шундай бўлади. Ниманидир йўқотиб, уни тополмай кўнглинг ёришмай юрасан киши. Шундай кезларда бирор-бир асар қўлингизга тушиб қолади. Ўша тополмай юрган нарсангизни топгандай бўласиз. Кўнглингиз ойдинлашади. Бу – туғма, қуйма асарнинг кучи, шарофати. Ўқиганда ҳам, тўқиганда ҳам. Жимжимадор дедингиз. Баъзи бир қизлар бор ўсма-сурмасиз ҳам кишининг ақл-хушини олиб қўяди. Кўча хотинлари эса фақат пардоз-андоз билан тирик. Юзларига роса чаплайдилар. Асл ҳолида кўргудай бўлсангиз, кўнглингиз айнийди. Бу ҳам шундай гап.

Р. Маҳмудов – Айниқса, ёшларда илмга меҳр камайгандай, айрим ёшларда эса виждон, иймон, диёнат деган инсоний тушунчалар ҳам камайгандай туюлади.

Т. Сулаймон – Биргина ўқимай қўйиш эмас. Бозори касодга учраган бебахт ижодкорлар ёзмай ҳам қўйишди. Газета-журналлар бундай шеърларни босмай ҳам қўйишди. Ўта суллоҳ, ўта безбетлари эса ҳали-ҳамон майдондан чиқиб кетишмаяпти. Ҳамма замонларда бундай кўргулик бўлган.

Р. Маҳмудов – Шеърларингизда қандайдир мунг, руҳий ёлғизлик устувордай туюлади менга...

Т. Сулаймон – Шундай.

Р. Маҳмудов – Ҳозир эндиgina адабиётга кириб келаётган ёш ижодкорларга тилакларингиз қандай?

Т. Сулаймон – Бизларга ўхшамасликларини истар эдим.

Р. Маҳмудов – Гиёс Бойтоев, Абдурауф Олимов, Охунжон Мадалиев каби ҳофизлар халқ муҳаббатига сазовор бўлишида сизнинг шеърларингизнинг хизмати беқиёс. Умуман Сиз қўшиқчилар билан ҳамкорлик қиласизми?

Т. Сулаймон – Йўқ, улар туфайли мен сал танилгандай бўлдим.

Р. Маҳмудов – Ҳали Туркистон тарихида Сизнинг “Гул бир ён, чаман бир ён” шеърингизчалик кўп муҳокама бўлиб, машҳур бўлган шеър бўлмаса керак. Бу шеърнинг ёзилиш тарихи ҳақида гапириб берсангиз. Лекин бу шеър устига “Синглим Коммунанинг шеъри” деб ёзиб қўйгансиз.

Т. Сулаймон – Бу саволга шоира Ҳаётхон Ортиқбоева радио орқали жавоб берганлар. Лекин “Туркистон тарихида” деган гапингизни қайтариб олинг. Истиффор келтиринг.

Р. Маҳмудов – Адабиётшунос Умрзоқ Ўлжабоев “бутун умримиз хато қилиш ва шу хатолардан ўқинишдан иборат бўлмоқда”, деган эди. Сизда ҳам шундай хатоликлар, ўқинчлар бўлганми?

Т. Сулаймон – Хато қилмаган, ўқинмаган, қайғуга шерик бўлмаган, ташвишсиз яшаган одам одамми? Қуръони каримнинг “Аср” сурасидаги “Инна инсона лафи-хусрин” ояти бу саволга тўқис жавоб берган. Яъни инсон мудом ташвиш билан яшар экан.

Р. Маҳмудов – Умуман оила масаласига қандай қарайсиз? 60 ёшни қоралагунча халқ ичида юриб, “турмуш ташвишларини кўп кўрган табаррук инсон” сифатида ёш оила кураётганларга қандай тилаклар билдирасиз?

Т. Сулаймон – Умуман ёшларга консультация бериб бўлмайди. Ақл ўргатиб ҳам. Ҳозирги кетишлари хавфли. Бу ўша маймундан тарқалганликнинг самарасимасмикан? Кўпчилигини назарда тутмоқдаман. Кўчаларда чапиллатиб сақич (жевачка) чайнаб юриш, сочни қирқиш қизларда оммавий тусга кирди. Яхшиликка кўринсин...

Р. Маҳмудов – Тўра ака! Мана 60 ёшга кирдингиз. Сизни ҳаётдан олган фалсафангиз нима? Сизнингча, нима боқий қолади-ю, нима ўткинчи?

Т. Сулаймон – Бу биз ўтирган, биз тушган кемага боғлиқ. Дарё бошининг лойқа ё тиниқлиги билан боғлиқ нарсалар.

1994 йил

ШИРИН СЎЗНИНГ СОЧЛАРИГА...

“Учинчи Ренессанс мактаб остонасидан бошланади”, деган эди Юртбошимиз. Мактаб таълим-тарбия, билим бериладиган зиё маскани эканлиги барчага маълум. Инсон зоти борки, мактабга борган, боради. Мактабнинг вазифаси ёш, ҳали ёзишни, ўқишни билмайдиган, фикрлаши, ўйлаши ҳаминқадар инсонга ҳарф танишни, ўқишни, ёзишни, фикрлашни, инсонлар билан муомала қилиш маданиятини ўргатишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Мактаб, аввало, инсонийликни ўргатади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон халқ шоири, Гулистон давлат университети профессори Тўра Сулаймон шеърятини мактаби қандай вазифаларни бажармоқда? Ёшларга қандай сабоқ бермоқда?

Биринчидан, Тўра Сулаймон шеърятини, ижоди сабоғи инсонга сўз қадрини, сўзни жонли одамдай ҳурмат қилишни, эъзозлашни ўргатади.

Туман-туман қофиялар
Мени ёз, деб тизилар.
Тўртин ёзсам, олтинчиси
Ҳали оз, деб тизилар.

Оққа тушса, яхши, йўқса,
Мендан кўнгли узилар ...
Кўнгил узсам, ўртамизда
Буюк давра тузилар!

ёки

Қора кўзнинг кўзларига
Ўхшатолдим тимсолин.
Ширин сўзнинг сочларига
Ўхшатолмадим тимсолин

Бўйқизларнинг қошларига
Ўхшатолдим тимсолин.
Қора қошли, оқ юзлига Эш бўлсин
деб тоабад!
Бахт, омади қуёшдан ҳам Пеш бўлсин
деб тоабад!

Иккинчидан, Тўра Сулаймон шеърят сабоғи она тилини, адабиётини, Ватан тарихини, ўтмишини, халқ оғзаки ижодини ўрганиш инсон маънавиятини, маърифатини, дунёқарашини ўстиришни таъминлайди.

Қадимий маърифат ўчоғидаман,
Мезбонлар йўқлови, сўроғидаман
Тоғошар бахшининг саноғидаман, – деган эди.

Учинчидан, шоир асарлари инсонни табиатни севишга, табиатдан ҳайратланишни, табиат гўзаллигига қалбан ошно бўлишни ўргатади:

Дардсиз яшамоқлик дардманлик асли,
Бахордай беғубор-болалик фасли.
Бу дунёни кўрсам гулга қиёсли:
Боғли, боғчалиман
Кўкси осмонман.

Тўртинчидан, профессор Тўра Сулаймон сабоғи илм-фан, маърифат инсонни балоғатга, баркамолликка, комилликка етаклашини уқтиради.

Бобомнинг орзулари амалга ошмас бўлса,
Юрган йўлимда ўлан, қўшиқ қалашмас бўлса,
Қўшиқларим боғлардан, тоғлардан ошмас бўлса,
Эл-юрт бахтини қуйлаш менга ярашмас бўлса,
Кўнглимда армон ётар
Тура билмас нор мисол ...

Бешинчидан, ижодкор худонинг бекиёс инояти, тилсим, сабр-тоқат, садоқат, севги-муҳаббат, вафо маъбудаси бўлган аёлларни севишни, ҳурмат қилишни, доимо эъзозлаш зарурлигини насиҳат қилади.

Она, бу – осмон дегани
Оламга посбон дегани.
Офтобга дўстман дегани
Она бўл, қизим, она бўл.

Олтинчидан, Тўра Сулаймон вақтни қадрига етишни, ҳар бир ўтаётган дақиқа, сония қайтарилмаслигини, вақт - бебаҳолигини ўша вақтда фойдали, керакли, мақсадли иш билан шуғулланиш зарурлигини айтади:

Кексалик мўралаб эшик қоқмоқда.
Болалик қайтадан қайтарилмоқда .
Биздан эрта кунга нелар қолмоқда?
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда ...

Еттинчидан, Ватан улуғ қошона, уни эъзозлаш, унга хизмат қилиш, Ватан равнақи учун Худо берган ақл-заковатни, интеллектуал қобилиятни ишлатиб, Ватан ишига тайёр ва содиқ бўлиш зарурлигини таъкидлайди.

Қўхна ота юртим, қадим Туроним,
Ўз бешик, ўз тилим, шавкатим, шоним.
Етти иқлим ичра тенги топилмас –
Тупроқ, тоши олтин Ўзбекистоним.

Саккизинчидан, Тўра Сулаймон панд-насиҳатни яхши кўрувчи файласуф ижодкор. Идроки, зеҳни ўта ўткир бўлганлиги, синчковлиги сабабли ҳаётда кўрган-кечирган воқеа-ҳодисаларини қоғозга туширади.

Ҳаёсиз инсон бағритош бўлади,
Қилмишин кўриб, кўнглинг ғаш бўлади.
Отаси қартайганда рўзғорига
Ақли бутун йигитлар бош бўлади.

Тўққизинчидан, шоир инсонни орийтли, ғурурли, ор-номусли бўлиши, қисқаси, одоб-ахлоқли, комилликка интилувчи бўлиш зарур, деб ҳисоблайди.

Бедов от тўғидан тайриларми?
Мард йигит тўғри йўлдан қайриларми?
Номуси, орийти бор йигитлар
Ёри деб тукқанидан айриларми?

Ўнинчидан, ҳар бир инсон халқ оғзаки ижодини яхши билиши “Алпомиш”, “Равшан”, “Тўрўғли”, “Авазхон”, “Кунтуғмиш” каби дostonларни, халқ термаларини ўқиши лозимлигини уқтиради.

Ажаб бир созим бор, ўзгача саси,
Хаводай ҳаётбахш, билсанг нафаси.
Элга ошиқлигимнинг сабаби шундан,
Шундай, шодлигимнинг йўқ ниҳояси.

Ўн биринчидан, Тўра Сулаймон асарларини ўқиган одам ёмонликдан қочишни, ёлғончи, худбин, лоқайд, дангаса, шахсиятпараст, меҳрсиз бўлмасликни ўрганади.

Дўст-ёрон дийдори – бу жондан ортиқ,
Эътибори туман имкондан ортиқ.
Мудом бирдай ҳамдард, ҳамнафас бўлса,
Кўрган кунинг султон, ҳоқондан ортиқ.

Ўн иккинчидан, шоир асарлари одоб-ахлоқ, нафосат, мантиқ, фалсафа фанларидан дарслик вазифасини бажаради.

**Мен ҳам умид билан сафарга чиқиб,
Узоқ манзилларга кўз тиккан жонман.
Бирда Сирдай тошиб, бирда тутоқиб,
Катта йўлга чиққан
Кичик карвонман.**

Халқимизда мактаб яратган олим деган гап бор. Тўра Сулаймон шоир, олим, публицист, ёзувчи сифатида бир-биридан ўқишли мақолалар, шеърлар, ҳикоялар, дostonлар яратиб, маънавиятга, ўзбек адабиётига, ўзбек тилшунослигига катта ҳисса қўшди. Айниқса, қилган савобли ишларидан яна бири халқ оғзаки ижодини ёзма адабиётга янада яқинлаштирди.

Тўра Сулаймон шеърларида, ҳикоя, мақолаларида Эргаш Жуманбулбул, Фозил шоир, Ислom шоирларнинг нафаси уфуриб туради.

Шоирнинг “Бир кафт зар, бир ҳовуч гавҳар” мақоласини ахлоқ, нафосат, маънавият фанларидан қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

“Албатта, хислат, фазилат, истиҳола, тавфиқ, оқибат, меҳр, шарм, уят, ҳаё, ҳамият, ҳиммат – булар бир-бирини тўлдиради. Ҳатто кишининг қайси миллатга мансублигини билдириб туради”.

“Тўғри, шеър тизмачилик мулки. Юракдан ёзилганми, жигардан ёзилганми. Нима билан ёзилган бўлса ҳам. Бироқ уни – шеър – ҳикматни пуллаш кишига жудаям эриш туюларкан”. Бу фикрлар Тўра Сулаймоннинг файласуф шоирлигидан далолат беради.

Тўра Сулаймон гап келса отасини ҳам аямайдиган, ҳар қандай тўғри гапни томдан тараша тушгандай айта оладиган ижодкор эди. Тўра Сулаймон ҳеч қачон “пахта қўйиш”ни, эгилишни, суйкалишни билмайдиган тўғри сўз, тўғри қомат шоир эди. Шоирнинг мақолаларида кўтарилган масалалар бир кунда ёки бир ойда пайдо бўлиб қолмаган. Лекин ҳаммани ҳам оиласи, бола-чақаси бор, ҳаёт ширин. Аммо Тўра Сулаймон ҳеч кимдан ҳайиқмай, тўғри гапни, ёқадими-йўқми, баралла айта оладиган, оғзи полвон, қалами ўткир ижодкор эди. Шунинг учун ҳам Тўра Сулаймон кўпчилиқни ҳурматига, эътиборига, муҳаббатига сазовар бўлган эди.

ЧАМАН ИЧИНДА БИР ГУЛ...

2005 йил 9 сентябрь куни эрта тонгда ўзбек адабиётининг булбули, Сирдарё вилоятининг ғурури, фахрининг юраги уришдан тўхтади. Мирзаобод туманидаги Турғун Ахмедов номли қишлоққа республикамизнинг, Қозоғистон, Тожикистоннинг кўплаб ижодкорлари Тўра Сулаймон билан видолашгани келдилар.

Мотам митингида сўзга чиққан бахмаллик кекса ижодкор Холмўмин Шукуров, ўша пайтдаги Сирдарё вилояти ҳокими Абдурахим Жалолов, Тошкентдан келган шоирлар, ижодкорлар Тўра Сулаймон ижоди, ҳаёт йўли ҳақида гапирдилар.

Тўра Сулаймон васиятига кўра, отасининг жасади кўмилган Сайхунобод тумани Шароф Рашидов қишлоғи қабристонида дафн этилди.

2005 йил қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалар учун анча омадли келди. Режалар ортиғи билан бажарилди. Ғалла, пилла, пахта хирмонлари тўлди. Лекин... ижодкорлар учун йил анча ташвишли, қайғули келди. Наилж, буни ҳаёт, дейдилар.

2005 йил 9 сентябрь. Бу кун Сирдарёдаги адабиётчилар, ижодкорлар, маънавиятчилар учун мотам куни сифатида ёдда қолди.

Шу куни эрта тонгда Гулистон давлат университетининг фахрий профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон бу ёруғ дунёдан кўз юмди. Ўзбек адабиётининг сайроқи булбули сайрашдан тўхтади. Ўзбек халқининг суюкли ижодкори, тилимизнинг ғамхўри, халқ оғзаки ижодининг чуқур билимдонининг қўлидан қалами тушди. Ёзилмаган оқ қоғозлар, китоб ҳолига келтирилмаган қораламалар етим қолди. “Шундай одамлар ҳам бўладик, туғилганда ҳеч ким севинмаган бўлса ҳам, ўлганида бутун юрт аза тутди”- деган эди Абдулла Қаҳҳор. “Дарахтнинг баландлиги у йиқилганда билинади”, деган ҳикматли бир гап бор халқимизда. Тўра Сулаймон ҳар куни ёнимизда юарди, кун ора “соғиндик”, деб телефон қиларди, уч-тўрт соатлаб гурунглашардик. Қаерда бирор йигин, машварат, маърака бўлса, у киши бизни бошлаб борарди. Тўра Сулаймон бизнинг устунимиз, суянган суянчиғимиз, маслаҳатгўйимиз, жўрабошимиз эди.

“Эр йигит ўзи учун эмас, эли учун яшайди”, деган мақол Тўра Сулаймоннинг шиори эди. Тўра ака кўп вақтини кимларгадир дори излаш, кимларнингдир фарзандини операция қилдиришга ёрдамлашиш, кимлардир олаётган уйлари бориб кўришга бағишларди. Энг асосийси, Тўра ака инсонларга суянчиқ бўлишни яхши кўрарди.

Бир куни гап орасида фалончининг «сояси йўқ» деб қолдилар. Сояси йўқ одам ҳам бўладими, деб ҳайрон бўлдим. Соддасиз-да, соясиз одам ҳам бўлади, - дедилар. — Хўш, фалончиларни кимга фойдаси тегди ёки теккан. Юбилейини ҳам бировларга юклади-ку, бирор одамга фойдаси тегмаган одам сояси йўқ одамдир, - дедилар.

Сояси бор одамларга мисоллар келтирдилар. Машҳур ҳофиз Нажмиддин Ўринов, найчи Абдурахмон, полковник Турсунбек, Абдурахим, Ҳасанбой, Мунаввар, Бахтиёр. Худога шукур булар анчагина, - дедилар. Шундагина мен Тўра ака доимо кимнингдир, етти ёт бегона инсонлар учун ташвиш чекиб юриш сабабини тушунгандай бўлдим.

Бизнинг Тўра Сулаймон мана шундай ўзгалар ғами, ташвиши билан яшайдиган ҳожатбарор инсон эдилар.

Тўра Сулаймон сояси бор одам эдилар.

Тўра ака ўта кўнгилчан, айнаи вақтда ўта қаттиққўл эдилар. Агар фаросатсизликни, кўнглига ўтирмайдиган воқеани кўрсалар, томдан тараша тушгандай гапириб қолар ёки индамай ўринларидан туриб, жўнаб қолар эдилар. Сезардикки, устозга нимадир ёқмади.

Тўра Сулаймоннинг ҳаётлигида бор-йўғи 20 та китоби нашр қилинди, юзлаб публицистик мақолалари эса китоб ҳолига келтирилмади. Ёзувчи Набижон Боқий бу ўлмас, эскирмас мақолаларни китоб ҳолига келтириш керак, деб ҳаракат қилиб юрибди. Тўра аканинг эълон қилинмаган бир неча юзлаб шеърлари қолди. Гап бу ҳақда эмас. Гап, Тўра ака шеърлари ҳар бир инсон учун беғараз, бетаъма ёрдамчи, маслаҳатчи эканлиги ҳақида.

Бизнинг Тўра Сулаймон мана шундай сояси бор одам эдилар.

Саксонинчи йилларнинг*** охирида Тўра ака билан Тошкентдан Гулистонга автобусда бирга келдик. Эртаси куни кечқурун телефон жиринглаб қолди:

- Академик Сулаймонов безовта қилаяпти, - деган овоз келди гўшакдан.

- Ҳайронман. Менинг “Академик Сулаймонов”, - деган танишим йўқ-ку, - деб ўйлайман. Академик Музаффар Хайруллаев, Эркин Юсупов, Аҳмадали Асқаровни биламан, академик Сулаймоновни эслай олмадим. Гўшак тутган одам эса жавоб кутиб турибди.

- Эслай олмадим, - дедим хижолат чеккандай бўлиб.

- Ҳа, сиз ҳам ўзимиз қатори экансиз. Мен академик Сулаймоновман, деяпман. Кеча Тошкентдан бирга келдик-ку!

- Эсладим. Кеча Тўра ака билан Тошкентдан автобусда гаплашиб келган эдик. Тўра акаμισиз? Шундай демайсизми? - деб гина қилган бўлдим.

- Соғиндик, вақтингиз бўлса, келинг, думғаза шўрва қилдим, - дедилар.

Мен шундагина Тўра аканинг “Академик шоир” деб аталишини билиб олдим. Халқ эъзозлаб, Тўра Сулаймонни “академик” деб атарди. Чунки академик – бу барча нарсани мукамал биладиган, қомусий билим эгаси, дегани.

Тўра Сулаймон дидли, нафосатли, нозик табиат, озодалиқни, саришталиқни яхши кўрадиган инсон эди. Кўнгилга ёққан кишиси билан гаплашиб ўтириб чарчамасди, “очириб” кетарди. Вафотидан кейингина англадимки, Тўра ака кўнглига яқин кишиларнинг доимо ёнларида бўлишни истаркан. Афсуски, иш, вазифа, турмуш ташвишлари, деб Тўра аканинг истакларини ҳар доим ҳам кўнгилдагидек адо эта олмадик.

2005 йил ёз ойида Тўра ака касал бўлиб, шифохонага тушди. Ҳар куни кўришиб турдик. 2005 йил 8 сентябрь куни кечқурун ҳам икки оғизгина гаплашдик.

- Азроил ҳам ношудроқ экан, шекилли, Равшанбек, жоним қаердалигини тополмай адашиб юрибди, чоғи, - дедилар ориқлаб кетганларига ишора қилиб, ҳазил аралаш.

- Ҳали бардамсиз, яхши бўлиб кетасиз, - дедим.

Бошини сарак-сарак қилдилар. Яна нималарнидир демоқчи бўлдилар. Лекин дея олмадилар. Эртаси куни тонг саҳарда шоирнинг катта ўғли Неъмат уйга телефон қилди: – “Отам оғирлашиб қолдилар. Сизни сўраяптилар”.

Вилоят телерадиокомпанияси раиси Илёс ака билан касалхонага етиб бордик. Афсуски, улгура олмадик. Устознинг жони узилган экан. Гулистон, Сирдарёгина эмас, гўё бутун рўйи жаҳон хувиллаб қолгандек бўлди.

Тўра Сулаймон Сирдарё вилоятининг фаҳри эди. Сирдарёнинг жўшқин қўшиғи эди. Қайси вилоятга борсам, кимни (айниқса, ижодкорларни) учратсам, биринчи сўралар кишиси Тўра Сулаймон бўларди. Наманганда, Бухорода, Фарғонада, Андижонда, Самарқандда ҳам Тўра Сулаймонни ўз жигарларидай яқини, суюкли шоири деб билишарди.

Афсуски, ўлим ҳақ. Тўра Сулаймон бир инсон қилиши мумкин бўлган барча ишларни қилди. Маънавиятимиз, маърифатимиз тараққиётига муносиб улуш қўшди, бир-биридан ўқишли бетакрор, ўлмас асарлар, дostonлар, эртақлар, публицистик мақолалар ёзиб қолдирди.

“Тўра Сулаймоннинг иккинчи умри бошланди”, деган эди истеъдодли ёзувчи Набижон Боқий. Ҳақ гап. Тўра Сулаймон шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар ҳар куни радио ва телевидение орқали бутун Марказий Осиё халқлари ўртасида янграмоқда. Бу ўлмас қўшиқлар ёшларга маънавият нурларини улашмоқда.

Тўра Сулаймоннинг қаҳрамонлари ҳам ўзига ўхшаган оддий, камтар, камсукум, ҳамма билан гаплашиб кета оладиган, тўғри гапдан қайтмайдиган Эргаш Жуманбулбул ўғли, Омонкелди оқсоқол, Мамарайим, Абдурахим ва бошқалар. Шоир “Эргаш Жуманбулбул эл кезади”, деб Эргаш бобо тилидан юртимизда юз бераётган ютуқлардан хурсанд бўлса, қусурлардан, камчиликлардан хижолат тортади.

Тўра ака мақтанишни ёмон кўрарди, ўнлаб мақолаларини, юзлаб шеърларини илк бор мен ўқиганман. Қачон янги асар ёзса ўқитиш учун баҳона топарди, раҳматли.

- Равшанбек, кўришмаганимизга ҳам юз йилча бўлди-ёв, йўталнинг дорисини Бахмалдан олиб келдим, янгисидан, - дер эдилар Тўра ака.

Хонадонларига боришим билан ёш, чаққон йигитлардай чой дамлар, столнинг устини турли ноз-неъматлар билан тўлдириб ташларди-ю, сиз мана бу қораламани ўқиб туринг, деб ҳозиргина ёзилган шеър ёки мақоласини қўлимга тутқазарди. Кейин биргалашиб бу янги, ҳали ҳеч ким ўқимаган асарни соатлаб муҳокама қилардик. Тўра ака бирон марта янги битигини - шеър, асар ёки мақола деб атамасди, ёзган асарларини бир неча ойга ташлаб кўярди. Кейин яна ўқиб тузатиб, ўзгартириб, матбуотга берарди.

Тўра ака мана шундай одамларни бадиий тафаккури билан ҳайратлантира оладиган олижаноб, ўзига хос феъл-атворга эга бўлган инсон эдилар.

Мен Тўра Сулаймонга Зулфия, Сарвар Азимов, Ғафур Ғулом, Туроб Тўла, Турсунбой Адашбоев, Неъмат Аминов, Саъдулла Сиёев каби ўнлаб ижодкорлар ёзган хатларини ўқиганман. Агар бошқа бирор шоир бўлганида эди, мен Зулфия опанинг яқин инисиман, деб ўша 70-йиллардаёқ қатор унвону медалларга эришган бўларди. Тўра ака ундайлардан эмасди. Тўра Сулаймон унвон-у мақтовларга зор бўлмаган назари тўқ инсон эди.

Сен муқаддас бешигим, онам, она тилимсан,

Ўз айтар қўшиғимсан, эртам, эзгулигимсан.

Мен сенингсиз яшолмам, кўкдай мангулигимсан,

Боладай кўзга яқин Сир, Зарафшоним менинг.

Ватанга фидойиликни шундай ифода этган Тўра Сулаймоннинг қутлуғ номи ўзи суйган, ардоқлаган жаннат макон юрт одамлари учун ҳамиша азиз ва ўчмас бўлиб қолади.

ОНА ЮРТ КУЙЧИСИ

Тўра Сулаймон – ўзбек адабиёти тараққиётига катта ҳисса қўшган шоир. «Ёвқочди», «Мангулик», «Гулжаҳон» дostonларининг ўзи Тўра Сулаймон ижодининг ўта сермахсул эканлигидан далолат беради. Бу **дostonларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида катта шеърӣ романлардир**. Мен Тўра Сулаймон ижодини 20 йиллардан буён кузатиб келаман. Шоир билан кўп учрашиб гаплашганман. «Мен азонда, баҳорда, тўйларда ҳам шеър ёзавераман», «Мен илҳом келса, ёзаман» деган гапини бирор марта эшитмаганман. Тўра Сулаймон қачон ижод билан шуғулланишини айтмаган, фақат вақти жуда камлигидан нолиган, холос. Кўп вақти турли ишларга сарфланаётганидан зорланган, холос.

“Сайҳон” шоирнинг 2002 йилда «Шарқ» нашриётида босилган сўнгги, ўз кўллари билан сараланган шеърлари киритилган китоби. Лекин бу китоб ўзбек адабиёти, ўзбек шеърхонлари учун муҳим воқеа бўлди. Чунки бу тўплам олдинги йилларда босилган китобларидан саралаб олиниб, охириги йилларда янги ёзилган шеърлар қўшилиб тузилган.

**Бахт қуши топмиш қўналға шонли Туркистон айланиб–
Ўз ҳолиға келмиш Турон замондин замон айланиб.
Ҳазрати Хизр юрибди ҳур Ўзбекистон айланиб,
Туғросига қўнмиш Ҳумо мустаҳкам Қўрғон айланиб,
Чор атрофга зоғ йўлатмас Семурғ доvon айланиб.
Амир Темур руҳи шодмон иззатли Султон айланиб,
Бу не бахтким, юрса Ҳудҳуд Тўра Сулаймон айланиб!**

Она юртимиз - Ўзбекистонимизнинг бугунги чиройини, мустақиллигимизнинг мадҳиясини бундай содда, самимий, тушунарли қилиб элга етказиш фақат Тўра Сулаймоннинггина қўлидан келади.

«Эргаш Жуманбулбул ўғли эл кезади» номли умумий сарлавҳа остида ёзилган «Йиғлар», «Сохтадан—сохта», «Ҳолинда 1», «Айланиб», «Устувор», «Имтиҳон», «Тарки жамоа», «Фахрия» каби асарлари Тўра Сулаймон ижодининг гултожисидир.

**Чиройда Тонг юлдузи билан ёнма-ён ўлка,
Ҳар бир тамал тошининг ўзи бир дoston ўлка,
Кечмиши, кечирмиши дунёга аён ўлка,
Жон фидо қилса арзир жаннат маконим менинг.**

Тўра Сулаймон Ўзбекистонни бутун борлиғи билан севади. Унинг гўзаллигини - ю, чўлу-даштини севади. Инсонларни, айниқса, ёшларни бу ўлка қадрига етишга, унинг тарихини ўрганишга, ундан сабоқ олишга, ўтмишдаги алломаларга муносиб ворис бўлишга чорлайди.

Тўра Сулаймон – юртпарвар шоир. Тўра Сулаймон – кўнгилпарвар шоир. Инсон кўнгли – Каъбадек муқаддас эканлигини яхши биларди, инсон кўнглини кўтаришни, инсон кўнглига малҳам бўларли сўзлар айтишни инсоний, шоирлик бурчи деб билади. Тўра Сулаймон – меҳнат куйчиси, меҳнатсеварлик инсоннинг энг олий фазилати эканлигини доимо шеърхонларга уқдиришга ҳаракат қилади.

Тўра Сулаймон – муҳаббат куйчиси. Муҳаббат инсонни лоқайдликдан, жаҳолатдан сақлайди. Муҳаббат инсонларни бир-бирларига яқинлаштиради, дўстлаштиради. Тўра Сулаймон – она куйчиси. Унинг шеърларида оналарнинг орзу-армонлари, ғам-ташвишлари ишонарли, табиий ҳолда куйланган.

Тўра Сулаймон – бахши шоир. Шеърлари – халқ тилига, дилига яқин. Шоир халқ оғзаки ижодини ёзма адабиётга яқинлаштирган. Тўра Сулаймон шеърларининг аксарият қисми бахшиёна услубда ёзилган.

Сиз бирор марта осмонга ой чиққанда ёки ой тўлиб, кундай ёруғ бўлганда уни кузатганмисиз? Мен кузатганман. Аммо ойнанинг ўртанганини пайқамаганман. Бу шоирнинг бўрттиришидир. Ҳақиқатан ҳам бутун бир осмонда яккалигидан, ёлғизлигидан, зерикканидан, йўлдоши, ҳамсухбати, дардкаши йўклигидан ой ўртанаётгандир. Бу ҳолатни бошидан кечирган файласуф шоиргина тиниқ осмондаги оёга қараб унинг ўртанганини сеза олгандир.

**- Бу юлдузлар кимнинг канизаги деб,
Кимни айтар туннинг кўрк, беазаги деб,
Қуёшнинг кўкдаги эгизаги деб,
Осмон ўртасинда нозланадир Ой.**

Мен осмоннинг гўзаллиги, бепоёнлиги, латифлиги, кенглиги тўғрисида ўнлаб шеърлар ўқиганман. Осмонни кўп кузатганман, лекин бирон марта ойнанинг нозланганини сезмаганман. Профессор Қозоқбой Йўлдошев айтганидек, чўл шоири Тўра Сулаймон осмондаги юлдузлар қуршовидаги ёлғиз ойнанинг нозланаётганини пайқай олган. Тўра Сулаймон учун Ой нозланган. Ойнанинг «армонлангани»ни, ҳорғин сузаётганлигини, безовталанганини, тутилганлигини, тўлғонганини, изтиробдалигини, тўхтаб қолганлигини, маъюсланганлигини, азобланганлигини, тебранганлигини, ўртанганлигини, кўрғонланганлигини сезиш, ҳис қилиш учун фақат Тўра Сулаймон бўлиш керак. Тўра Сулаймон назари, диди, салоҳияти билан осмонни кузатиш ва у ҳақида мулоҳаза юритиш лозим. Осмондаги оддийгина сузиб кетаётган ойдан ҳам Тўра Сулаймон олам-олам маъно топади. Қизиғи шундаки, бу маънолар, ғоялар, фикрлар инсонни лоқайд қолдирмайди. Бу шеър шоир эҳтиросининг, ҳиссиётининг, идрокининг ўта қучилигидан, нозиклигидан далолат беради.

**- Бир - бирига тинмай отсалар тош деб,
Алҳол, пастга энар бўлса Қуёш деб,
Тирик жон бу ҳолга беролмас дош деб,
Осмон ўртасинда азобланар ой...**

Тўра Сулаймоннинг ажойиб, ҳаётий ҳикоялари, қатралари, ҳажвиялари, дostonлари бор. Ҳикоялари Абдулла Қодирий, Саид Аҳмад, Шукур Холмирзаев, Исажон Султонов, Хайридин Султоновларникидай ўқишли, мазмунли, моҳиятлидир. Тўра Сулаймон ҳикояларига ҳали адабиётшунослар эътиборларини қаратганларича йўқ. Адабиётшунослар шоир айтганидек, «фақат мартабали, унвонли ёзувчиларга ҳамду санолар айтишдан бўшаганлари йўқ». Айниқса, маҳаллий, чўллик ёзувчи ҳақида гапириш, ҳикоялари, публицистик мақолалари ҳақида илиқ фикр айтишга имкон топганларича йўқ.

Рости, умрининг сўнгги уч йили мобайнида Тўра Сулаймон ижодининг яна бир қирраси очилди. Тўра Сулаймон 70-йилларда «Ҳамқишлоқларим» номи остида очерклар эълон қилган эди. Ҳикоялари, қатралари, ҳажвиялари «Алҳазар» тўпламида чоп этилган. «Алҳазар» 80-йилларда махсус мукофотга ҳам сазовор бўлганди. Лекин гап бу китоблар ҳақида эмас, балки Тўра Сулаймон ижодининг янги қирраси, публицистикаси ҳақида кетаяпти. Чунки Тўра Сулаймоннинг Ўзбекистон мустақил бўлганидан кейинги ижоди янада гуркираб, ўсди. У шеърдан кўра кўпроқ жамиятимизда кўзга тушган чўпдек асабга тегадиган муаммолар ҳақида публицистик мақолалар ёзади.

Тўра Сулаймоннинг 2001 йил 6 декабрда «Ўзбекистон овози» газетасида босилган «Тил – ўзагимизнинг, ўзлигимизнинг, ўзига беклигимизнинг бош белгиси» мақоласи республика матбуоти, маданияти ва адабиёти

жонкуярлари учун ёздаги чакмоқ мисоли чакнади. Матбуот ва телевидение тилининг саводсизлиги далиллар асосида танқид қилинди. Бу мақолага жуда кўплаб олимлар фикр билдиришиб, шоирни қўллаб-қувватлашди. Ҳолбуки, бу мақолани катта тилшунос олимлар эмас, шу соҳанинг нонини 30-40 йиллаб еган мутахассислар эмас, балки, чўлда ижод қилаётган, халқ тилини яхши билган Тўра Сулаймон ёзди ва халқни матбуот, телевидение орқали саводсиз қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлигини уқтирди.

Тўра Сулаймон ош еганда тош чиқиб, тишга тегиб, инсон ғашини келтириб, асабига тегадиган, озгина эътиборсизлик, фаросатсизлик, мушоҳадасизлик оқибатида йўл қўйилаётган, аммо тузатса, олдини олса бўладиган лоқайдликнинг мевалари ҳақида бутун республика зиёлиларининг эътиборини ўзига тортади. Тўра Сулаймоннинг «Олтин сандик» асарини кўпчилик ўқиган ва унинг ёзувчилигига тан берган. Абдулла Қаҳҳор сўзни танлаб-танлаб ишлатишда ном чиқарган бўлса, бугунги кунга келиб Тўра Сулаймон халқ тилини мукамал билиши ва истеъмолга олиб киргани билан машҳур. Республикамиздаги барча адабиётшуносларгина эмас, балки Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовдан тортиб Набижон Боқий, Усмон Азим, Ҳалима Худойбердиевалар ҳам Тўра Сулаймон ижодига, ноёб истеъдодига тан берганлар.

«Бутун халқнинг тили ҳам, маданияти-маърифати ҳам, санъати-адабиёти ҳам бутун бўлади», – дейди Тўра Сулаймон. «Ва тилимизни, адабиётимизни, санъатимизни хас-чўплардан тозалашимиз зарур», деб бонг уради. «Бу тилни тиниклаштириб, чўпу хаслардан, курмак-атаслардан тозалай бориш биргина тилшуносларнинг эмас, ҳаммамизнинг ишимиз, бурчимиз»,– дейди Тўра Сулаймон. Ҳолбуки, бу иш 20-30-40 йиллаб тил илми нонини еган тилшунос олимларимизнинг юмуши эди. Лекин, Тўра Сулаймон «Зангори экран» ва радиода, газета-журналларда айрим сўз, атама ва ибораларнинг ножоиз, ноўрин қўлланилаётганини кўриб жим туролмайди.

«Ўлистон давлат университети профессори сифатида мен ҳам қўй-е-е, менга нима деб, чиллахонага кириб кетиб, кўзга кўзойнакни ёпиштириб олиб, тўрт кўз бўлиб олиб, бўлар-бўлмас жўкиёна шиғирларни ёзиб, ё илмий ишлар билан шуғулланиб, (садағаси кетай ўша шиғирларнинг билан палағда илмий ишларингни дейдиган бўлса, кошки) кўкрагимни захга бериб ётсам бўлар эди. Гап ана шу менга ним-а-а-а, дейишда! Бу кетишда тилимизнинг аҳволи нима кечади, деб мен ўйламасам, сиз қайғурмасангиз, у эса ўз қилар ишини бир чеккага йиғиштириб қўйиб, тижоратчиликка уриб кетса (хижолат бўлмасдан), алалоқибат нима бўлади?». Мана, Тўра Сулаймонни безовта қилаётган иллат! Бу мақола Тўра Сулаймоннинг тилшунос олим эканлигини кўрсата олди, Тўра Сулаймон жасорат билан бу мавзуни кўтариб чиқди ва тилшунос олимларнинг эътиборини бу масалага жалб қилди. Мақола газетада босилганидан кейин анчагина баҳслар бўлди. Хатоликларнинг олди олинди. Матбуот, телевидение, радиода ўзбек тилига алоҳида эътибор берила бошланди. Радиода, телевидениеда ўқиётган матнлар тилшунос, стилистикани яхши тушунадиган мутахассислар маслаҳати билан бойитилди, штаблар жорий этилди. Энг асосийси, энди бош-охири, эга-кесими тескари гаплар камроқ учрай бошлади.

Маънавият қаердан бошланади? Биринчи галда тилдан. Инсоннинг билими, дунёқараши, онги, тафаккурининг қай даражадалигини у айтаётган гапи, фикри орқали билиб олиш мумкин. Демак, инсон баркамоллик, комилликни даъво қилаётган экан, маънавиятлиликни, маданиятлиликни ўзида мужассам деб билаётган экан, соф ўзбек адабий тилида гапира олиши, ёза

олиши зарур. Бугун телевизорда, радиога гапираётганларнинг анчагинаси «вотти —вотти»дан бўшамайди. Сухбатлашаётган мухбир эса «бундай гапирманг, бу телетомошабинларга ҳурматсизлик, эътиборсизлик белгиси» демайди ёки дейишга журъати етмайди. Тўра Сулаймонни бу каби «жузъий», асабга тегишлар безовта қилади, жим туролмайди, Хато қилаётганлар юзига «ойна» тутишни яхши кўради. Бу ойна тутиш орқали қанчадан — қанча кўчалар, эшиклар ўзи учун ёпилиб қолишини ҳам яхши билади. Аммо чўчимайди. Тўра Сулаймон кўрқини билмайдиган тилшунос олим эди.

Тўра Сулаймон ўзбек тили истеъмолига жуда кўп янги терминлар, сўзлар олиб кирди, халқ ичида қўлланиб, бугун унутилаётган юзлаб сўзларни шеърларида қўллайди. Сўз қўллашни билиш, сўзни ҳаракатлантириш, уни жилолантириш, нақшлантириш, ҳайратлантириш, унинг янги маъноларини очиш шоирлик белгиларидан бири. Сўзни ишлата олиш, ўз жойида қўллай билиш, сўзни санъат даражасига олиб чиқиш шоир салоҳиятига боғлиқ. Тўра Сулаймон сўзни эъзозлайдиган, унга “жон” киритадиган шоир эди. Республика Матбуот ва ахборот агентлиги, Телерадиокомпанияси, Маданият ишлари вазирлиги ва «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси раҳбариятлари эътиборига ҳавола этилган **“Аслида бешиқдан бошланар кўшиқ”** мақоласи кўшиқчиликнинг бугунги аҳволи масаласига бағишланган. «Халқ сўзи» газетасининг 2002 йил 13 декабрь сонида босилган мақола маънавият тарғиботчилари, маърифатчилар учун, маданият ходимлари учун, юмшоқроқ қилиб айтганда, қаттиқ танбех эди.

Ўзбекистон Президенти фармони билан 15-25 ёшли қизлар ўртасида иқтидорли, истеъдодлилар учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди. Бу ниҳоятда савобли, яхши иш. Лекин, ростини айтиш керак, бугун 15 ёшли ўқувчи-қизлар ўртасида ясама шоиралар кўпайиб қолди. Аммо, бу «шоира»ларнинг шеърларини ўқиган кишининг энсаси қотади. Чунки, «шеърлар»нинг аксарияти ясама қофия, ясама ташбех, ғашга тегадиган сатрлардан иборат, шеър деб бўлмайди. Ҳозирги пайтда китоб чиқариш маблағга боғлиқ бўлиб қолди. Маблағ бўлса, китоб чиқариш ўйинчоқ бўлиб қолди. Айрим шоирларимиз «хизмат» эвазига шоирачалар «ясаш» билан шуғулланмоқдалар. Хўш, уларнинг «ижодлари»дан, бу китобчалардан адабиёт, халқ нима наф қўради? Бу асосий масала ҳеч кимни қизиқтирмайди. Нима бўлса, бўлар, маблағ кетса кетар, китоби чиқса бўлди, қабилда иш олиб борилмоқда. Мақсадлари Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодини кўрсатиш. Мукофотга илинмаса, яна хафагарчилик, илтимосчилик. Яқинда телевизорда бир ёш шоира ҳақида кўрсатув берилди. «Биз - ижодкорлар...» деб гап бошлади қизгина. Хайрон қоласан киши, ҳали эндигина компьютерда пиёзнинг пўстидай китобчаси чиққан «шоира» шундай деб турса, 2-3 та китоби чиқса нима бўлар экан, деб хайрон қоламан. Абдулла Ориповнинг ўндан ортиқ китоби чиққанда ҳам «мен шоир эмасман, қаламкаш, ҳаваскорман» деганини кўп бор эшитганман.

Халқимиз орасида истеъдодлилар – кўп. Табиатан шоирлик юққан, ҳақиқий маънодаги истеъдодларни бу юксак мукофотга тавсия этишимиз керак. Зулфияхоним номидаги юксак мукофот ўнта мақола ёзган ёки битта рақсни яхши ўрганган, кашта тикишни билган қизчагагина эмас, балки ижодкорлик хислатига эга бўлганларга берилса, адолатли иш бўларди. Тўра Сулаймон Зулфияхонимнинг инисидай, жигаргўшасидай яқин инсон эди. Тўра Сулаймоннинг иккинчи қизи Юлдуз Зулфияхоним уйида яшаб, Тошкентда таҳсил олган. Тўра Сулаймон бугун буюк шоира номидаги мукофот обрўсини

туширмаслик кераклигини истамоқда Ижодкор кўпайса, яхши. Лекин бу ясама ижодкорлик қачонгача давом этади. «Устоз»лари қанча вақт уларнинг шеърларини тузатиб ёки ёзиб бериб туришади. Бу иллатларга чек қўйиш зарур, - демоқчи бўлади шоир.

Тўра Сулаймон иқтидори борларга доимо оқ йўл тилаган.

Шеърларини Тошкентга, таҳририятларга олиб бориб берган, Ҳаётхон Ортиқбоева, Баҳор Холбековаларни шоира сифатида машҳур бўлишида қўллаб-қувватлаб халққа танитган Тўра Сулаймондир.

Тўра Сулаймоннинг **“Аслида бешикдан бошланар кўшиқ”** мақоласида ясама шоиралар пайдо бўлиши жараёни мисоллар орқали кўрсатилган. Бундай ясама шоиралар яшаш жараёнига кишилар эътиборини жалб қилиш орқали - «адабиётнинг кучини ўтин ёришга сарфлаш керак эмас»лигини (А,Қаххор) айтмоқчи. Шоирлик мансаб ёки ҳунар эмас. Шеър бу - истеъдод, талантликлик меваси. Инсон кўнглининг кўчаси кенг. Инсон нималарни истамайди, - дейсиз! Истакнинг ўзи билан иш битса қошки эди. Ким шоир бўлишни истамайди? Китоб - муқаддас. Китоб - табаррук. Ундаги тизмалар ҳам мазмунан оҳорли, инсонларни тарбиялашга, маънавиятини ўстиришга хизмат қилиши керак.

Китоб нонга тенглаштирилади. Китобнинг қадрини ерга уришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бадиий савияси бўш асарлар эса китоб қадрини пастга урилишига сабаб бўлмоқда. Мазмунан саёз, муқофот олиш илинжида ясалган китобчалар китобхонлар ихлосини қайтаради, китобга бўлган ҳурматини, қизиқишини сўндиради. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш зарур. Шоир Тўра Сулаймонни безовта қилган ҳолат ҳам мана шу.

Телевизордаги, радиодаги кўшиқларни барчаси ҳам ёши улуг кишиларга мос келавермаслиги табиий. Аммо кўшиқ «ўлкамиз, халқимиз руҳига мос келадиган иймон-эътиқод, адлу инсоф, диёнат, меҳру оқибат, ор-номус, ифбат ва ҳаё каби эзгу фазилятларни ўзида акс эттириши» лозим. Афсуски, айрим қуйланаётган кўшиқлар инсон ғашини келтиради, холос. Тўра Сулаймон кўшиқ деб атаб бўлмайдиган маъносиз, мазмунсиз, айқаш-уйқаш сўзлардан иборат тизмалар ҳақида қуйиниб ёзади.

Кўшиқ – маънавий неъмат. Кўшиқ инсон руҳини бойитади, тозартиради, онгини ривожлантиради, ҳис-туйғусини ўстиради, тарбиялайди. Лекин, бугун айрим радиоканалларда, берилаётган куй – кўшиқларни савияси шу даражада паст, тингловчилар дидини, савиясини фақат пасайтиришга, ўтмаслаштиришга хизмат қилади. Телевизордаги, радиодаги берилаётган кўшиқларни масъул ўртоқлар кўшиқчи нима деяётганини ё эшитмайдилар, ё англамайдилар. Бундай бачкана, маза-матрасиз кўшиқлар ёшлар маънавиятини ўтмаслаштиришга хизмат қилади, холос. Агар бундай савияси паст бунёдкорликни, юртпарварликни, инсонийликни улуғламайдиган кўшиқлар битта бўлса ҳам кўп. Унинг зиёнини қанчалигини баҳолаб бўлмайди.

Бугун китоб ўқимайдиган, китоб ўқишдек “оғир” меҳнатдан аксарият ёшлар қочаётган бир паллада кўшиқнинг аҳамияти жуда улкан. Шунинг учун Тўра Сулаймон енгил-елпи кўшиқлар телеканал ва радиоканалларида эфирга берилмаслигини айтмоқда.

Тўра Сулаймоннинг ҳар бир мақоласи ўзбек публицистикасига қўшилган катта ҳиссадир. Бу илмий мақолалари учун Тўра Сулаймонга 2001 йилда Гулистон давлат университети илмий Кенгаши “Университет профессори” фахрий унвонини берган.

Тўра Сулаймонни фақат бу воқеаларнинг ўзигина - эмас, балки, деҳқончиликдаги ўзи бўларчиликлар, ершуносликдаги хатоликлар, талон-тарожиликлар, пахтачиликдаги емирилишлар, алдашлар, пахта режаларини бажарилмаётганининг сабаблари каби кўплаб жамиятимиз учун энг керакли таянч нуқталар ҳақида ўз қарашларини илгари суради. Тўра Сулаймон ўзини ақлли, доно қилиб кўрсатмайди. Балки мутахассислар

эътиборини оғриқли нуқталарга қаратади. Ижодкорлик, инсонийлик бурчини бажаради, холос.

Тўра Сулаймон мамлакатимиз ютуғидан ғурурланадиган, кувонадиган камчиликларни бартараф қилишга ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилган, халқ юрагининг овози вазифасини баҳоли-қудрат бажарган оддийгина, камтаргина, камсукумгина ижодкордир. Тўра Сулаймоннинг юраги доимо ёниб, алангаланиб туради. Кўнгиллар бу оловдан исинади, руҳланади, маънавият олади, маърифатланади. Тўра Сулаймон – мана шундай Оллоҳнинг нури тушган инсон эди.

Пайғамбаримиз “отага итоат қилиш – Тангрига итоат қилишдир. Унинг олдида гуноҳ қилиш – Тангри олдида гуноҳкор бўлиш билан баробардир”, - деганлар. “Отаналарининг кексалик вақтида ҳар иккисини ёки бири бўлмаганда бошқасини рози қилиб, жаннати бўлиб олмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин, яна хор бўлсин!”, деганлар.

Шоирлар, ижодкорлар халқ ичида юриб халқ меҳрини, ҳурмат-эътиборини қозониб, улуғ, донишманд, файласуф деган номга сазовор бўладилар. Демак, отабоболаримиз илгари сурган эзгулик, яхшилик, меҳр-оқибатлилик, инсонийлик ғояларини янгича мазмунда, янгича оҳангда ифодалаган ва инсонларнинг нозик нуқталарига, юракни жунбушга келтирадиган шеърлар ёзган, сатрлар битган Тўра Сулаймон эъзозланишга лойиқ.

“Адаб ақлнинг ташки суратидир”, “Адаб – ақл ва иймоннинг чироғи, обрў – эътибор сармоясидир” дейилган ҳикматларда. Тўра Сулаймон асарлари инсонларни ахлоқли, маънавиятли, маърифатли қилиб тарбиялашга хизмат қилади.

2004 йилнинг 30 ноябри. Қуёш эрталабдан чарақлаб чиқди. Эрталаб соат 10⁰⁰ да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси делегацияси микроавтобуси Сирларё вилояти ҳокимияти биноси олдида келиб тўхтади.

Ўша пайтдаги вилоят ҳокими Абдураҳим Жалолов ва жамоатчилик – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Саййид, Ўзбекистон халқ шоирлари Жуманиёз Жабборов, Ҳалима Худойбердиева, “Оила ва жамият” газетаси бош муҳаррири, ёзувчи Дилбар Саидова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира Мухтарама Улугова, истеъдодли шоир Рустам Мусурмон, Тошкент вилояти Ёзувчилар уюшмаси раиси Маҳмуд Тоир, адабиётшунос олим Ортиқбой Абдуллаев, профессор Қозокбой Йўлдошев, ёзувчи Набижон Боқий, таржимон, шоир Асқад Маҳкам, шоир Рауф Субҳон, фалсафа фанлари доктори, профессор, ёзувчи Тилаб Маҳмудов, “Мунаввар тонг” кўрсатуви бош муҳаррири, шоир, адиб Муҳаммад Исмоил ва бошқаларни кутиб олдилар.

Вилоят ҳокимиятидаги учрашув қисқа танишув билан бошланди. Вилоят ҳокими Абдураҳим Жалолов иш бошлаганига тўрт кун бўлаётганлигини, иш фаолияти яхши, эл ардоғидаги кишиларни Сирдарёга ташриф буюришлари, Тўра Сулаймоннинг 70 йиллик тўйи муносабати билан Адабиёт байрами бошланаётганлиги жуда хайрли эканлигини айтиб ўтдилар.

Олим Хўжаев номли мусикали драма театри биноси байрамона безатилган. Тантанани Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими масъул котиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира Ҳаётхон Ортиқбоева кириш сўзи билан очди.

Биринчи табрик сўзи Сирдарё вилоят ҳокими Абдураҳим Жалоловга берилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг табригини уюшма раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид ўқиб, эшиттирди.

Жиззах вилояти ҳокимияти номидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Жиззах вилояти бўлими масъул котиби, ёзувчи Туроб Максуд ва вилоят ҳокими маслаҳатчиси Абдуғани Илашевлар табрикладилар.

Шунингдек, профессорлар Қозокбой Йўлдошев, Тилаб Маҳмудов, Ўзбекистон халқ шоирлари Ҳалима Худойбердиева, Жуманиёз Жабборов, Муқимий номли, О.Хўжаев номли театрлар санъаткорлари, Гулистон давлат университети, бошқармалар, туман, шаҳар ҳокимликлари вакиллари Тўра Сулаймонни қутлуғ ёши билан муборакбод этдилар.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Асадулла Холиқов, Шохжаҳон Жўраев, Абдурауф Олимов, Абдурахим Султоновлар куй-қўшиқлари билан тантананинг янада мазмунли ўтишига ҳисса қўшдилар.

Сирдарё вилояти пойтахт Тошкентнинг бикинида бўлганлиги учун ҳам ижодкорлар чўлга кўп ташриф буюришади.

Тўра Сулаймон хонадонига академик Ғафур Ғулом, Султон Акбарий, Миртемир, Ҳомил Ёқубов, Собир Мирвалиев, Ғаффор Мўминов, Саъдулла Сиёев, Турсунбой Адашбоев, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Усмон Азим, Ҳалима Худойбердиева, Набижон Боқий, Иқбол Мирзо, Азизбек Турдиев ва бошқа кўплаб ижодкорлар ташриф буюришган. Адабиётимиз устунлари, маданиятимиз, маънавиятимиз тарғиботчилари Тўра Сулаймон орқали чўл ҳавосидан баҳраманд бўлишган, қатор очерклар, шеърлар ёзганлар.

Тўра Сулаймон Миртемир домланинг сеvimли шогирди, ўғли янглиғ яқини эди. Миртемир домланинг ҳамма учун эшиги очиқ бўлган, лекин кўпчилик журъат қилиб, катта шоир хонадонига боришга юраги бетлай олмаган. Чунки Миртемир домла саволларига жавоб бериш, шеърига баҳо бериш, шеърини таҳлил қилиш, камчилигини кўрсатиш, шоир дидига монанд фикр айтиш ҳамманинг ҳам кўлидан кела бермаган. Тўра Сулаймон чўллик бўлгани учунми, ёки Миртемир домлани ўта ҳурматлагани, гапига жавоб топа билгани учун ҳам тортинмаган, маза қилиб гаплаша олган, баҳслаша билган. Ўзининг шеърларини ҳам кўрсата олган. Тавсиялар ола билган. Миртемир домланинг уйи ёшлар билан кўп вақт банд бўлган. Миртемир домла Тўра Сулаймонни кўрмаса, гаплашмаса, соғинадиган бўлиб қолган. Миртемир домла билан гаплашиш учун домладай билимли, салоҳиятли бўлиш керак эди. Тўра Сулаймонда бу хислатларнинг анчагинаси бор эди.

Тўра Сулаймон – Зулфияхоним, Сарвар Азимов, Туроб Тўла, Иброҳим Раҳим, Ҳамид Ғулом каби забардаст ижодкорлар меҳрига сазовор бўлган инсон. Улар билан доимо хат ёзишиб турган, оилавий борди-келдиси бўлган.

Шоир устозларидаги, дўстларидаги хислатларни ёшларга ўргатишга доимо ҳаракат қилган. Вилоятдаги “Ёш ижодкор” тўғарагига бир неча йил раҳбарлик қилди. Университетдаги “Ёш ижодкорлар” кичик мактабини бошқарди. Ўнлаб ижодкорларнинг арзирли китобларига оқ йўл тилади. Ўнлаб китобларнинг юзага чиқишига имконият яратди. Бу иши билан Тўра Сулаймон ўнлаб ижодкорларнинг устозига айланди, яъни талантларни кашф этди.

2000 йил январь ойи эди. Телефон жиринглади. Гўшакни олсам: “академик Сулаймонов безовта қияпти, эртага кечқурун бизникига ўтсангиз”, - дедилар. Бир неча йил давомида Тўра Сулаймон вилоят ижодкорларига Сирдарё адабиётининг отаси сифатида жўрабошилиқ қилди. Ҳар ойда бир марта йиғилишиб, 3-4 соат янги асарларни муҳокама қилиб, нашр қилинган китоблар тўғрисида фикрлашилади, баҳслашилади, гурунглашилади... Бу йиғин адабий баҳсга, мунозарага айланиб кетади. Бугун Сирдарёда 60 дан зиёд ижодкорлар бор.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари Саминжон Султонов, Анқабой Қулжонов, Умрзоқ Ўлжабоев, Ҳамрокул Ризо (марҳум), Ҳаётхон Ортиқбоева, Жўра

Умарқулов (марҳум), Баҳор Холбековалар, шоирлар, ёзувчилар, ижодкорлар Мухтор Носир (марҳум), Ҳасан Абдувоҳидов, Шомурод Холмуродов, Турсунбек Раҳмонов, Бахтиёр Ватан, Илёс Қувондиқов, Солижон Қудратов, Абдурахмон Султонов, Абдураззоқ Ўсаровлар ижод намуналарини ҳар ойда бир марта кўриқдан ўтказиб оладилар. Тўра Сулаймон вилоятдаги ижодкорлар бошини қовуштириб, бирлаштирган инсон эди. Бугунги кунда ҳам вилоят ижодкорлари ҳар ойда бир марта йиғилишиб ижод ҳақида, адабиёт, янги нашр этилган китоблар ҳақида фикрлашишлар, Тўра Сулаймон бошлаб берган анъана давом этмоқда.

Демак, Тўра Сулаймон нафақат шоир, ёзувчи, публицистгина эмас, балки, адабиётшунос, тилшунос олим ва аввало ёшлар, ижодкорлар бошини бирлаштирган, бошини силаган инсондир. Тўра Сулаймондан фақат ижодкорлиги учунгина эмас, балки оддий инсонийлик сабоғини ҳам бугун олишимиз, ўрганишимиз керак.

Ҳар бир даврни, ҳар бир инсонни ҳаётида ўзига хос фалсафаси бўлади. Бугунги даврининг фалсафаси “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз”дир (И.Каримов), “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” (Ш. Мирзиёев). Биз юрт равнақи, халқ фаровонлигини таъминлашга ҳисса қўшиш учун бутун билимимизни, ақл-заковатимизни сарфлашимиз зарур.

Инсон — олий қадрият, инсон — олий мавжудот. Инсоннинг азизлиги, уни ҳурматлаш, эъзозлаш шартлиги шоир ижодининг асосий мавзусидир.

Тўра Сулаймон асарлари Янги Ўзбекистон ёшларини Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат, етук, давр талабига жавоб берадиган, рақобатбардош, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, ахлоқий, жисмоний жиҳатдан соғлом, баркамол, етук инсонлар қилиб тарбиялаш ишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Тўра Сулаймон асарлари ёшларни маънавиятлилик, ахлоқийлик даражасини ўсишига ёрдам бермоқда.

**Сочга бир-бир оқ тушмоқдадир,
Бундан кўнгил ёришмоқдадир.
Қор бўларми пастқам тоғларда,
Бошим кўкка туташмоқдадир.**

Бу сатрлар ҳар қандай юрагида ўти бор одамни сергаклантиради, ўйлантиради, ўтган умрига нисбатан баҳо беришга чорлайди. Чунки инсон ҳар бир ўтган куни, оyi, йили учун ўзига ўзи ҳисоб бериши лозим. Ўтган умрим моҳиятлими, мазмунлими? «Мендан нима қолапти?» деб ўйлаши ва шунга яраша меҳнат қилиши зарур.

Тўра Сулаймон шеърларида дидактика жуда кучли:

**Яхшининг яхши кунда суюклиги,
Айтилар теранлиги, югуруклиги.
Ой юриб, омон бориб, Ойдан бокса,
Билинар ҳурриятнинг буюклиги,**

деб ёзган шоир ҳақ эди. Мустақиллик — улугъ неъмат. Мустақиллик — улкан масъулият. Мустақиллик - орзу қилинган катта имконият. Бугун юртимиздаги ўзгаришлар, улкан бунёдкорлик ишлари фаровонлик, мустақиллик шарофатидандир. «Соғлом ақл керак», «Соғлом юрак, соғлом эл керак» деган шоир орзулари рўёбга чиқмоқда.

“Тўра Сулаймоннинг нималари бор?” десангиз, “ўлмас, эскирмас, йўқ бўлмас минглаб шеърлари, дostonлари, қатралари, ҳикоялари, очерклари, китоблари бор”, деган бўлардим.

– Сизу бизнинг кимимиз бор? – деган саволга: “Тўра Сулаймонимиздай академик шоир, олимимиз бор”, деган бўлардим.

– Яна нимангиз бор? – десангиз, «Муқаддас ва муборак она – Ватанимиз бор. Жонажон буюк салоҳиятга эга халқимиз бор. Фахрланиш мумкин бўлган ўтмишимиз бор. Жаҳонни донг қолдириб, ўтган улуғ аждодларимиз бор. Буюк келажагимиз бор. Шу ёруғ кунларни орзу қила-қила оламдан ўтган улуғ зотларимизнинг орзуларини рўёбга чиқараётган, барчамизни кўз қорачиғидай эҳтиётлаётган, тўғри йўлни кўрсатиб бераётган, доно, мутафаккир Юртбошимиз бор», - деган бўлардим.

Тўра Сулаймон 2005 йилнинг саратон ойида Зомин туманидаги “Зомин” дам олиш масканида бўлди. Лекин ёлғизлик, дўстлар дийдори уни Гулистонга етаклади. Зоминдан қайтганидан кейин салқин, барҳаво жойдан бирданига иссиқ иқлимга, босими оғир ҳавога ўргана олмадими, мазаси қочиб, касалхонасига ётқизилди. Ўн беш кунлар атрофида Мустафокул Жўраевдан шифо топгандай бўлди. Лекин соғлиғи безовта қилаверди. Август ойи ҳам асосан касалхонада ётди. Сентябрь бошидан уйига рухсат тегди. Лекин 4 сентябрда яна вилоят касалхонасининг жонлантириш бўлимига ётқизилди. Тўра Сулаймоннинг касалхонада ётиши кўп бўлган. Бу даволанишини ҳам навбатдагиси деб ўйладим. Лекин бу авлиё шоирнинг сўнгги бор касалхонага ётаётганлигини ҳеч ким ўйламаганди...

ЎЛМАСЛИККА ИШОРА – ЎЛАНГА ОШИҚЛИГИМ

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий “Олимларга таъзим, бу – пайғамбарларга таъзимдир”, деган эдилар. Бизнингча, бу гапни ижодкорларга нисбатан ҳам ишлатса бўлади. Негаки, ижодкор оддий халқдан ўн қадам олдинроқда юради. Инсонларни турмуш муаммоларига чидашга, ҳаёт гўзалликларидан ҳайратланишга, гўзалликдан завқланишга, яшашидан мақсади нима эканлигини англашга янада соддароқ қилиб айтсак, инсонларни ўзини ўзи яхши кўришга, ҳурматлашга, инсонлардаги меҳрни кўра билишга, бир-бирларига меҳр уйғотишга ўргатади.

Хўш, унда ижодкор ким? У тарбиячими? Олимми? Фозилми? Инсонни ижодкор қилиб вужудга келтириш мумкинми? Бизнингча, йўқ. Шифокорни, кулолни, кўшиқчини, мусиқачини, каштачини, ҳатто, ўқитувчини ҳам шакллантирса бўлар. Лекин ижодкорликни вужудга келтириб, шакллантириб бўлмайди. Инсон ҳамма нарсани ўрганади, ўзлаштиради, ўқиб олади. Аммо, ижодкорликни, шоирликни фақат ўрганиш, ўқиш, ўқиб орқали ҳосил қилиб бўлмайди. Ижодкорлик – худо, табиат томонидан берилган катта иноят. Яратганнинг назари тушган инсонларгина ижодкор – шоир бўладилар, бизнингча. Шоирлик бу – қисмат.

Ижодкор инсон ота-онасининг қони, ақл-заковати, хислатлари, фазилатлари ақл-идроки, ҳис-туйғусининг қандайлиги билан худо томонидан берилган истеъдод туфайлидир.

Ижодкор бўлиш ўзини азобга, дардларга дучор этишлиқдир. Чунки, ижодкор профессионал билимга эга бўлиши керак. Бу эса ниҳоятда қийин иш. Шунинг учун айрим шеър, ҳикоя, мақола ёзувчи, бастакор, расм чизувчилар, ўқитувчилар ҳам ўзларини ижодкор деб атайдилар. Ҳолбуки, беш-ўнта шеър ёзиб, битта-яримта китоб чиқазган билан инсон ижодкор бўлиб қолмайди. Ижодкор, бизнинг

назаримизда, доимо ҳаётда ёниб туриши керак, ўчган шамга ўхшаган қаламкашлар ўзини ижодкор санамаганлари маъқул.

Ижодкор кундалик ҳаётдан олдинда юрадиган, ҳар бир воқеа-ҳодисага ўз муносабатини билдира оладиган, фикрлари билан бошқаларга таъсир ўтказадиган кишидир. Ижодкор жонкуяр, ҳар бир ютукни кўра оладиган, сеза оладиган, ўта сергак, хушёр, идроки, фаҳм-фаросати, зеҳни юксак даражада ривожланган бўлиши лозим.

Ижодкорларнинг айримларининг чўнтагида ижодкорлигини тасдиқловчи гувоҳномаси бор, холос. Лекин, ижодкор деб аташга ҳуқуқ берадиган бирон бир ўқишли китоби, юракни жизиллатадиган бирор гапи, фикри, мақоласи йўқ. Лекин, “Мен ижодкорман!” деб кўкрагига уради. “Биз – ижодкорлар”, деб гап бошлайди йиғинларда. Яна бир қур ижодкорлар борки, улар китобларининг мағзидан кўра суви кўп. Эсда қоларли сатрлари, фикрлари йўқ. Яна бир тоифадаги ижодкорлар борки, уларнинг ёзган мақолаларини, шеърларини маза қилиб ўқийсиз. Улар тафаккурининг кенглигидан ҳайратга тушасиз. Негаки, у шеърят ҳақида, ўзбек достончилиги, ўзбек тилшунослиги, ўзбек пахтачилиги, тупроқшунослиги, дехқончилиги, ипакчилиги, миллий қадриятлари тўғрисидаги мақолаларини ўқиб, маънавий озуқа оласиз. Ижодкор – аввало инсон. Лекин бу инсонларга Аллоҳ идрокни, ҳис-туйғуни бошқалардан кўра кўпроқ берган, деб ўйлайсиз. Бундай инсонлар ҳақиқий ижодкор ҳисобланишади. Ижодкор ўз бурчини теран тушунади. Ижодкорлик бурчини оқлаш бугун жуда оғир. Аммо Ўзбекистон халқ шоири, Тўра Сулаймон 73 йиллик умри давомида ижодкорлик бурчини виждонан бажарган файласуф олим, аллома, шоир эди.

Тўра Сулаймоннинг ҳар бир мақоласи катта бир қисса, романга сиғмас фикрлар, муаммолар кўтарилган асарлар эди.

Шоирнинг йигирмадан ортиқ шеър ва достонлари жамланган китоблари чоп этилган. Ҳар бир китоб ўзбек адабиёти учун янгилик, унинг ривожига қўшилган катта ҳиссадир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон ижоди саккизинчи синф адабиёт дарслигига киритилган. Бутун Ўрта Осиё халқлари Тўра Сулаймон ижодини ўқиб, ўрганмоқдалар, завқ-шавқ олмоқдалар, маънавий эҳтиёжларини қондирмоқдалар.

Немис файласуфи Эммануэл Кант «Гўзаллик ва юксаклик туйғуларининг ўзаро муносабати» асарида аёллар ва эркаклар ўртасидаги инсоний муносабатларни юксаклик ва гўзаллик тушунчалари орқали изоҳлаб беради. Қадимдан аёллар гўзаллик, нафислик, заифлик, назокатлилиқ, иболилик, эркаклар эса улуғворлик, юксаклик, мардлик, адолатлилиқ. қаттиқ қўллилик рамзи ҳисобланганлар. Ҳаётда, умуман, борлиқда гўзаллик билан юксаклик доимо бирга юрадилар, бир-бирисиз яшай олмайдилар. Аёл ва эркак ўртасидаги самимий инсонийлик, беғараз дўстлик туфайли аёллар эркакларда дадиллик, нозиклик, гўзаллик туйғусини, эркаклар аёлларда эса матонатлилиқ, сабрлилиқ, чидамлилиқ, улуғворлик, юксаклик туйғусини вужудга келтирадилар. Аёлларда фаросатлилиқ, ҳаёлилиқ, сирлилиқ, жозибалилик, оромбахшлилиқ хусусиятлари бўладики, улар назокат, малоҳат, латофат, иффат каби тушунчаларда кенгрок ифодаланади.

Биз бу қиёсни беҳуда келтирмадик. Хусусан, аёллар борасидаги гўзал қиёслар Тўра Сулаймон шеърятининг тўқ мағзини ташкил қилади.

Бахшиёна услубда шеър ёзиб, халқ меҳрига сазовор бўлган, Сирдарёдек жўшқин, эҳтиросли, ўқишли асарлари билан танилган шоир Тўра Сулаймондир. Шоир ҳаёт бўлмаса-да ўзи туғилган Бахмал юртидай кўркам, Бахмал тоғларидай мусаффо, виқорли шеърлари билан кўнгилларни забт этади.

Тўра Сулаймон аёллар куйчисидир. Чунки шоирнинг хоҳлаган тўпламини очиб кўрсангиз, шеърларининг 60-70 фоизи фақат аёллар ҳақидадир. Шоирнинг биринчи тўплами 1962 йилда «Истар кўнгил» номи билан босилди. Тўпламга кирган 22 та шеърнинг 10 таси фақат аёллар фазилати-ю хислатларини тараннум этишга бағишланган. «Бир сўз қотди-да кетди», «Ўргилай», «Қўшиқчи қизга», «Синасанг ишда сина», «Тоғ қизлари», «Ёрга айтар сўзим бор», «Юрагимнинг тўрида» каби шеърларида аёлларнинг сеҳрли хислатлари, зариф латофати-ю нафосати тўғрисида ёниб-тошиб куйлайди:

Ойдай юзи кўзларимга кўзгу бўлиб кўринди,

Малоҳатга бой қизлари эзгу бўлиб кўринди.

Шоирнинг аёллардаги гўзаллик, нафисликни, эзгуликни кўра олиш, илғай олиш қобилиятига ҳайратда қоласиз. У аёлларнинг сирлилигини сирлигича кўра олади, шеърга солади ва шеърхонни ҳайратлантиради.

Шоирни безовта қилган, кўлига қалам тутказган фақат аёлларгина эмас, гўзал табиат, виқорли тоғлар, кўлида дўмбираси билан бутун чўл-у даштни уйғотиб ўтган бахшилар, дostonчилардан қолган мерос, умуман, бой маънавиятга эга бўлган халқимиз ижоди, буюк Турон улуси ва унинг ўтмиши, ҳозири ва келажагидир.

Шеър — кўнгил мулки. Шеър — юракнинг, эҳтиёжнинг фарзанди. Тўра Сулаймон халқ термаларини, дostonларини, халқ оғзаки ижодини яхши биладиган ва уларни давом эттирган бахши шоирдир. Шунинг учун бўлса керак, Тўра Сулаймонни Сирдарёдагина эмас, балки, бутун Турон юртида халқ шоири, деб эъзозлашади. Чунки у халқ дилидаги гапни нозик ҳис қила олиш қобилиятига эга бўлган шоир. Шунинг учун ҳам Тўра Сулаймон чўлда яшаб, дарсликларга кирган ягона шоирдир.

Бағри бутун бардошлининг,

Эл, улус, тоғу тошлининг,

Кўнглин ол кўзи ёшлининг,

Яхши ёрондин айрилмас.

* * *

Мардлар мудом бирдай бўлиб,

Теранликда Сирдай бўлиб,

Кўнгли ёз, баҳордай бўлиб,

Ҳаргиз иймондин айрилмас.

Бу каби яссавиёна шеърӣ парчада жуда катта фалсафӣӣ маъно, мантиқ бор. Шоир «яхши ёрондин айрилмас», «Ҳаргиз иймондин айрилмас», деб инсоннинг баркамол ва комил бўлишини истади. Тўра Сулаймоннинг бу фикрлари миллий дастурдаги вазифаларга жуда ҳамоҳангдир. Чунки Президентимиз асарларида, нутқларида ёшларни миллий ғурурли, маънавияти кенг, қалби тоза, баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш кераклиги қайта-қайта айтилмоқда. Демак, шоир ҳаётдаги қийинчиликлар ўткинчи эканлигини шеърӣӣ сатрларда ишонарли қилиб

ифодалаган. Бу шеъри билан Тўра Сулаймон Ўзбекистоннинг мустақиллигини улуғлаган. Инсонларнинг кўнгилларига муҳаббат, қалб тушунчаларини сочган. Фақат қорин ғамини биринчи ўринга олиб чиқаётган айримларга Тўра Сулаймон: «Ғафлат уйқусига берилманг», дегандай бўлади. У «Дўмбирам» шеърида:

**Қадимий маърифат ўчоғидаман,
Мезбонлар йўқлови, сўроғидаман.
Тоғошар бахшининг саноғидаман,**

– деган эди. Ҳақиқатан ҳам шоир юрти, умуман, Турон қадимдан маърифат, маънавият, маданият ўчоғи бўлган. Маърифатлилиқ эса ҳамма замонларда ҳам яхшилик, тўқчилик, тараққиёт омили саналиб келинганлигини таъкидлайди.

**Ажаб бир созим бор, ўзгача саси
Ҳаводай ҳаётбахш билсанг, нафаси.
Элга эшлигимнинг сабаби шундан,
Шундай, шодлигимнинг йўқ ниҳояси.**

Ҳа, Тўра Сулаймоннинг сози ўзгача. У бошқа ижодкорлардан битикларининг халқчилиги, дилга яқинлиги, соддалиги билан ажралиб туради. Шунинг учун бўлса керак, Тўра Сулаймон шеърларининг аксарияти ҳофизлар томонидан қўшиқ қилиб айтилган. Ҳар куни радио, телевидение орқали шоирнинг қўшиқлари янграйди.

Шоирнинг «Илтижо» (1971), «Муштум кутубхонаси» сериясида «Алҳазар» (1976), «Сизни эслайман» (1980), «Гулшан» (1988), «Сарвиноз» (1989), «Ёвқочди», «Қораялоқ», «Сарвиноз», «Мангулик» каби ўнга яқин дostonлари, «Харсанг» (1994) эртақ-dostonлари эълон қилинган. Озарбайжон шоири Муҳаммад Ҳоди ғазалларини ўзбекчага ўгирган.

Шу ўринда Тўра Сулаймон тили ҳақида гапирмаслик мумкин эмас. Насрда Абдулла Қаҳҳор сўзга «хасис» бўлган бўлса, поэзияда эса Тўра Сулаймон сўзга «хасис»дир. У ҳар бир сўзни жонли одамдай ҳурматлайди, унинг обрўсини тўкмасликка, сақлашга ҳаракат қилади. Шунинг учун унинг шеърлари ширали, мазали. Ўқисангиз, роҳат қиласиз.

Тўра Сулаймон ҳаётни теран мушоҳада қиларди. У «Илтижо» шеърида ёзган эди:

**Ўлмасликка ишора – ўланга ошиқлигим,
Саодатга ишора – замонга ошиқлигим.
Теранликка ишора – уммонга ошиқлигим,
Гўзалликка ишора – бўстонга ошиқлигим.
Баҳор, кетма менинг боғимдан.**

Инсон ҳаётини кўпинча баҳорга қиёслайдилар. Баҳор ўткинчи, вақтинча уни мазмунли, мақсадли ўтказиш лозим. Ҳаётининг мазмунли ўтиши ҳар бир шахсни ўзига, салоҳиятига, ақл-заковатига боғлиқ.

Тўра Сулаймон – катта ниятли шоир эди. У бахт, севги-муҳаббат, истиқбол, умуман, инсонпарварлик тўғрисида, жамиятни тозартириш, инсонлар маънавиятини ўстириш ҳақида ўлмас сатрлар яратган. “Тул бир ён, чаман бир ён», «Сен ҳам ёлғиз», “Тебратар”, “Асрагай”, “Айланди”, “Тавалло” каби шеърларининг ҳар бири шоир учун ҳайкал янглиғ ҳурмат-эътибор келтирган ва китобхон қалбида бир умрга муҳрланиб қолган сара шеърлардир.

**Тақа туёқни асрагай,
Туёқ тулпорни асрагай.
Тулпор Темурни асрагай,
Темур Туронни асрагай.
Турон Қуръонни асрагай,
Қуръон иймонни асрагай
Иймон инсонни асрагай,
Инсон оламни асрагай,
Оламни Оллоҳ асрагай.**

Кўриниб турибдики, она халқни, она заминни эҳтиётлаш, кўз қорачиғидай сақлаш барча инсонларнинг бурчи эканлигини шоир яхши билади. **“Асрагай”** шеърида Тўра Сулаймон ўз орзу-ниятини жуда содда йўл билан тушунтириб беради. Демак, мустақилликни, бутун рўйи заминни асраш керак. Дунёда тинчликни, болаларни, аёлларни, оналарни, табиатни, гўзалликни асраш – ҳар бир инсоннинг бурчи. «Асрагай» шеъри, фалсафий шеърдир.

Умуман олганда, Тўра Сулаймон ижоди халқчил, ҳар қандай юракни жунбушга келтирадиган, эрита оладиган, ўйлашга, мушоҳада юритишга мажбур қиладиган, гўзалликни тушунишга, борликни ҳис-ҳаяжон билан қабул қилишни ўргатадиган шеърлардан иборатдир. Шоирнинг қаламга олган мавзулари ранг-барангдир. Она, она табиат, она халқ – етакчи мавзулардир.

Тўра Сулаймон ўта камтар, камсуқум инсон, нутқ сўзлашга, йиғинларда, тўйларда шеър ўқишни хуш кўрмас эди. Тўра Сулаймон шеърларини қанча кўп ўқисангиз, шунча кўп фалсафий маъно келиб чиқаверади. Шунинг учун ҳам у халқ меҳрига сазовор бўлган, том маънодаги халқ шоиридир. Камсуқум шоирнинг тилаги ҳам оддийгина:

**Она, бу - осмон дегани,
Оламга посбон дегани.
Офтобга дўстман, дегани,
Она бўл, қизим, она бўл.**

Тўра Сулаймон шеърларидай оддий, кўрган одам ўзи айтганидек “уни шоир демас эди”. Оддийлик, соддалик, камсуқумлик – инсоннинг юксак фазилатлари. Бу олижаноб хислатлар Тўра Сулаймон шеърларида акс этган. Тўра Сулаймонга бу каби фозилликлар ота-онасидан, қариндош-уруғидан, халқимиздан юққан. Оддий «халқ душмани»ни, «қувғин қилинган», «сурғун қилинган» инсон боласи қандай қилиб бу даражадаги улуғ одамга, халқ шоири деган унвонларга эга бўлиб қолди? Бу ютуқлар, ҳурмат-эътиборлар фавқулодда ҳодиса эмас, балки инсон онгига, ақл-заковатига боғлиқлигини Тўра Сулаймон мисолида кўриш мумкин. Демак, интилиш, билим, меҳнат инсонни инсон қилиб тарбиялайди, шакллантиради. Тўра Сулаймоннинг қариндош-уруғида амалдор бўлмаган, лекин саводли боболари Бедилни, Машрабни, «Алпомиш», «Равшан», «Авазхон», «Кунтуғмиш» каби халқ достонларини, Қуръонни, ҳадисларни ёддан билишган.

Тўра Сулаймон ҳаётда нимага, қандай унвон-у мартабага, халқ меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган бўлса, ўз ҳалол меҳнати, ақл-заковати, иқтидори, истеъдоди билан эришган. Демак, инсонни меҳнат ардоқлайди. «Адаб – ақл ва имоннинг чироғи, обрў-эътиборининг сармоясидир». «Инсоннинг энг зўр

ёрдамчиси ўзининг ақлидир», деган файласуфларнинг гапларида жуда катта хикмат, маъно бор.

Тўра Сулаймоннинг ўнлаб шеърлари қўшиқ қилиб қуйланмоқда. Лекин Тўра Сулаймон қўшиқчи шоир эмас. Тўра Сулаймон - Миртемир домланинг севимли шогирди, Зулфияхонимнинг жигаридай иниси, Сарвар Азимовдай улкан давлат арбобининг, Асқад Мухтор, Туроб Тўла, Саъдулла Сиёев, Турсунбой Адашбоевларнинг яқин дўсти. Ғафур Ғуломнинг эътиборига тушган катта шоир эди.

Тўра Сулаймон – Эргаш Жуманбулбулнинг кенжа шогирди, шеърларидан Эргаш Жуманбулбул ижодининг ҳиди келиб туради. Шеърлари содда, самимий, мазмунли, ғояли, мақсадли, тушунарли, мавхумликдан, жимжимадорликдан ҳоли. Тўра Сулаймон шеърларида ортиқча ташбеҳлар, ортиқча бўрттиришлар шеърхонга ортиқча меҳнат қилмай ҳазм бўладиган, бошни қотирмайдиган шеърлар керак, деталлаштиришлар ҳам йўқ. Тўра Сулаймон шеърлари кўпроқ ўзи яшаган чўл одамлари тушуниши учун содда қилиб ёзилганга ўхшайди. Мураккаб, қийин ташбеҳли шеърларни бутун тез ҳазм қила олиш қийин. Тўра Сулаймон шеърлари содда, шу билан бирга файласуфонадир.

**Машаққатсиз маъдан қайда, кон
қайда?**

**Ётоқларга тўкин куз, хирмон
қайда?**

**Хирмон тугул бурда, қора нон
қайда?**

**Ялқов бўлсанг, кўп бор жойда сон
қайда?...**

* * *

**Камол топар одамзод
Ўйлагани ҳақ бўлса,
Севилганнинг, суйганнинг
Кўнгли оқдан оқ бўлса!**

Тўра Сулаймон шеъриятининг ўзига хос қирраси унинг бахшиёна, содда услубда ёзилганлигидандир. Шоир ижоди серқирра, ўндан ортиқ тарихий ва замонавий мавзулардаги ўлмас, ўқишли, гўзал дostonлари бор. Бу дostonларнинг ҳар бири катта бир шеърий романдир. Уларда шоир дардлари, орзулари, армонлари акс этади. “Истар кўнгил”, “Мен қайга борар бўлсам...”, “Интизор”, “Илтижо”, “Сизни эслайман”, “Қорақўзгинам”, “Гулшан”, “Сарвиноз”, “Жаҳоннома”, “Гул бир ён, чаман бир ён”, “Сайхон” каби тўпламлардаги ҳар бир шеър кашфиёт даражасидаги меҳнат, салоҳият маҳсулидир.

**Ор – номуси бор киши,
Ёвга беиқрор киши,
Танда жони, иймони
Шу элга пойдор киши.**

* * * *

**Бобомнинг орзулари амалга ошмас бўлса,
Юрган йўлимда ўлан, қўшиқ қалашмас бўлса,**

**Кўшиқларим боғлардан, тоғлардан ошмас бўлса,
Эл-юрт бахтини куйлаш менга ярашмас бўлса,
Кўнглимда армон ётар,
Тура билмас нор мисол...**

Тўра Сулаймон – орзули шоир. Дардлари бисёр шоир. Орзуларини амалга ошириш учун изланадиган, ўйланадиган, бошқаларни ҳам ўйлашга ўргатадиган, фикрлашга, мушоҳада юритишга мажбурлайдиган шоир. Шоирнинг китобларида қаламга олинмаган мавзу қолмади. Шеърлар мавзуси ҳам бир жаҳон. Буларнинг барчаси Тўра Сулаймон ижодининг ўзига хос қирраларидир.

Тўра Сулаймон бутун умрини Сирдарёда, чўлда ўтказди. Кўп шоирлардай марказга интилмади. Устозлар таклиф қилганда ҳам марказга бормади, дўстларини, бепоён, бийдай далаларини, янтоқ, шўр босган ерларини, содда тўпори одамларини ташлаб кета олмади. “Чўли Маликий” (Ғ.Ғулом) деб ном олди. Чўлда яшаб туриб ҳам ҳақиқий ижод билан шуғулланиш мумкинлигини кўрсатди. Истеъдод, салоҳият жой танламаслигини кўрсатди. Бугун Тўра Сулаймон шеърларини, номини Марказий Осиёда эшитмаган одам кам топилади. Чунки тожик, қирғиз, козок, туркман, афғон дўстларимиз Фахриддин Умаров, Шерали Жўраев, Абдурауф Олимов, Юлдуз Усмонова, Маҳмуд Намозов, Нуриддин Ҳайдаров, Дилшод Раҳмонов, Тошпўлат Маткаримов, Рустам Ғойипов, Охунжон Мадалиев, Нажмиддин Ўринов, Асатулла Холиқов, Дилмурод Аҳмедов, Баҳодир Хўжакулов каби ҳофизларнинг кўшиқларини севиб эшитишади.

“Жаҳоннома”

Машҳур шоир Мақсуд Шайхзода ёзганидек, баъзилар тириклигида ўликдир, баъзилар ўлганида ҳам тирикдир. Тўра Сулаймон 2005 йил 9 сентябрда бу оламдан ўтди. Ҳаётда ақлли, маънавиятга, маърифатга эҳтиёжи бор инсонлар бор экан, Тўра Сулаймон ўлмайди. Чунки Тўра Сулаймонни бугунги кунда 22 та китоби, юзга яқин кўшиқ бўлган шеърлари ҳар куни ёки кунора телевидениеда, радиода янграб туради. Республикамиздаги ўн мингдан ортиқ мактабларда саккизинчи синф ўқувчилари Тўра Сулаймон асарларини севиб ўқиб, ўрганмоқдалар. Тўра Сулаймон бахши шоир, лекин кўшиқчи эмас, балки авлиё шоирдир. Тўра Сулаймон бирорта шеърини кўшиқчи қўлига тутқазган эмас. Айрим кўшиқчиларни ўзлари Тўра аканинг олдига келиб, шу шеърингизни кўшиқ қилдим, эшитиб кўринг, баъзи жойларини ўзгартириб беринг, деб илтимос қилишган. Тўра ака кўпчилик шеърлари кўшиқ бўлганлигини телевидениеда, радиода айтилганидан кейингина билган. Лекин Тўра ака майда-чуйдага эътибор бермайдиган, унча-мунча одам билан гаплашишни хоҳламайдиган инсон эдилар. Тўра Сулаймон ўзига хос қизиқ характерга эга бўлган, баъзан содда боладай, баъзан истехзо билан юрадиган инсондай туюларди. Тўра Сулаймондаги сеҳр мана шундай пайтда билинарди. Тўра ака “Йўлни бўшатишлар, профессор Тўра Сулаймон келяпти”, дейишни хуш кўрардилар. Бир суҳбатимизда:

– Равшанбек, мен ҳамма унвонларни олиб бўлдим. Энди Нобель мукофоти тушимга тез-тез кирадиган бўлиб қолди. Бу мукофотни қачон беришар экан-а? - деб кутилмаганда ҳазил қилардилар.

Тўра ака аскияни яхши кўрарди, кўзидан ёш чиққунча мириқиб куларди. Айниқса, Абдулла Акбаров, Ҳожибой Тожибоев, Мамасиддикларни жуда ҳурмат қиларди. Уларнинг барчаси Муҳиддин Дарвешевни шогирдлари, устозига муносиб, деб фахрланардилар.

– Тўра ака, сизнинг ҳам ўзингизга муносиб шогирдларингиз борми? - деб сўрадим.

– Мен устозлик мақомига ета олмадим. Устозлик бизга йўл бўлсин, нима деяпсиз? деб гина қилгандай бўлардилар.

– Сизни Ойниса опа, Баҳор, Холида, Норинисолар устозимиз деб эъзозлашади-ку.

– Уларда иқтидор, истеъдод бор. Мен уларга нима қилиб бердим, тўғри, айримларини дастлабки қоралама шеърларини қайта ишлаб, силлиқлаб, Тошкентга олиб бориб берган бўлган бўлсам дарҳол устозлик қилган бўламанми?, дердилар.

Тўра Сулаймон жуда камтар, қилган яхшиликларини ҳеч кимга мақтанмайдиган инсон эдилар.

Ижодкорнинг “Жаҳоннома” китоби 1996 йилда Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ўн беш минг нусхада чоп этилган. Китоб қисқа вақт ичида тарқалиб кетган. “Жаҳоннома” Тўра Сулаймон ижодининг гултожиси ҳисобланади. Бу китоб Эргаш Жуманбубулнинг халқ орасида бўлиши орқали, турли воқеа-ҳодисаларни тасвирлаш билан собиқ тузум қусурларини оғир меҳнат, рўшнолик кўрмаган халқ ҳаёти шеър, айтишув, ривоят қизиқарли, ўқимишли тарзда отахонлар, кайвонилар, оқсоқоллар номидан ҳикоя қилиш орқали ифодаланади. “Жаҳоннома”га “Қорасоч”, “Тўлғоной”, “Интизор” “Ёвқочди” каби дostonлари, эртаклари, термалари, очерклари киритилган.

Тўра Сулаймон барча китобларида бўлганидек, “Жаҳоннома”да ҳам бугунги ҳаётдан шукроналик ғояси асосий ўринни эгаллайди. Бугунги ёшлар ўтган асрнинг 30-40-50-60 йилларини яхши билмайдилар. Аслида бугунги фаровонликни, бунёдкорликни, турли соҳалардаги ислохотларни сезиши, тушуниши учун эса ўтмишни, тарихни билиш зарур.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислom Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобида 1989-992 йиллар воқеалари қизиқарли манбалар асосида кўрсатиб берилган. Бу китобни барча-барча ўқиши, ўқиши, хулоса чиқариши ва бутун ақл-заковатини мустақилликни мустаҳкамлашга сарфлаши лозимлигини билиб олади.

“Жаҳоннома” китобида мустақилликка эришишимиздан анча йиллар олдинги воқеалар ҳикоя қилинади. Тўра Сулаймон ўтмишимизни, тарихимизни яхши билган ижодкор эди. Шунинг учун ҳам барча асарларида бугунги юртимиздан, бугунги бунёдкорликдан, фаровонликдан, ободончиликдан, фахрланиш туйғуси кучли эди. Тўра Сулаймон тарбиячи эди.

– Бадиий асарларни ўқишга вақти бўлмаган, унга вақт ажрата олмаган кишининг кимлигини айтайми? ... Бу аслида ҳазрати Навоийни, Аҳмад Яссавийни, Машрабни, Эргаш Жуманбулбул ўғлини, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Миртемирларни билмаслик, уларни тан олмаслик деган гап эмасми? Бу маънавият олампидан бебаҳра, бир кимса деганлари эмасми? - деб куюниб ёзган эди.

Тўра Сулаймон шоирлардан Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб ҳақида гап кетганида жўшиб, қувониб, “ҳазрат” деб улуғлаб, катта эҳтиром, меҳр билан гапирарди. Чунки Тўра Сулаймон маънавиятимиз, маърифатимиз дарғаларига ҳурмати чексиз эди.

ЧИРОЙДА ТОНГ ЮЛДУЗИ

“Сирдарё деганда, сирдарёлик деганда азим Сайхун дарёси соҳилларидаги сўлим бир воҳа, қадимий Мирзачўл бағрида боғ-у бўстонлар, шаҳар ва қишлоқлар бунёд этиб келаётган мард ва матонатли инсонлар кўз ўнгимда намоён бўлади”.

Шавкат Мирзиёев

Ўзбекистон давлат сифатида мустақил деб эълон қилинганидан кейин янги мадҳияга танлов эълон қилинди. Кўплаб мадҳиялар ёзилди ва матбуотда эълон қилинди. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг ёзган ажойиб асари ҳар жиҳатдан мукаммал бўлганлиги сабабли Ўзбекистон Олий Кенгаши сессиясида мамлакат мадҳияси, деб қабул қилинди. Кўплар қатори Тўра Сулаймон ҳам она-юртимиз кўркини, тароватини мадҳ этувчи фахрия ёзганлигини “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталик газетасининг 1995 йил 28 апрель сонидида эълон қилинган шеърдан билиб олдик.

1996 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги “Ўзбекистон – Ватаним маним” мавзусида мамлакатимиз олий ўқув юртлари талабалари ўртасида кўшиқ танлови ўтказилишини эълон қилди. Гулистон давлат университети “Гулистон гуллари” ҳаваскорлик ансамбли бадий раҳбари Султонбек Исоқов ширали овоз соҳибаси, ёш, истеъдодли қиз Озода Абдуғаффоровани топиб келди. Кўшиқ танловида иштирок этиш Низоми бўйича янги шеър, янги мусиқа асосида янги кўшиқ ижро этилиши керак эди. Газеталардан, журналлардан кўшиқбоп, Ўзбекистонни мадҳ қилувчи шеър излай бошладик. Кўшиқбоп шеър излаб, Тўра Сулаймоннинг юқорида тилга олинган “Фахрия”сига кўзим тушди. Шеър оҳанрабодай ўзига жалб қилди, соддалиги, сўзларининг ўйноқчилиги, энг асосийси, катта фалсафий мазмун-моҳиятга эгалиги билан эътиборни тортди. Таниқли композитор (бастакор) Бахтиёр Асанов ёрдамида Султонбек Исоқов шеърга мос мусиқа басталади. Ширин шаҳрига бориб аранжировка қилиб келинди. Икки ой деганда эшитса бўладиган ажойиб кўшиқ тайёр бўлди. Кўшиқ биринчи марта Тошкентдаги “Туркистон” концерт залида ижро этилди. “Жаннатмаконим менинг” кўшиғи аввало томошабинларни, етук мутахассисларни ҳайратга солди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, композитор Анор Назаров, Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаева, шоирлар Муҳаммад Юсуф, Нормурод Нарзуллаевлар кўшиқ матни маъноли, мукамаллиги инсонни ўзига тортишига, ижронинг ўзига хослигига эътибор бериб, танловдаги энг яхши кўшиқлардан бири эканлигини таъкидладилар ва Гулистон давлат университети “Гулистон гуллари” ансамбли бу кўшиқ билан республикадаги 66 та олий ўқув юрти ўртасида фахрли иккинчи ўринга сазовор бўлди. Бу кўшиқ бир неча бор Гулистон шаҳрида ўтказилган “Мустақиллик”, “Наврўз” байрамлари тадбирларида айтилди, вилоят телевидениеси, радиоси орқали эфирга берилди.

Бу шеър кўшиқ қайси жиҳатлари билан Анор Назаров, Насиба Абдуллаева, Муҳаммад Юсуфларни мафтун этган эди?

Эшитинг:

Шарҳ сўрайми, олов ранг – Ўзбекистон тонги бу.

Курант саси жаранглар – қутлуғ Тошкент бонги бу.

Ўз пойтахти, ўз туғи, ўз туғроси мангу бу,

Тунлари тонгдан тиниқ Ўзбекистоним менинг.

Шарқда Ўзбекистон – нон, тинчлик рамзи ҳисобланиб, машъал юрт ҳисобланган. Ўзбекистон – тўкин-сочинлик, тинчлик-осойишталик рамзи саналган. Чунки аҳолисининг кўплиги, турли миллатларнинг иноқ яшаётганлиги, маънавий, моддий бойликларининг мўллиги, табиий қазилмаларга сероблиги, улкан қадимий ёдгорликлар, қадимий шаҳарларнинг машҳурлиги, боғларнинг кўркемлиги, сайхонликларнинг мавжудлиги билан дунё халқларини ўзига ром этган. Ўзбекистон – ўз пойтахтига, ўз гербига, ўз байроғига, маконига эга бўлган гўзал, жаннатмакон юрт

эканлиги, тунлари ҳам кундуз кунидай ёруғ эканлигини шоир жуда ишончли тарзда ифода этади. **“Тунлари тонгдан тиник”** – бу юртнинг ободлигига, тараққиётига, фаровонлигига ишора. Энг асосийси, Ўзбекистоннинг қайси гўшасида, қайси пайтда кўчада юрманг, инсон бежавотир, тинч-осойишталигини сезиш мумкинлигини талқин этади шоир. Чунки Ўзбекистонда қонун устувор, тинчлик посбонлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ниҳоятда сергаклик, сезгирлик, катта масъулият билан ишлаётганлари натижасидир. Ўзбекистон фуқароси ўзини доимо қонун билан ҳимояланган сезади, тинчлик ҳукм сурган юртда яшаётганлигидан фахрланади.

Чиройда **ТОНГ ЮЛДУЗИ** билан ёнма-ён ўлка,
Ҳар бир тамал тошининг ўзи бир дoston ўлка.
Кечмиши, кечирмиши дунёга аён ўлка,
Жон фидо қилса арзир **ЖАННАТ МАКОНИМ МЕНИНГ**.

Эрта тонгда осмонга назар ташласангиз, барча юлдузлар кўринмай қолган, тонг бўзариб-оқариб келмоқда, фақат тип-тиник осмонда биргина тонг юлдузи чарақлаб, имлаб тургандек, сиз билан суҳбатлашишга, сирлашишга шай бўлгандек туюлади. Бу гўзалликни, бу нафосатни фақат Тўра Сулаймонгина кўра олди, сеза билди, идрок қилди.

Ўзбекистон дунё тараққиётига ўзининг тамал тошини қўйган мамлакат ҳисобланади. Дунё фани, дунё тараққиёти, дунё тарихи Мусо ал-Хоразмийсиз, Аҳмад ал-Фарғонийсиз, Имом ал-Бухорийсиз, Абу Носир Форобийсиз, Абу Райҳон Берунийсиз, Абу Али ибн Синосиз, Бурҳониддин Марғинонийсиз, Амир Темурсиз, Алишер Навоийсиз, Заҳириддин Муҳаммад Бобурсиз анчагина кемтик бўлиб қолади. Шоир юртимиздан етишиб чиқиб, жаҳонни қойил қолдирган бу улуғларнинг ҳар бирини алоҳида тарихи, ўтмиши борлигига ишора қилади. Бу олимларнинг маънавий бойликларидан бугун бутун олам баҳраманд бўлаётганлигини таъкидламоқчи шоир. Шунинг учун ҳам бу юрт жаннатмакондир.

**Боболаримиз хоки-поки шу тупроқ-тошда,
Орзу, умид, руҳлари акс этади қуёшда,
Насибамиз, наслимиз билинар бир қарашда,
Бир ушалиб, ушалмай келган армоним менинг.**

Бугун дунё халқлари Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива, Қўқон каби тарихий шаҳарларни кўришни орзу қилишади. Чунки бу юртда боболаримиз хоки, мазорлари бор. Улуғларимиз, аجدодларимиз тарқатган зиёси, маърифати, маънавияти, маданияти нури Қуёш бўлиб, бутун дунёни ёритмоқда. Лекин ўша буюк салафларимизга бугунги озодлигини, мустақиллигини кўриш насиб этмагани учун ҳам армон бўлиб қолди шоир учун.

**Сен муқаддас бешигим, онам, она тилимсан.
Ўз айтар қўшиғимсан, эртам, эзгулигимсан.
Мен сенингсиз яшолмам, кўкдаи мангулигимсан,
Боладай кўзга яқин СИР, ЗАРАФШОНИМ МЕНИНГ.**

Ватанни она дейиш шоирларнинг одати. Шоирлигининг ўзига хос белгиси. Лекин Ватан **“она тилимсан”** дейилиши – бу янгилик, янги ўхшатиш. Ватан – қўшиғим, келажагим, орзуим, яхшилик улашувчи эзгулигимсан, деган ташбеҳ ҳам ўзбек шеъриятида илк қўлланилишидир. Менимча инсон маконсиз, Ватансиз яшай олмайди, шунинг учун Ватан кўкдаи мангулигимсан – доимий барҳаётсан, демоқчи шоир. Айниқса, боланинг олти ойлиги, бир ёшдагиси кўзга яқин, эркалатгиси келади кишини. Ватан – бу Сирдарё, Ватан – бу Зарафшонимдир, Ватан – бу Ўзбекистонимдир, - дейди шоир.

2017 йил март ойида мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак минбаридан туриб, бутун дунёга ўзбек тилида маъруза қилиб “Ассалому алайкум”, деб гап бошлаганларида барча ҳайратдан ёқа

ушлаб қолган эди. Чунки ўзбек тилида тарихда биринчи марта БМТ минбарида маъруза қилинган эди.

Бешик – чакалоқ соғлом ўсиши учун ишлатиладиган энг қадимги буюмлардан бири. Бешик – бола учун макон, яшаш, ухлаш жойи. Шунинг учун ҳам у муқаддас. Бола каттагина бўлиб, бир ярим ёш – икки ёшга етса ҳам, бешигимда ётаман, деб хархаша қилади. Бешикка ўрганган бола бошқа жойда ухлай олмайди. Бола учун бешик – ота, она, тили каби муқаддасдир, эзгулик, саришталик, бежавотирлик, тинчлантирувчи маскан ҳисобланади. Шоир ҳаётининг мазмуни ҳаётбахшлилик, эзгулик, мангулилик тимсоли Сирдарё ва Зарафшондир, Ўзбекистондир.

**Тупроғи олтинга тенг бу элда нон ўртада,
Елкадошлари билан катта хирмон ўртада.
Тўй-томоша, жамият, орзу, армон ўртада,
Қаторда ўз ўрни бор АЛП ПАҲЛАВОНИМ МЕНИНГ.**

Ўзбекистон – худонинг назари тушган макон. Ҳассани ерга суқиб қўйсангиз, бир неча йилда мева беради, дейишади донишмандлар. Ўзбекистон тупроғи олтинга тенг саховатли, серунум, серҳосил ерлар. Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элатлар бир-бирлари билан инок, дўст бўлиб, аҳил яшамокдалар ва ишламокдалар.

Улкан пахта хирмони, улкан қурилиш, бунёдкорлик ишларини амалга оширишда барча элат ва миллатлар бир тану, бир жон бўлиб, елкадошлик қилмокдалар. Уларни байрами, тўй-ҳашами, орзуси, армони ўртада. Ўзбекистон дунёдаги икки юздан ортиқ мамлакатлар ичида ўз ўрнига эга алп паҳлавондир, - дейди шоир.

**Дарёлар сувга сероб – тоғларинг қорли бўлсин,
Эрта кунинг яна ҳам боғли, баҳорли бўлсин,
Умринг безавол, боқий, ишинг барорли бўлсин,
Ёшариб, яшнаётган ЎЗБЕКИСТОНИМ МЕНИНГ.**

Тўра Сулаймон – жаҳонгашта шоир. Мамлакатимизнинг кўплаб шаҳар ва қишлоқларида бўлган. Тоғу тошларни, боғларни пиёда кезган. Унинг чиройини, гўзаллигини ўз кўзи билан кўрган ва ундан руҳланган, ҳайратланган, шоирона завқ-шавқ олган. Шоир юртимиз ривожидан, фаровонлигидан, тараққиётидан шукроналик туйган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонга боқий умр, тараққиётида ривож, барқарорлик тилаган. Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон ўз она диёрини доимо тинч-осойишта, миллионлар ичида танҳо бўлишини истайди. Ўзбекистонга берилган бу таъриф, фахрия ҳеч бир мен ўзбекистонликман, деган фуқарони лоқайд қолдирмайди. Тўра Сулаймон она-юртини яхши кўрган, ҳеч кимга, ҳеч нарсага алмашмайдиган жаннатмакон эканлигидан ғурурланадиган, бу ғурурини бутун жаҳонга ёядиган ижодкор эди.

“Тошқин дарё эдим ...”

“Муштум” журналининг 1992 йил декабрь сониди Тўра Сулаймоннинг “Бўзлов” шеъри босилиб чикди. Қисқа вақт ичида бу шеър сўз санъаткорларининг эътиборини тортди, куй басталаниб, кўшиқ қилиб куйланди.

“Бўзлов” сўз усталари томонидан турли тадбирларда айтилиб, шеърхон қалбидан жой олди. Чунки “Бўзлов”нинг мазмун-моҳияти шеърни кириш қисмида шоир томонидан аниқ-лўнда қилиб айтиб қўйилган эди. “Алпон деса, Алпондай, Чўлпон деса, Чўлпондай ўғил-қизлари бўла туриб қаровсиз қолган охир-оқибатда, Қариялар уйидан нажот топган бир мўйсафиднинг ич-ичидан эзилиб, кўзидан ёш тизилиб, хорлангани сезилиб беор, беномус фарзандларига бўзлай-бўзлай айтган гаплари”.

**Кулганим йўқ эди оқпадарлардин,
Ота ё онасиз беқадрлардин.
Тайин-туғуни йўқ дарбадарлардин**

Бу кун кўйда қолдим кўзда ёш билан.

**Сенларни деб сочга оқ тушмадими?
Бирларда елкага тоғ тушмадими?
Ахири кўнгилга доғ тушмадими?
Алҳол, ташландиқ бир тошга айландим.**

Фарзанд – инсон ҳаётининг давомчиси. Фарзанд инсоннинг обрў-эътиборини юксакка кўтарувчи олий бахт. Фарзанд кулгисидан ширин нарса йўқ. Фарзанд – ёшлигида, болалигида яхши тарбия кўрса, қулоғига фақат ёқимли гаплар, ёқимли куйлар эшиттирилса, болада ота-онага нисбатан ҳурмат ҳиссида ўсади. Болани эсини таниганидан бошлаб гап уқишга ўргатиш зарур бўлади. Тарбия катта вазифа, масъулият. Афсуски, айрим ота-оналар фарзандларига ёшлигида тарбия беришмайди, фақат кийим-бош, озиқ-овқат, моддий эҳтиёжини қондириш билан шуғулланадилар. Бу билан ота-оналар ўз бурчини бажарган ҳисобланадилар.

Тўра Сулаймоннинг қизи Юлдузнинг айтишича, амакиси Маматқул ота тўрт ёшлигида бобоси Сулаймон ота вафот этганидан кейин ичикиб, касал бўлиб қолган экан ва фақат “бобомни **очкадим**”, деб йиғлаган экан. Чунки ёш Маматқул бобосини соғинган, болалик меҳри билан яхши кўрган. Афсус билан таъкидлаш керакки, бугун айрим ота-оналар фарзандларига меҳр бермай улғайтирмоқдалар. Натижада ота-онасига нисбатан меҳрсиз, оқибатсиз бўлиб ўсмоқдалар. Бу ҳолат ҳалқимиз менталитетига зид ҳодиса саналади.

Натижада:

**Бўзлаганда энди кимга бўзлайман?
Қайси жон куярим, кимга сўзлайман?
Энди бир осуда жойни излайман...
Тўпидан айрилган қушга айландим.**

– деб нидо қилади фарзандига ўз вақтида меҳр бера олмаган ота-она.

Фарзандидан меҳрсизлик кўриш ёмон тарбиянинг меваси. Турмуш ташвишлари, ҳаёт қувончлари, вазифалари, мансаб юкламалари ва бошқа турли-туман кўпдан-кўп улкан юмушлар оқибати, пул, мол-мулк йиғиш, тўплаш, тўй-маърака қилиб ўзини кўрсатиш, обрў-эътибор қозониш учун узоқ йиллар чираниш оқибатида, доимо банд бўлиш натижасида фарзандининг маънавий эҳтиёжларини қондиришга вақтини етмаслиги ёки атайлаб вақт ажратмаслиги, боласи билан ҳеч бўлмаса шундан бир-икки соат дилдан суҳбатлашмаслик, яна ҳам кенгроқ айтсак, меҳр улашмаслик оқибатида бола ота-онасига нисбатан меҳрсиз, ота-она гапи қулоғига кирмайдиган қулоқсиз бўлиб ўсади. Бола маълум ёшга етганда гапини, таъсирини ўтказа оладиган яқинлари пайдо бўлади. Ота-онасидан кўрмаган меҳрни кўчадан, тарбиясиз яқинларидан ёки бегоналардан, ёш хотинидан кўради. Хотини “ота-онанг менга ёқмаяпти”, деса, бемалол, кўринмай, орият қилмай Қариялар уйига, Саховат уйига ота-онасини элтиб кўйиб, умуман хабар олмайдиганлар афсуски, бор. Тўра Сулаймон мана шундай нобакор фарзандларга қарата бўзлайди:

**Тошқин дарё эдим, сойга айландим,
Қадди-қомати дол, ёйга айландим.
Энди ҳоли буткул войга айландим,
Қаровсиз самбитдай сўлиб бўлдим мен.**

**Ўз ўрнимни топдим ғарибхонадин,
Сўраб юрманг яна яхши-ёмондин.
Жудо қилмаса бас энди иймондин...
Очиқ кетар бўлди кўзларим менинг.**

“Менинг ҳар бир сўзимда бир томчи кўз ёши бор”, - деган экан авар шоири Расул Ҳамзатов. “Бўзлов”нинг ҳар бир сатри ақлли, фаросати, иймони, диёнати бор инсонни ларзага солади, ўйлантиради, мушоҳада юритишга мажбур қилади.

Тўра Сулаймон бу шеъри билан Қариялар уйига тушиб қолаётган инсонлар айбини, тарбиядек масъулиятли ишни кечиктирганини, мансабни ёки бойликни орқасидан қувиб жуда катта нарсани, яъни фарзандлари қалбини, юрагини, иймонини, диёнатини ўғирлатганини юзига солмоқчи. Демак, инсон нима экса ўшани ўради. Фарзанднинг меҳрсизлиги учун бўзлаш ҳеч кимга насиб қилмаслигини истайди.

Менингдек қисматинг қаттиқ бўлмасин,

Бахтдан бебахтлигинг ортиқ бўлмасин.

Сенга ҳам бу қисмат тортиқ бўлмасин,

Илоҳим, сўнмасин бевақт қуёшинг.

-деб ёзади шоир. (*“Муштум” журнали, 1992 йил, 23-24-сонлари, 13-бет*)

Ота-она ҳеч қачон, фарзандига ёмонлигини раво кўрмайди. Бу дунё қайтар дунё дейдилар. Тўра Сулаймонга қарияларни қадрламаслик, ота-онаси ҳолидан хабар олмаслик қариганда меҳрга зор бўлганида меҳр кўрсатмасликни қоралайди. Ота-она бу дунёда меҳмон. Меҳмоннинг ҳурматини жойига қўйиш ҳар бир инсоннинг бурчи. Меҳр-оқибатлилик, ҳаё-иймон, булар қадимдан мавжуд бўлган халқимизга хос бўлган ўлмас қадриятлардир.

Халқимизда олма дарахти тагига олма тушади, нок тагига нок тушади, деган ҳикматли гап бор. Яна нима эксанг, ўшани ўрасан, - деган мақол ҳам бор. Фарзандни тарбиялаш меҳр-муҳаббатли, ақл-заковатли қилиб вояга етказиш ота-онанинг вазифаси. Ота-оналик вазифасини, бурчини сидқидилдан бажармаганлар ҳолига вой. Бундай ота-оналар умрини охиригача азоб-зулмда ҳаёт кечирадилар. Фарзанднинг зулмини, азоб-уқубатини бегоналарга айтиб бўлмайди, фақат ўз ич-этини кемиради холос.

ЖАННАТМАКОН ЮРТ КУЙЧИСИ

Тўра Сулаймон Сирдарё вилоятида Гулистон шаҳрида яшаб, Ўзбекистон халқ шоири унвонига эга бўлган ягона ижодкор эди. Шоирни Тошкентга кўп чақиришган, ишга таклиф этишган. Лекин Тўра Сулаймон она шаҳри – Гулистонни, кўрик Сирдарёсини ташлаб кетолмади. Сирдарёнинг иссиғини, қаҳратон қишини, янтоғу-шўрасини, тор кўчаларини, шўр сувларини ҳеч нарсага алмашмади. Тўра Сулаймон Сирдарёни обод, кўркам, кенг кўчали, замонавий шаҳар ва қишлоқларга айланишини хоҳлаб, “Жаннатмаконим менинг” деб эъозлади. Улкан ижодкор она юрт куйчиси, юртини эъозловчи, ватанпарвар, фидойи инсон сифатида танилди. Айни кунларда Мирзаобод туманидаги шоир яшаган ҳовлида катта ўзгаришлар бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон уй-музейини ташкил этиш тўғрисида”ги 2022 йил 9 июндаги 321-сонли Қарори эълон қилинган.

2012 йилда “Тўра Сулаймон замондошлари хотирасида” номли китоб нашр этилган эди. Китоб тўлдирилиб, яна 2017, 2019 йилларда қайта нашр этилди. Гулистон давлат университети олимлари хатти-ҳаракатлари билан “Тўра Сулаймоннинг маънавиятга қўшган ҳиссаси” мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди. Анжуман материаллари китоб ҳолида нашр қилинди.

Тўра Сулаймоннинг шеърлари халқимизнинг севимли хонандалари томонидан куйга солиниб, кўшиқ қилиб айтилмоқда. Шоирнинг хотира кечаси ҳар йили 1 февраль куни ўтказилиб келинган. Ҳар йили азим Тошкентдан Тўра Сулаймоннинг курсдош дўсти шоир Турсунбой Адашбоев, кадрдони профессор Қозокбой Йўлдошев,

истеъдодли ёзувчи Набижон Боқий, шоир Азизбек Анвар ва бошқалар ташриф буюриб, Тўра Сулаймон ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашиши анъанага айланган эди.

Тўра Сулаймон ҳаёти ва ижоди бугунги авлод учун ўрнатқуч бўла олади. Шунинг учун ҳам шоир фаолиятини акс эттирган ҳужжатли фильмлар яратилса. Чунки, йиллар ўтган сайин шоирни яхши билган инсонлар камайиб бораверади. Бу – ҳаёт ҳақиқати.

“XX аср ўзбек шеърининг антологияси” китобини варақлайман. Бу антологияга 102 нафар ижодкорнинг энг сара асарларидан намуналар мужассам. Тўра Сулаймоннинг тўпламга киритилган тўртта шеърининг ўзи биз севган, ҳурматлаган, эъзозлаган шоир ижоди ҳақида тўлиқ тасаввур беради:

**То она табиат менга ёр экан,
Ҳар доим ғанимат, бетакрор экан,
Диёнат бор экан, ялтоқ, хор экан,
Узилмас торларим, синмас созларим.**

- дейди шоир.

Тўра Сулаймон – она табиат, она юрт, она Ватан куйчиси. Диёримизнинг ҳар бир жисми, гули, дарахти, ялпизи, тупроғи қисқаси ҳеч нарсаси эътибордан четда қолмайди. Шоир она табиат шайдоси эди. Унинг ҳар бир ўзгаришидан маъно изларди. Созининг жаранглаши, шеърларининг бунёд бўлиши бу Ватан жамоли, гўзаллиги, боқийлиги, маданий мероси кўплигидан эканлигини яхши биларди. Тўра Сулаймон ютуқлардан севинадиган, ёқмайдиган воқеа-ҳодисалардан куйинадиган ижодкор эди.

Тўра Сулаймон сабоқлари

“Бир кафт зар, бир ховуч гавҳар” мақоласидан

... биз тенги ижодкорлар халқимизнинг неча асрлар оша асраб-авайлаб келаётган шу ва шунга ўхшаш (андиша-демоқчи Р. МАҲМУДОВ) миллий қадриятлари, ўлмас урф-одатлари ҳақида кўпроқ ёзишлари, хориж, ғарб (ғариб)нинг бизга юбораётган ғоявий "совға-саломлари" замирида нималар ётганини очиқ-ойдин ёритиб боришлари керакка ўхшайди. Шоирчилик ўз йўлига. Шубҳасиз, бадий асарнинг тагида коса, коса тагида нимкоса, нимкоса тагида чилкоса ётади. Уни вақтида илғаб олувчилар бор. Қандай ёзилса, шундайлигича қабул қилувчилар бор. Унинг тошу тарозисини Озод Шарафиддинов, Иброҳим Ҳаққул сингари ҳамиша ҳалол, одил қўйиб келаётган муқим адабиётшунослардан бошқа шамол қайси томонга эсса, шу томонга ҳайдаб кетадиган “универсал” тўрткўз “шунос”лар бор.

Умр бўйи савдо-сотик, хўжаликка раҳбарлик соҳасида ишлаб юриб бозори касодга йўлиққанлар ҳам, ҳали ўсмир ёшига етиб-етмаганлар ҳам ишни шиғир ёзишдан бошламай, ҳадеганданоқ болаболишдай, лўлаболишдай китоб ёзишга бел боғлаб киришиб кетдилар. Китоб чиқазишнинг тақдири пул билан боғлиқ бўлиб турибди. Ҳозирча. Бу ҳақда кўп ёзилаётир, айтилаётир.

“Андиша”ни қайта-қайта ўқидим (Ўткир Ҳошимовнинг мақоласи - Р. М.). Уйга келган ёру дўстларга мактангандай ҳам бўлдим. Улар ҳам бош кўтармай ўкиб чиқдилар, миннатдор бўлдилар. Газета-журналларимизда ана шундай гўзал мақолалар бериб борилса, обуна масаласи ҳам ўз-ўзидан ҳал бўлади.

Ўйлаб кўрсам, уят ўлимдан қаттиқ, мақолидан ҳам андишанинг даражаси баланд экан.

**Андишасиз одамни одам деб айта кўрма,
Гап қотар бўлса магар, ортингга қайта кўрма.**

Ва яна ҳаё билан андиша – одамзотнинг либоси, деган ҳикмат ҳам бор.

**Кексалик мўралаб эшик қоқмоқда,
Болалик қайтадан қайтарилмоқда.
Биздан эрта кунга нелар қолмоқда?
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.**

... Хотини одам иси ёқмайдиган фалокатлардан экан. Алҳазар! Алҳазар!

Энди сиз менга айтингиз-чи, бир оилани бошқара билмаган, ўз падари бузрукворини ўз уйига сиғдиришга гапи ўтмаган киши қандай қилиб бир корхонанинг раҳбари бўла олади? Қандай қилиб ўз жамоаси бошини бириктира олади? Қандай юз билан кўча-кўйларда юради?

Ҳар кимнинг чиққан тоғи ўзи учун буюк. Ҳар бир миллатнинг, ҳар бир халқнинг нимаики урф-одати, расм-русуми, тузум-тўзими, хислату фазилати бўлса, ўзи учун азиз. Ўзлари учун муборак.

Шу шекилли, бизнинг халқимизда – ўзбекияда бўлган меҳр-оқибат, инсоф-тавфик, феъл-атвор, ҳиммат-ҳамият, ибодат, андиша бари-бари ўзгача. Бири – лаъл, бири – забаржад, бири – олтин, бири – олмос. Бир-бирининг ўрнини боса олмайди. Бир-биридан қимматли. Ҳар

бирининг ўз ўрни бор.

Ошкоралик ва демократия шароитида... деган йиллари Ёзувчилар уюшмасида бир йиғилиш бўлди. Йиғилиш бошланар-бошланмас тарафкашлик бошланди. Тортишувлар, талотумлар, талотўплар. Уюшма раиси Ўлмас ака (Умарбеков): “Қани, бизнинг ўзбеклигимиз? Қани, бизнинг ўзбекона андишамиз!” дейишлари билан ғала-ғовур сув сепгандай босилди. Ана, биргина сўзнинг кучи! Биргина сўзнинг нималарга қодир эканлиги!

Ўша пайтда ўша хоним билан сўрашсам, кўришсам, бутун халкимизнинг, зиёлиларнинг юзларига оёқ қўйган бўлардим. Андишасизлик қилган бўлар эдим. Муқаддас қалам тутган кўлимни унга узатишга ҳазар ҳам қилган эдим.

Зулфия опанинг айтар гапи билан қилар иши бир эди. Хурмат қилган, қилмаган кишисига муомаласи орқали муносабатини билдириб қўя қолар эдилар. Кишининг олдида чиройли муомала қилиб, ортидан маломат қилувчиларни эса кўп кўрганмиз.

Келинчаклар, умуман андишали аёллар бегона ҳамда ёши улуғларнинг олдида боласига кўкрак тутмайди.

Қизлар, келинчаклар кўчада яқин келиб қолган кишининг олдини кесиб ўтмайди.

Қиз ўлар ҳолатга келса ҳам яхши кўрган йигитига мен сизни севдим, демайди.

Ёшлар катталарнинг гапини бўлмайди.

Издихомда ёшлар тўрга чиқиб ўтирмайди. Ўғиллар оталаридан, қизлар оналаридан олдин дастурхонга қўл узатмайди. Қиз-келинчаклар ота-оналари, ёши катта, бегона кишилар турган жойда сақич чайнамайдилар. Ўзларига оро бермайдилар. Буларнинг ҳаммасининг тагида андиша-истихола ётади. Бундай ўйлаб кўрсак, одамзод сувсиз, ҳавосиз, таомсиз яшай олмаганидек, шарқ дунёсининг сифатларидан бири андиша экан. Одатда андишасиз, кишини киши санамайдилар.

Албатта, хислат, фазилят, истиҳола, тавфик, оқибат, меҳр, шарм, уят, ҳаё, ҳамият, ҳиммат – булар бир-бирини тўлдиради. Ҳатто кишининг қайси миллатга мансублигини билдириб туради.

Кумуш, мис, темир, қалай, лаъл, олтин, олмос, тилло, зумрад, гавҳар, забаржад... Бу қимматли тошларнинг ҳар қайсисининг ўз ишлатилар ўрни бор.

Тўғри, шеър тизмачининг мулки. Юракдан ёзилганми, ўпкадан ёзилганми, жигардан ёзилганми. Нима билан ёзилган бўлса ҳам. Бироқ уни – шеър-ҳикматни пуллаш кишига жудаям эриш туюларкан.

Бироқ андиша деган гап ҳам бор-да! Уят деган гап ҳам йўқ эмас-да! Ўйинчи чилдирманинг “така-тум”ига қараб муқом қилади. Ашулачи эса айтар қўшиғига матн танлайди.

Энди тизмачи (шоир) ҳам, эзмачи (хонанда) ҳам каминани судга беришга ҳаққи бор. Дод, бу одам бизни ўз ҳолимизга қўймапти, бунинг савдо-сотик ишларимизга аралашишга нима ҳаққи бор, деб. Бироқ яна ўша андиша деган сўз бор-да! Қози ўшаларнинг даъволари бўйича ҳукм чиқаришга ҳақли. Камина ҳам ғинг демай ўша жаримани тўлашга мажбур. Бироқ суд жараёнида АНДИША ҳакамлик қилиши, адвокатлик қилиши мумкин-да! Маза-матраси йўқ,

ярим яланғоч – ўйнашдан бўлган, жўқиёна шиғирларнинг урчиб кетаётганига кимлар ва нималар сабаб бўлаётир, деган саволга жавоб топилиши ҳам мумкин-да! Ундай десак-да, бундай десак-да, ўртада шоирликнинг, шоирнинг маънавияти, андишаси туради-да! Икки чўкиб, бир қарасалар-да, ўртада шеърый тижоратчилик-хижолатчилик туради-да!

Сингилнинг ўз оғасига бўлган ҳурмати-эътибори сиғинарли даражада. “Андиша” сўзини бошқа тилларда нима деб айтар эканлар, деб қўрмаган китобим, титмаган луғатим қолмади. Тополмадим. Дунёда ўзбек миллати битта экан. “Андиша” сўзи ҳам битта экан, деган хулосага келдим. Биласиз, олмаган унвоним, илинмаган мукофотим қолмади. Эндиги қилар ишим – ана шуларни оқлаш. Ва яна андиша ҳақида катта илмий иш қилиш. Академик бўлиш. Шу йўл орқали Сиз билан беллашиш. Биласиз, ўзбекнинг сўзи ҳам ўзидай битта бўлади.

Энди зора-мора ҳам у, ҳам бу мақолага қўзи тушган, бирини олиб, ўнга пуллаётган "тижоратчилар" ўзлари уйида ўтириб, аёлини чайқов бозорига қўйган давангирдай кишилар, эртанги куни – суянар тоғлари – мактаб ёшидаги болаларни бозорга қўйиб қўйган ота-оналар, билиб-билмай турли оқимларга тушиб “ғарқ” бўлаётган ғафлат бандалари, бир қўли ҳамёнда, бир қўли хирмонда бўлган амалдорчалар, конун йўли, шариат йўли туриб бошқа йўлларда, ўзга элларда санқиб юрган ватанфурушлар, нуфузли жойларда ишлай туриб ўз курсисини суиистеъмол қилаётган – бирларининг бошларида салла, қўлларида тасбеҳ, бирларининг бошларида кулоҳ, қўлларида асо, бирларининг бошларида шляпа, қўлларида шамсия тутган замонавий мажидиддинлар эс-хушларини йиғиштириб оларлар, тавба қиларлар, андиша қиларлар, тазарру қиларлар, деган умидда қалам сурдик. Шунда сиз билан биз ўз мақсадимизга бир қадар эришган бўламиз.

АСЛИДА БЕШИКДАН БОШЛАНАР ҚЎШИҚ

Китоб. Нон. Ҳаво. Қўшиқ. Куй (товуш, оҳанг). Булар – одамзод учун моддий, маънавий неъматлар, манбалар. Таом танамизни ҳаракатга келтиради. Оҳанг эса руҳимиз билан “ўйнашади”, киши руҳини кўтаради ёки тушкунликка туширади.

Кейинги йилларда, шу кечаю кундузда, деса ҳам бўлади, ёш шоир укачаларимиз, сингилчаларимиз ишни, аввало шеър ёзишгача бўлган жараён – шеър техникаси қонун-қоидаларини ўрганиш, билмаганларини сўраш, сўнг машқ қила бориш, кейин-кейин, бирон-сирон (бирин-сирин эмасми?) илк машқларини маҳаллий матбуотда эълон қилишдан эмас, биратўла китоб чиқаришдан бошламоқдалар.

Улуғ Навоий ҳазратлари башорат қилганларидай, “Аввалгиларга ўхшамас!”. Бизнингча, улар шеърнинг борлиқ майда-чуйда тайёргарликларини оналарининг курсоғида ётган чоғларидаёқ (бўш бекор сўлтайиб, талтайиб ётиб олмасдан. Бизга ўхшаб) пишитиб, ўрганиб, ўзлаштириб олиб, тўғридан-тўғри шоир бўлиб дунёга келмоқдалар чоғи! Ҳадеганда Эркин Воҳидовдан ошиб тушамандан келишади! Бўладиган боланинг “қумалоғидан маълум” деб шунга айтсалар керакда! Номзодларини Зулфия номидаги Давлат мукофотга қўйишдан келишади! Қанчалик осон! Ғирт туғма талант! Баъзи бирлари рақсни ҳам, хонандаликни ҳам, созандаликни ҳам қотириб ташлашади! Турғун Алиматов билан беллашамандан келишади. Уларга тавсиянома ёзиб берувчилар ҳам оёқларининг остидан чиқа қолади. Ўша кўтар-кўтар қилувчилар ё халқ шоири, ё санъат арбоби! Ҳа айтгандай, китобчаларини чиқазиш учун ҳомийларнинг тайёр тургани-чи!

Ҳозир нима кўп, нашр кўп. Нашриёт кўп. Гап пулда. Пул бўлса, бас! Китоб тайёр. Компьютер деган нарсалар чиққан. Одамдан ҳам “ақлли”. Гўё одам компьютерни ихтиро қилган эмас. Компьютер одамни ихтиро қилган. Ё раҳмон!

Хуллас, қизчани гапга солдим. Шеърларини бир кўздан кечириб чиқдим. Чатоқ, шеърга ўхшаса, ўлсин агар. Шеър эмас – қаро ер. Меҳмон – атоийи худо. Шеърни адабиёт ўқитувчисига кўрсатиб, қайта “ишлов бериб”, сўнг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг масъул котиби Ҳаётхон Ортиқбоевага учрашишларини айтиб, меҳмонларни кузатган бўлдим. Ой ўтмас ҳалиги хушрўйгина аёл қизчасини эргаштириб яна келиб қолди.

Узил-кесил бошқа келмайдиган қилишдан бошқа чораси йўқ. Қизчасининг ҳали ўз устида кўп ишлаши, адабий тўғаракларда иштирок этиши, оддий сўзга жон киритиш қўлидан келадиган бирон-бир ижодкорнинг ўнгир (бар)идан ушлаши кераклигини айтдим...

Яқинда ўша қизчани Гулистон кўчаларидан бирида кўриб қолдим. Аввалига танимабман. Бир маҳал, Тўра ака, китобчамни чиқаздим, деб тўпламчасига дастхат ёзиб қўлимга тутди. Уйга келиб, нафасни ростлаб “мажмуа”сини кўздан кечирдим. Устасининг қўлига тушган кўринади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сирдарё вилояти бўлимида шу йил мобайнида етти қўлёзма муҳокама қилинди. Шундан ички хизмат полковниги Турсунбек Раҳмонов билан Ойдин Турсунованинг қўлёзмалари бадиий жиҳатдан пишиқ-пухта. Чиқаётган китоблар чиғириқдан шу каби шафқатсиз ўтказилса, китоб дўконлари қинғир-қийшиқ йўллар билан чиқарилаётган чиллаки китоблар билан ҳозиргидай тўлиб-тошиб кетмаган бўлар эди. Қўлбола шоир-поирларнинг йўли бир қадар тўсилган бўлар эди. Китоб деган муқаддас нарсанинг қадри ҳозиргичалик тушиб кетмаган бўларди.

Эстрада артисти, дегани телевизорга чиқиб олиб, “бизда мана бунақа нарсалар ҳам бор”, дегандай қилиб томоғларининг тегларидан сийналаригача, тўпикчаларидан тортиб тиззаларигача бўлган масофани кўз-кўз қилиб кўрсатишдан иборат эмас. Биз яшаб турган бу қутлуғ, бу муқаддас маскан-маконни Шарқ дейдилар. Шарқда шарқона шарму ҳаё, ўзбекона ифбат-ибо деган гаплар бўлгучи эди! Ўзбек эстрадачилигининг бешигини биринчилардан бўлиб тебратган Тамарахоним, “Араб тангоси”ни араблардан ҳам ўтказиб поёнига етказиб қўйлаб қўйган, пешонамизга сиғмаган Ботир Зокиров қандай кийинар эди! Ўзини эл орасида қандай тутарди! “Феруз”, “Гулузорим”, “Ироқ”, “Муножот” сингари классик ёки “Ватан ягонадир, Ватан биттадир”, “Элим менинг” сингари танқис куй-қўшиқлар – халқимизнинг маънавий мулки. Мукамал бир қўшиқнинг дунёга келиши – бўш турган бешикка эндигина ёруғ дунёга келган гўдакни белаб, уни алла айтиб тебратгандай бир гап.

Ва яна яхши қўшиқнинг қўлма-қўл бўлиб ўкиладиган бир баёзчалик кучи бор: “Мустаҳзод”, “Баҳор айёмида”, “Ўзбегим”, “Биринчи муҳаббатим”... Қўйинг-чи, қўшиқнинг “қўлидан” ҳамма нарса келади. Фақат сохталик келмайди. Саёзлик келмайди. Ёмон айтгучи бўлгунча, бу йўлдан қайтгучи бўл.

Буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темури саройида машҳур мутриб Исҳоқ ал-Масулий билан тенги йўқ муғанний Хожа Абдулқодир ал-Мароғий хизмат қилар экан. Улар саройга ташриф буюрган чоғлари арқони давлат у кишиларнинг истиқболларига чиқиб, қўлларини кўксига қўйиб кутиб олар экан. Улуғ Соҳибқирон давридаги давлат гимни (фахрия) – Ўроннинг ижодкорлари ҳам шу икки созанда хонанда экан.

... бугун ҳеч бир мамлакатда, ҳеч бир ҳукмдор мухтарам Президентимизчалик санъатга, санъаткорларга алоҳида эътибор берганлигини, ғамхўрлик қилганлигини эслаш қийин. Гап ана шу ғамхўрликнинг қадрига ета билишда.

...баъзи бир ашулалар борки, на мазаси бор, на матраси. Беҳаё. Бепарда. “Бир бўса бер, бир бўса”... “Бўса” ўпич дегани. Бундай суюқ қўшиқларни оила даврасида эшитиб бўлмайди. Ё сиз ўрнингиздан туриб кетишингиз керак. Ё қизингиз, ё келинингиз. Юз чидамайди.

Ватанни арзон, тош босмайдиган, шиорбоп гаплар билан севиш, бу – ватанпарварлик деган гап эмас. Қолаверса, Ватан бундай ташвиқотга ҳам, бундай ширасиз гапларга ҳам муҳтож эмас. “Ватан ягонадир, Ватан биттадир” деган қўшиқ бор. Ана буни қўшиқ дейдилар. Муносиб Ватаннинг муносиб мактови, мадҳияси дейдилар. Ҳар куни юз марта эшитса ҳам эшитгиси келади кишининг.

Мана буни қаранг, шу ҳам ашулами?

**Ўзбекистон ёшлари,
Келинг, бир тан бўлайлик.
Она ҳам отамизга
Биз ҳам ёрдам берайлик.**

Агар мен...”Ижодий кенгаш” раиси бўлсам, биласизми, нима қилган бўлар эдим. Ўша ижрочиларни ҳам, матн муаллифини ҳам, бастакорни ҳам – ҳаммасини жам қилиб матнни муҳокамага қўярдим.

“Не қилсанг қил, лек Ватанни сотма, болам” қўшиғидаги мана шу сатрининг ўзида бир қусур бор. Не қилсанг қил – одам ўлдирсанг ўлдир, ўғирлик қилсанг қил, - нима қилсанг, қилу фақат Ватанни сотма деган. Қўшиқни Юлдуз Усмонова меҳр билан, жўшиб ижро этади. Вужудингиз симобга айланади. Бир қалам уриш билан бу сатрни рисоладагидек сатрга айлантириш мумкин. Мисол учун отсалар ҳам, оссалар ҳам,

душманларинг бошингда қилич қайраб турсалар ҳам Ватанингни сотма, деб. Шундай қўшиқ бутун қўшиқ бўлади. Ўлмас қўшиқ бўлади.

Осмондаги юлдузларнинг саноғига етиш мумкиндир-у, “ой-куни тўлмай чала пайдо бўлган” Чалабой қўшиқларнинг ададига етиш мушкулга ўхшаб қолди. Айни пайтда халқимизнинг маънавий мулкига айланган ва айланаётган умрибоқий қўшиқларимиз ҳам беҳисоб. Ёмон нарсанинг ози кўпдай бўлиб кўриниши табиий. Биз фақат ошнинг ичидан чиққан тошлар ҳақида гапирдик.

Юқорида айтилган борлиқ гаплар – ҳукм эмас. Ҳозирги қўшиқлар ва қўшиқчилигимиз ҳақидаги эътирофлар, эътирозлар, таклиф ва мулоҳазалар. Мақсад қўшиқчилигимизни хас-хашаклардан, мағзавалардан, иллат ва қусурлардан тозалаш. Ва бунга мутасадди ташкилот раҳбарлари, санъат намояндалари, жонкуярлари эътиборини жалб этиш.

2002 йил

ОТАЛАР ЮРТИДА

Эссе

Бахмал туманидаги осмонўпар тоғлар орасида жойлашган Алдашмон қишлоғини танти табиатнинг саккизинчи мўъжизаси, деса ҳеч кимнинг ҳаққи кетмайди. Бу кентни биргина равзага менгзаш мумкин. Анов-манов суҳандоннинг бу гўшани таърифлай олишига кўз етмайди. Энг яхшиси, бу ерга келиб, об-ҳавосидан, турфа ўт-ўланларининг бўйларида баҳраманд бўлишдан сози йўқ. Узоқ ва яқин ўтмишни билиш учун эса Миср ака мисоли қуйма қулоқ қариялари билан қишнинг узун тунларини тонгга улаб ё жавзо ойларида қирга чиқиб майса-қатронлар қўйнида гурунги қилишга тўғри келади.

.....Гап билан бўлиб, Алдашмоннинг мирзатераклари билан қора толлари кўзга чалиниб қолганини билмай қолибмиз. Бир маҳал сайҳонликда қўш ҳайдаётган бир кишининг хиргойиси эътиборимизни тортди.

– Ҳа, бу Мустафоқул гўянда, - деди Мухтор оға. – Дийқонлиги шойирлигидан, шойирлиги дийқончилигидан устувор. Ўзанги жўлдошлари ҳазиллашиб, Жўқийман деган шойирларнинг бари Мустафоқулдан тарқаган, дейишади.

– Айтганлари, тўқиганлари ҳеч қаерда чиққанми? - сўраймиз оғадан.

– Жўғ-е, қаёқда дейсиз. Ўзи ишлаб, ўзи айтиб журади. Шойир зотини жаман кўради ўзи. Шиғир ҳам, шойир ҳам ит жузумидай кўпайиб кетди, деб. Айниқса, ҳозирги жашларимиз айтадиган суюқдан суюқ, жаланғоч, пардасиз қўшиқларди эшитса жон-пони чиқиб кетади. Ҳа, ўша, айтган сени ҳам, сенга жазиб берган шойирди ҳам...деб.

Йўлимизни ўша қўшчи томон бурмоқчи бўлган эдик. Шерикларимиз кўнмади.

– Ўзи чарчаб келаяпмиз. Шу вақти гўянда тугул булбулнинг овози кишига малол келиб турибди, - дейишди.

Қўйинг-чи, Ойботганга келганда бўлинар бўлдик. Сафардошлар қишлоққа, мен эса ҳалиги қўшчи томонга. Ўша Мустафоқул гўянда деган кишимиз хиргойи қилиб қўш ҳайдамоқда эди:

**Ўтган қиш қорли келди,
Кўклам ёмғирли келди.
Асад ҳовурли келди,
Кузин берсин илоҳим.**

**Ҳозир авжи қўш вақти,
Тиним билмас иш вақти.**

Келса дам олиш вақти,
Рўзин берсин илоҳим.
Тошни боссанг, ун бўлсин,
Нонимиз бутун бўлсин.
Зироат дуркун бўлсин,
Жазм берсин илоҳим.

Бир кун ўтар ҳар ерда,
Бир бурда нон бор ерда.
Кун кечириш бу ерда,
Изом берсин илоҳим.

Хизр дориб хирмонга,
Ўралар тўлсин донга.
Тиним билмас бу жонга,
Тўзим берсин илоҳим.

Қиз турибди бўй етиб,
Ўғил эса эр етиб –
Мени ғам асир этиб,
Ўзим берсин илоҳим.

Умр ўтди хорланиб,
Сир бой бермай орланиб.
Дилда армон қаланиб,
Арзим берсин илоҳим.

Олдинда ойдин тунлар,
Бундан-да ёруғ кунлар.
Ризқи рўзи бутунлар
Рамзин берсин илоҳим.

Кушойиш ҳар кунига,
Хотиржамлик тунига.
Бирига ўн, ўнига
Юзин берсин илоҳим.

...Меҳр икки кўзда, дейдилар...

...Бизнинг ҳангомамиз кўпроқ яқин ўтмишга кетгани учун гапни қўшчининг ўзига қаратиб бурдим:

....- Қўш ҳайдай туриб айтган қўшиқларингиз менинг учун қуймалига, туғмалига, суймалига ўхшаб туюлди.

...Баҳоуддин Балоғардон пирим – Нақшбанд ҳазратларининг “дил ба ёру, даст ба қор” деган ўлмас гаплари ёдга тушади. Аслида ўша Мустафоқул аканинг қўш ҳайдаб юриб айтганлари соф халқ қўшиқлари эмасми? Ахир халқ қўшиқларини халқ бир ерга йиғилиб, хор-капеллага ўхшаб айтмайдилар, ёзмайдилар. Ана шундай қуйма сатрлар тилдан тилга ўтиб, халқ қўшиқларига айланмайдими? Бундай қўшиқлар ўз куйи, ўз оҳанги билан яралиб халқнинг маънавий мулкига айланмайдими? Менинг бу гапларим ҳукммас, албатта. Бу менинг даштликларга хос қўшиқ ҳақидаги ўз фалсафам. Халқ қўшиқларига, унинг ижодкорларига бўлган меҳру муҳаббатим. Яна денг, ҳар иккаласи ўртасидаги тафовутни билиб-билмай, ажратиб-ажрата олмай болишдай-болишдай

илмий ишлар қилиб, илмий даражалар олиб, яна ўзимизни осмон қадар чоғлашимиз ҳақидаги изтиробларим.

1993 йил

ТИЛ – ЎЗАГИМИЗНИНГ, ЎЗЛИГИМИЗНИНГ, ЎЗИГА БЕКЛИГИМИЗНИНГ БОШ БЕЛГИСИ

(Матбуот, маданият ва адабиётимиз жонкуярлари эътиборига)

Ҳар бир соҳанинг соҳиблари, ҳар жамоанинг ўз оқсоқоллари, ҳар бир касб-кор эгаларининг усталари; диний ва дунёвий илмларнинг устозлик мартабасига, пирлик мақомига эришган азиз кишилари – эл суянган зотлари бўлгани сингари халқимиз ҳам, ҳамкасбларингиз ҳам сиз – азизларни ҳам ижодкор, ҳам журналист, ҳам ношир, ҳам матбуотимизнинг жонкуярлари сифатида тан оладилар, иззат қиладилар. Давраларда исм-шарифларингизни меҳр ва муҳаббат билан тилга оладилар.

Шунинг учун муборак мамлакатимизнинг, жонажон халқимизнинг ҳаётини ёритишга, ёзишга бутун умрларини бағишлаган барча ҳамкасбларимизга тил ва талаффуз; сўз, ибора ҳамда атамаларни қай йўсинда айтиб, қай йўсинда ишлатиш ҳақидаги истакларимни, эътирозларимни Сизлар орқали айтишни маъқул кўрдим. Бу хайрли ишда Сизларнинг кўмакларингиз керакка ўхшаб кўринади. Бу ишни холисонилоҳ ижро этиш ҳам, ижро эттириш ҳам қўлларингиздан келади. Сабаби мамлакатимизда чиқарилаётган барча газета ва журналларнинг бош муҳаррирларидан тортиб то радио ва телевидениенинг масъул ходимларигача бири шогирдларингиз бўлсалар, бирлари жон аямас иниларингиз, сингил ва қизларингиз. Шунинг учун ҳам билдирмоқчи бўлаётган эътирозларимни, айтмоқчи бўлаётган таклиф ва истакларимни матбуот ходимларининг барчалари “чимирилиб”, қабул этмасликларига инонаман.

Бутун халқнинг тили ҳам, маданияти ва марифати ҳам, санъати ва адабиёти ҳам бутун бўлади.

Тўғри, яқингача ярим эдик. Танамиз шу ерда-ю, тафаккуримиз, тақдиримиз Кремль деган томонларда эди. Яратганнинг инояти, Юртбошимиз тенгсиз-тимсолсиз жасорати билан мустабидликдан кутулиб, мустақил бир мамлакатнинг, озод бир ўлканинг армонсиз фуқаролари бўлиш бахтига муяссар бўлдик.

Авваллари эркимиз ҳам, бурчимиз ҳам ўз инон-ихтиёримизда эмас, деб дод дердик. Ва дод дейишдан бошқа чорамиз ҳам йўқ эди. Динимиздан, тилимиздан салкам айрилиб қолаёзганимиз ҳам рост. Энди-чи? Энди ўз туғи, ўз туғросига, ўз тахту тожига, ўз пойтахтига, ўз раҳнамосига эга бўлган халқмиз. Қозонимиз ҳам, хирмонимиз ҳам, дастурхонимиз ҳам ўртада, деб айтсак, ярашади. Энди дод деган кишининг кўлига кишан, оёғига ғулу солиб, додхога топширмак керак! Ҳамма жабҳаларда кечаётган гўзал жараёнлар қаторида қадим қадимдан.

- Тили – арабаст.
- Форсий – шакораст.
- Туркий – бекораст.

дея камситилиб, ўғай ва ўксик санала келинган она тилимиз кун сайин, йил сайин тиниқлаша бориши керак. Бу тилни тиниқлаштириб, чўпу хаслардан, курмак-абаслардан тозалай бориш биргина тилшуносларнинг эмас, ҳаммамизнинг ишимиз, бурчимиз.

Одатда кичик нуқсонлар йиғила-йиғила қусурга, кўз илғамас одатлар бора-бора жароҳатга, майда айблар тўплана-тўплана гуноҳи азимга айланадилар.

Ўзи нима гап дерсизлар. Гап “Зангори экран” билан радиода айтилаётган, газета ва журналларда ёзилаётган айрим сўз, айрим атама ва айрим ибораларнинг ножоиз, ноўрин ишлатилаётгани, ножўя қўлланилаётгани хусусида. Шевабозликнинг “болалаб” кетаётганлиги борасида.

Гапни кети-қўлами борлиқ имкониятлари чексиз бўлган, ташвиқот ва тарғиботимизнинг қон томири ҳисобланган, неча минглаб кишиларнинг минбарига, “ўқир китоблари”га айлана кетган Тошкент телевидениесидан бошласам. Мамлакатимизнинг ҳар бир вилояти, ҳар бир гўшасида яшовчи турли касб-кор эгалари бу минбарга чиқиб олиб, ўз шева, ўз лаҳжаларида “кевотти-кетвотти”лаб, “келутти-кетутти”лаб, “келсана-кетсана”лаб, “борайди-келайди”лаб, “келажатир-кетажатир”лаб турсалар нима бўлади?

“Ойнаи жаҳон”имиз Олой бозорига айланади-қўяди. Оддий деҳқон, боғбон, қўйчибон, йилқичи, ишчи, чилангар, овчи мисоли суяклари меҳнатда қотиб, танглайлари ўзимизнинг қайта борар еримиз – тупроқ билан кўтарилган кишилар ўз шеваларида гапирсалар бу сифат у кишиларга яраша тушадилар. Бироқ ё олий маълумотли шифокор, ё мударрис, ё бирон-бир корхона раҳбари “экран”да ё “вотти-вотти”лаб, ё “келагай-борагай”лаб сайраб турса нима бўлади? Бефаҳм-бефаросатсизлик бўлади.

Энди ўзимизнинг ўзбекона соф иборамиз, атамаларимиз ўрнига ғализ, қўпол, ҳақоратомуз бирикмаларнинг айтилаётганига, ёзилаётганига эътибор берсангиз борми? Бир ерда газета ёзилса, бир ерда рўзнома, бир ерда журнал ёзилса, бир ерда жарида; бир ерда учоқ, ё тайёра ёзилса, бир ерда самолёт ёзилади. Ҳозиргача биз газета-журналларда хизмат қилиб келаётган ҳамкасбларимизни журналист дея атаб келдик. Рўзнома ё жарида деб айтар бўлсак, унда рўзномаист ё жаридаист деймизми? Ё рўзномачи, ё жаридачи деймизми? Ҳозиргача мен ёшлар тугул қарияларимизнинг ҳам рўзнома жарида, учоқ деганларини эшитганимча йўқ. Унингсиз ҳам рўзнома, жарида, тайёра соф ўзбек тилига дахлдор эканми?

Компьютер, магнитофон, микрофон, трактор, вертолёт, метрополитен, тепловоз, бензин, костюм, шляпа... Уларни қандай ўзбекчалаштирамиз? Қандай ўзлаштирамиз? Хорижлик дўстларимиз палов, тўн, тумоқ, қайнатма шўрва, кимиз, қимрон, ғилминди, қовурдоқ сингари сўзларимизни ўз тилларига қай йўсинда оғдириб оладилар? Бизнингча, юқорида қайд этилган атамалар қайси миллатда ижод этилган бўлса, ўша миллат тилида қабул қилинади. Бу тилнинг халқаро мезонларига ҳам мос тушади.

Яхшиси, сиз билан биз ўзимизни чорвадорлар ёки турли касб-кор эгалари даврасида қатнашаётибмиз, деб тасаввур этайлик-да, телевизор ёки радиода кўрсатилиб, эшиттириладиган, газета ёки журналларда, айрим адабий асарларда ёзилаётган қуйидаги аросатда қолган сўз, жумла ҳамда атамаларга эътибор берайлик.

- Сут ва сут маҳсулотлари.
- Саноат маҳсулотлари.
- Нон ва нон маҳсулотлари.
- Сабзавот маҳсулотлари.
- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари.
- “Айрим маҳсулотларни тикиб, чет элга жўнатаяпмиз”...
- “Илонлар турли маҳсулотлар билан овқатланади. Илонлардан олинадиган маҳсулотлар тиббиётда қўлланилади”.

Бу “маҳсулот”да инсоф борми ўзи? “Маҳсулот” тумшуғини тикмаган ер борми? Илондан захар олинади, деб эшитардик. Лекин маҳсулот деб...Маҳсулотни ҳам тикиб бўлар эканми? Ё тавба! Ё Раҳмон!

Айниқса, чорвачиликка бағишланган эшиттириш ёки мақолаларда ишлатилаётган: йирик шохли моллар, майда шохли моллар, она сигир, эркак қўй, она совлик, эчки боласи, бир ёки икки туёқли моллар, ота бўри, йилқи подаси, от сути, отчилик, йирик ва майда моллар тўдаси, туя болачаси, туя сути, итимиз туғди, хайвон бозори сингари “ўйнашдан бўлган” ибораларни бир бошдан санар бўлсангиз борми?..

Халқимиз ҳеч қачон Мол бозорини “Хайвон бозори” демаган. Демайди ҳам. Сабаби қўй билан эчкини, одатда, хайвон дейилмайди. Шу ўринда бир муддат тўхталамиз шекилли. Юқоридаги “йирик ва майда моллар тўдаси”га эътибор берсангиз. Чорвачилик дунёсида бундай бирикманинг ўзи йўқ. Бизнингча, бу жумлада тўрт тўлик ҳақида гапирилаётир.

Тўрт тўлик:

а) қора мол;

б) жонлик;

в) йилқичилик;

г) туячилик.

Той, қулун, ғунон, дўнан, тўлан, бия, байталдан тортиб то арғумоқкача бўлган йилқи турлари йилқичиликка киради. Чўвир, ёби, от, айғирлар ҳам. От сути дейиш айб саналади. Бунинг ўрнига биргина сўз – кимиз, дейилса бас.

Қўй билан эчкининг борлиқ турлари – жонлик. Улоқ, чивич, серка, така, қўчқор, қўй, совлик, чори, панжи, шиш...

Бўталоқ, тойлоқ, моя, лўкча, нор – булар – туячилик.

Туя сути, дейилмай, қимрон дейилса, бас.

Бузоқдан тортиб буқагача – қорамол. Тана, новвос, сигир, соғин сигир...

Йилқининг тўп-тўдаси – уюр.

Ёбон, чўл, саҳрода юрган туя тўдаси – гала. Ўнлаб-юзлаб қўй-қўзиларни қўра ё қўтон деб айтилса бас. Қўра-қўра қўйларимиз ё қўтон-қўтон қўй-қўзиларимиз.

Тўрт тўликнинг ҳар бирини ёшига, жинсига, юк кўтаришига, соғ-носоғига қараб номларини бир бошдан айтар бўлсак, борми. Э-ҳ-а-а!

Сайхон ё кир тўла йилкиларни йилқи уюри дейилади. Ёки уюр дейилса, бас.

Паррандачилик ҳақида гап кетганда эркак товук, урғочи курка дейишлик айб саналади. Эркагини хўроз ё нори, урғочисини эса макиён дейилса, бўлгани.

Ҳаммамиз ҳам осмондан тушмаганмиз, ердан ҳам чиқмаганмиз. Ота-оналаримиз сабаб дунёга келганмиз. Пайдо бўлганмиз. Бирда-бирда палончи туғди ё Холбиби бўғоз деган сўзларни эшитиб қоламиз ё бирон-бир ердан ўкиб қоламиз. Туғди, бўғоз! Қандай айб. Қанчалик ҳақоратомуз. Нечоғлик қўпол. “Бўғоз” сўзини уялмасдан айтиш ўрнида бўйида бор, оғир оёқли, икки қат, суягида бор, юкли... деб айтиш қанчалик пардали. Шу каби туғди дейиш ҳам керак бўлса, кишининг шахсиятига, нафсониятига тегадиган гап. Унинг ўрнига қўзи ёриди, омон-эсон қутилиб олди, дейиш одобдан бўлади. Унингсиз ҳам қиз бўлса минг қўйли бўлди, ўғил бўлса, от боғлар деган иборалар йўқ эмас. Одатда бўғоз ё қисир ёхуд туғди сўзлари молга нисбатан ишлатилади. Ҳатто қўйни “қўзилади”, бияни “қулунлади”, итни “кучуклади” ёки “болалади” дейилади. Товукни “туғди” деб бўларканми? Тухум босди, курк бўлди, жўжа очиб чиқди дейилади.

Қайси бир ёзувчининг ҳикоясидан:

“Сотиболдининг сигири безовта бўлар, ётиб, турар, ўзини қўйгани жой топмас – пана бир жой қидирар эди”. Молнинг туғиш олдидаги бундай ҳолатини чорвадорлар биргина сўз билан ифода этадилар – бўрчалади.

Кўча-кўйларда, давраларда яна шундай иборалар кулоққа чалиниб қолади: “Бу киши менинг хотиним бўлади. Бу киши менинг эрим бўлади”.

Бизда азал-азалдан эр-хотиннинг бир-бирларини қандай чақириб, қандай аташлари ҳам одоб санала келинган. Аёл киши – бизнинг хўжайин, бизнинг бой, дадалари... Эр кишилар – бизнинг хоним, бизнинг оила, бизнинг бека... Бир-бирларини чақирар, чорлар бўлсалар:

Эри аёлини – қаёқдасан? Ё бирон қизини исми билан – Ойқизнинг онаси, ёки онаси, ойиси, дейишган.

Аёл киши хўжасини бирон ўғлининг исми билан – Алишернинг дадаси (буни оилавий исм-куня дейдилар).

Томларни қор босиб эрув бошлагандан сўнг том бўғот зийларида беш панжа шаклида пайдо бўладиган музларни чумак дейдилар. Бу ҳақда болалар кўшиғи ҳам бор:

- Бош бармоқ,
- Кўрса керак (кўрсаткич бармоқ),
- Ўрта терак,
- Болали буйрак (суқ, узук тақадиган бармоқ),
- Чулдур чумак (чинчалок).

“Чумак” сўзи эса ҳали-ҳамон сумалак тарзида ишлатилмоқда. Ҳатто бир шоирнинг “Сумалак” сарлавҳали шеъри ҳам бор. Ҳатто керак бўлса, 1-синф “Ўқиш китоби”да ҳам “сумалак” деб битилибди.

Баҳор пайтларида тоғлардан кўчадиган қорни терма дейдилар. Ваҳоланки, ҳамма ерда кўчки тарзида ёзилмоқда. Қор шу қадар шиддат билан энишга қараб кетадики, йўл-йўлакай дуч келган дов-дарахтларни, тошларни, қояларни териб кетади. Шунинг учун ҳам терма деб атайдилар: “Тоғларда терма бошланди, ҳозир авжи терма пайти, термага йўлиққан тек қолмас”.

Дарё, сойлардан пиёда отлиқларнинг ўтадиган жойларини кечик эмас, кечув дейдилар.

Тоғларнинг кун тушмас – шимол томони терскай, кун бўйи кун тушар – жануб томони беткай дейилади. Бизда эса “тоғолди”, “тоғ орқаси” деб ёзилиб келинмоқда.

Буюк сиймолар ҳақида битилган тазкира ҳамда хотираларда шундай жумла, шундай гапларга кўзимиз тушади:

– У ўз даврининг улуғ сиймоларидан эди.

У дегани сен дегани. “Уни чақириб кел” дегани ҳам чақирилувчини “сен”сираш билан баробар. Чақирувчи киши чақирилувчидан катта бўлсагина, уни айтиб кел, дейиш одобсизлик саналмайди. Ҳатто манаман деган олимларимиз ҳам ўтган улуғ кишиларимиз ҳақларида ёзган хотира ё эсдаликларида юқорида ёзганимиздай, у киши шундай донишманд эдилар, дейиш ўрнига у шундай донишманд эди, деб ёзади. Бир қараганда, бундай гапларнинг қандай тузилиб, қандай бузилганига кўпам эътибор бермаймиз.

Бир олим академик шоиримиз Ғофур Ғулом ҳақида ёзган “Ёднома”сида ёзади:

“...У туғма талант эгаси эди” деб ёзади.

Ўша олимнинг ёши ҳам, даражаси билан мавқе-мартабаси ҳам Ғофур Ғуломдан катта бўлсагина юқоридагидай ёзса, кишига эриш туюлмайди.

“Омад кулиб боқди”, “илиқ сўз”, “бир нафар киши”, “олий жазо” сингари жумлалар ҳам кўп ишлатилади. Омад ҳам кулиб боқар эканми? Фалончининг омади келди ё кетди, деб эшитар эдик. Сўзнинг ҳам илиғи бўладими? Самимий сўз, яхши гап,

яхши сўз, ўринли гап, ўринли сўз, ёлғон гап, ёлғон сўз дер эдик. Маъкул гап, маъкул сўз деб эшитар эдик. Форсийларда як нафар мардум, се нафар мардум, деган ибора бор. Бу “нафар” қасқдан суқила келди? Бундан кўра бир киши, деб айтганимиз, ёзганимиз маъкул ва ўринли эмасми? Жазонинг ҳам олийси бўладими? Олий – олий. Олий ўқув юрти. Олий маълумотли. Ундан кўра, энг оғир, энг сўнгги жазо, дейиш мантиқан маъкул эмасми?

Хуллас, у қилдик, бу қилдик, оддий одамларни ҳам ўзимизга ўхшаб гапиришга, ўзимизга ўхшаб муомала қилишга ўргатиб олдик. Шунга улгурдик ҳам. Бу “нафасимиз” узоқ қишлоқларда яшовчи кишиларгача бориб етди. Кўпдан бери кўриб-кўришмаган қариндошларимиз келиб, ҳол-аҳвол сўрашган бўлади:

- Тўракул, қандай, ишлар муваффақиятли кетажатиппа?

- Кексалик гаштини суриб журибсанма?

- Тўра Сулаймонович, унча-бунча жазиб турибсизма?

Мен ҳам гапига яраша жавоб берган бўламан:

- Ҳа, муваффақиятли бўлганда қандай. Жавлон уриб, кексалик гаштини суриб юрибман. Ўзингиз қалай, Товбай Жуманович?

Соддагина, самимийгина бир киши шундай сўрашиб тургандан сўнг бошқалардан нима умид?! У шўрлик қариндошимиз бизни ҳам китобий яшаб, ҳам гаплашса керак, деб ўйлайди, шекилли. Шекилли!

Мамлакатимизда ҳозирда чиқиб турган газеталарнинг сони 700 дан ошиб кетди. Ким нима деб ёзса, ёзиб ётибди. Қозон битта-ю чўмич кўтарган кўп. Қўримиз битта-ю кулни ўзига қарата тортиб кўмач кўтарган ундан кўп. Қўра, кўтонимиз битта-ю, қўй билан қўзи эгаларининг саноғига етиб бўлса кошки!

Биргина “сарт” сўзининг ноўрин, ножўя ишлатилганини “ҳазм” қилолмай Маҳмудхўжа Бехбудий ҳазратлари кимлар билан тортишмаган эди, кимлар билан айтишмаган эди (Маҳмудхўжа Бехбудий. “Сарт” сўзи маълум бўлмади. “Ойна” журнали, 1914 йил 39-сон). Биз эса қанча сўзлар ҳақида баҳс юритдик. Ўзбекистон халқ шоири, Гулистон_давлат университетининг профессори сифатида мен ҳам, қўй-э, менга нима, деб, чиллахонага кириб-кетиб, кўзга кўзойнақни ёпиштириб олиб – тўрткўз бўлиб олиб бўлар-бўлмас жўқиёна шиғирларни ёзиб, ё илмий ишлар билан шуғулланиб, (садағаси кетай ўша шиғирларинг билан палағда илмий ишларингни дейдиган бўлса кошки), кўкрагимни захга бериб ётсам бўлар эди. Гап ана шу менга ним-а-а-я, дейишда! Бу кетишда тилимизнинг аҳволи нима кечади, деб мен ўйламасам, сиз қайғурмасангиз, у эса ўз қилар ишини бир чеккага йиғиштириб қўйиб, тижоратчиликка уриб кетса (хижолат бўлмасдан), алалоқибатда нима бўлади?! Ҳали юқорида айтиб ўтилгандай тилимиз от бозорига айланади-қўяди. Ваҳоланки Атамашунослик кўмитаси ишлаб турган бўлса, Тил ҳақида Фармон чиқиб турган бўлса! Ҳамма гап ўша “Мен-г-а-а ни-м-а-я”-да! Сир эмас, кўпчилик ҳамкасбларимиз она тилимиздан кўра рус тилини яхши биладилар. Бу – яхши. Бироқ бу ўз тилингни янтоққа судра дегани эмас. Бизнингча, “йирик шохли мол”, “от сути”, “товук кичқирди”, “эркак қўй” ва шунга ўхшаш сўзларнинг камайиш ўрнига кун-бакун болалаб, урчиб бораётганининг сабаби ҳавойи бўлиб, ердан йироқлашиб, борлиқ урф-одатларимиздан мосуволашиб қолганимизда.

Қани ўша Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ғафур Ғулом, Миртемирларнинг қуймали ва суймали тиллари! Ширали иборалари! Ақл-ҳушингни олиб қўяр соф, содда, самимий, салмоқли тилда битилган асарлари. Шу ўринда эр-хотиннинг бир-бирларига қандай муомала қилиб, қандай гаплашишларини чиройли ифодалаб, чиройли битиб берган, чавандознинг чавандозларча, чўпоннинг чўпонларча сўзлашишларини қойилмақом қилиб ўз асарларида акс эттира олган, номлари юқорида зикр этилган улуг

зотларимизнинг чироқларини қайта бошдан мунаввара этиб ёқишни ният қилган инимиз Тоғай Мурод биз тенги ёзувчиларни сал уялтириб қўйди чамамда. Қишлоқ одамлари мана бунақа гаплашади, деб. Шунақа тиниқ, тугал тилимиз туриб ўзимизни “аққа-баққа” уриш шарт эканми, деб. Халқимиз азалдан ана шундай гапира келган, деб. Деб...

Бир замонларда бир шаҳар доруғосининг ташаббуси билан бир неча тунқатор шамни баланд кўтариб, шаҳар кўчаларини қий-чувга қўптириб, овозларининг борича бақириб чиқар эканлар:

- Халойик! Фармон доруғадан! Уни ижро этиш биздан! Тинч ва осуда ором олиш эса сизлардан! Хавфу хатардан дарак йўқ! Бетоқат ва безовта бўлишга ҳожат ҳам йўқ! Сизларга тинч тун! Тиниқ уйку! Раҳмоний туш!

Шу йўсин тинчгина ётган шаҳар аҳлининг оромини тун бўйи бузиб чиқар эканлар.

Шу шекилли, “урра-урра”чилик билан, куруқ шиорлар билан, фармонлар билан тилимизни тозалаб, тиниқлаштириб, аввалги ҳолига келтириб бўлар эканми? Бу ҳамма-ҳаммамизнинг, бутун ижодкорларнинг тилимизни ҳар доим кўз қорачиғидай асрашимиз, гуручни курмакдан тозалашдек машаққатли меҳнатимиз, игна билан қудуқ қазишдек хайрли ишларимиз билан амалга ошадиган иш. Тилни миллатнинг кўзгуси, дейдилар. Бу кўзгуни гард-ғуборлардан, чанг-тўзонлардан сония сайин тозалай бориш ҳар биримизнинг фарзандлик, фуқаролик бурчимиз. Ва яна тил – ўзагимизнинг, ўзлигимизнинг, ўзига беклигимизнинг бош белгиси.

Юқорида одамларга ақл ўргатгандай, тилдан бир қадар хабаримиз бор, дегандай бўлсам, шу кўзи тушган ва тушмаган кишиларнинг ҳамма-ҳаммасидан қўлимни кўксимга қўйиб, кечирим сўрайман. Тил масаласида баҳс кетадиган бўлса, бизни ҳам маъзур тутасизлар. Сабаби, камина ҳам ўша сизлар ўқиган совет мактабида ўқиганлардан. Олий ўқув юртида таҳсил олганлардан. “Маймундан тарқаганмиз” деган манфур назария қулоқларига қўрғошин бўлиб қуюлганлардан. Бисмиллоҳ билан пайдо бўлган-бўлмаганимизни айта олмайдиганлардан. Ўзимиз ёзиб, ўзимиз айтган, бир аравада ўтириб, “Ким эдик тарихда бизлар? Номи қул, қашшоқ, гадо”, деб жирлаганлардан.

Эстония деган мамлакатда давлат тили бўйича махсус инспекция ташкил этилган бўлиб, унинг ходимлари давлат тили ҳақидаги қонуннинг бажарилишини назорат қилиб борар эканлар. Улар эстон тилини билмаган ёки ёмон билган, бу тилда гапиришни билмаганларни учратишса (иш жойларда), ёки эстон бўла туриб ўз лаҳжаларида (расмий йиғинларда, экранда) гапирсалар, катта миқдорда жарима солишар экан. Биргина 2001 йилнинг январь ойидан август ойигача етмиш икки киши (улар орасида фуқаролар, савдо ходимлари, турли тоифадаги амалдорлар) га ўн беш минг крон миқдорида жарима солишибди ва ундириб олишибди. Қандай яхши!

Бизда ҳам шундай қилинса, қандай бўлар экан? Бизда ҳам ҳукуматимизнинг тил бўйича қарорлари чиққанми? Чиққан. Нима учун энди биз шу қонунга амал қилмаймиз? Ундан ташқари атамалардан, янги ва эски архаик сўзлардан қандай фойдаланиш, қандай қўллаш кераклигини назорат қилиб боровчи махсус қўмита ишлаб турибдими? Турибди. Шунга қарамай, шунга қарамай...

Бизнингча, шу қонунни бизда ҳам қўллаш, шу қонунни бизда ҳам жорий этиш керакка ўхшаб кўринади. Сабаб, дейсизми? Сабаби Н.А.Аристов, В.В.Решетов, В.В.Бартольд, Н.А.Баскаков, А.Ю.Якубовский, В.В.Радлов... сингари машҳур шарқшунослар, атоқли олимлар биргина ўзбек тили эмас, ҳатто туркий тиллар бўйича

бирлари профессорлик даражаларига, бирлари эса академиклар мартабаларига эга бўлиб турсалар-у, биз эса жисму жонимизга она сути билан кирган жонажон тилимизни тилмоч орқали ўрганиб турсак! Хомталаш қилиб, янтоққа судраб турсак! Тамшаниб турсак! Чайналиб турсак!

“Туркий бекораст” дея “башорат” қилганларнинг тилларини узундан-узон қилиб турсак! Кўнгилларини кўк бўйи кўтариб турсак! Тегирмонларига сувлар қуйиб турсак! (Бу қўхна калимани ҳали-ҳамон сақич (жевачка) мисоли эзиб чайновчилар йўқмидир?)

Ўз “тил сандиғи”мизни ўзимиз очолмай, ўз йўлимизга ўзимиз киролмай турсак! Ўзимизни ўзимиз масҳара қилиб турсак! Қорин қайғуси – қозонгача! Қадр қайғуси – қабргача! Ота-боболаримизнинг, буюк сиймоларимизнинг йиғлай-йиғлай қазган ариқларидан тўлиб-тошиб келиб турган сувнинг – улуғ истиклолнинг, шу истиклол берган улуғ неъматнинг – қадр-қийматимизнинг қадрига етмай турсак!

Турсак! Ўз тилимизга ўзимиз ажнабийлик қилиб турсак. Турсак!

2001 йил.

НОМУСЛИ, ОРЛИ ЭРЛАР СУЯНГУЛИК, СУЙГУЛИК

...гап навбати келиб-келиб Баҳром Бузрукка тегади.

– Эллик жилда эл ўзгарар, жуз жилда жер дегани шу бўлади. Мирзаи Маликка “чўл” сўзини қўшиб ишлатиш эндиги кунда кишига малол келади. Одамзоднинг қўли гул деб шуни айтади. Бундан беш-олти жилғи Гулистон шаҳри

Аё дўстлар, биродарлар

Қочайлик боғу бўстонга.

Қочган билан қутилмассан

Томоша қил гўристонга –

дегандай бир гап эди. Ана энди чинакам ўз номига яраша шаҳар бўлибди.

Оқиннинг энди ўзанига тушиб олганлиги юзидан, кўзидан кўриниб турар эди. Ортиқча олди қочди гапларга савол жавобга, чалғитишга ўрин қолмаган эди. Баҳри тавил баҳри ҳикматга уланмоқда эди:

Элнинг туғи баланд бўлса, баланд бўлур Арки ҳам,

Арки баланд мамлакатнинг баланд бўлур Бўрки ҳам.

Бўрки баланд мамлакатнинг баланд бўлур Эрки ҳам,

Эрки баланд мамлакатнинг баланд бўлур Кўрки ҳам.

Бир-бирига монанд бўлур тахти бирла Бахти ҳам,

Бир-бирига монанд бўлур ялови, пойтахти ҳам.

Ўз эркига, тугал-тўқис кўркига эга бўлган мамлакатимизнинг ҳар бир кент, ҳар бир кишлоғи, ҳар бир шаҳар, ҳар бир чорбоғи ой сайин, кун сайин янги тушган келинчакнинг уйидай ҳавас қилса, қиларли, боғли, баҳорли бўлиб бораётгани умримизнинг узайишига, кўнглимизнинг кушойишига монанд.

Шаҳар ҳамда вилоят ҳокимлари – баланд мартабали Юртбошимизнинг таянч тоғлари. Президентимиз фармонларининг жойлардаги ишончли ижрочилари. Оқин шу ҳақда куйламоққа тутинди:

Сир бўйи бир узук бўлса, бу шаҳар бир кўз бўпти,

Кўча – қўйи бир биридан афзал, сарафроз бўпти.

Хизр назар қипти гўзал шаҳри азимингизга,

Бехазон бир боғ мисоли униб-ўсимингизга.

Сор бўйининг нимаси кўп, лўкчаси кўп, нори кўп,

Алплар билан бел беллашар майдонталаб зўри кўп.

Нор ўрнини бесармиди қатор-қатор лўкчалар,

Ўктам шернинг хайбатига қарсиллаб синди арчалар.
 Сор ўрнини бесармиди лак-лак зоғон-зағчалар.
 Ўктам норнинг шарпасига қарсиллаб синди дарчалар.
 Шаҳар шаҳар бўлиб бундай Шерни кўрганми эди?
 Ўз гапидан қайтмас йигит – Эрни кўрганми эди?
 Карвон сафин тўлдиrolмас норсиз ўнлаб норчалар,
 Ўктам Эрнинг эрлигига қойил қолди барчалар.
 Шаҳар кезганларнинг букун баҳри дили очилар,
 Тахти равон мисол тўкис, бекам бўлди кўчалар.
 Туннинг кундан фарқи қолмай мунаввар бўлди кечалар,
 Ўктам шернинг янгалари кунба-кун гулдай очилар.
 Қайнисидан аярмиди жон тугул бўлса, муччалар,
 Керак бўлса, йўлларига кумуш тангалар сочалар.

Тун оғиб, хулкар юлдузи тушликка дахлдор бўлган чоғлари Баҳром Бузрук бир муддат созига тин бериб, даврадагиларни дам олишга мойил эканлик ё эмаслигини билиш мақсадида энди Тўра Сулаймонзодадан эшитсак, дейиши билан даврада қий-чув кўпди:

– Бу одамдан эшита бериб бўлганмиз. Қола берса, бу киши мудомо шу ерда. Бозори касодга учраган, десак, бўлмас, бисотида борини бизга айтиб бўлган. Ёз ўтиб куз кириши билан чиллага ўтириш одати бор. Курк бўлган вақти, деса ҳам бўлади. Қиш чиқиб, баҳор келиши билан бирда “ўғилли”, бирда “қизли” бўлиб, чилладан чиқади. Шу кеча-кундузда “Туя сандик” устида турибди. Бу киши шу ўтирганича ўтира турсин. Гапни ўзингиздан эшитганимиз маъкул.

Бу гап ҳам отадош ҳам овулдош оқинимизга маъкул тушди шекилли, қарға қарғанинг кўзини чўқимайди, дегандай каминанинг кўнгли учун, эшикдан окқан сувнинг кадри йўқ, деган гап – гап. Ўз тўраларингизни ўзларингиз ерга унчалик урмангизлар. Эр назар қилмаса, эшак бозорида даллол бўлиш ҳам ҳаммага насиб қилмас. Сизларнинг тўраларингиз ҳам майдон кўрган тўралардан. Ҳозиргача катта-кичик майдонларнинг биронтасидан мағлуб бўлиб чиққанини эшитганимизча йўқ, – дея кўнглимни кўтариб, торини қўлга олди. Бир муддат созини созлаб, пўпаklarини силаб-сийпалаб, эъзозлаб “Сарбозор” номли достонини айтишга киришди.

Қувиб ўлган – мангулик,
 Қочиб ўлган – мангулик.
 Номусли, орли эрлар
 Суянгулик, суянгулик...

2004 йил

ГАПДАН ГАП...

Нобоп создан, сеҳрсиз нағмасоздан алҳазар.

Тиланчиликдан тилёғмачилик хунук.

Ўз исми-шарифини тўғри ёзолмайдиган баъзи одамларнинг дағдағаси тошни ёради.

Баъзи танқидчилар мол бозоридаги даллолга ўхшайди...

Мажлис-маъракаларда тўрда ўтиришни, нутқ сўзлашни мартаба биладиган кишиларга амал қолгудай бўлса, пешонангдан кўр.

Мансабпарастнинг ўзидан кўра, югурдаklари хатарли...

Эплик эгизини еса, сеплик семизини ебди.

Нафси бузуқ бадном, нияти бузуқ - беомон.

Теватга суяк ташлагандан сўнг ўз ҳолига қўй: қандай ғажиса, шундай ғажисин.

Амалнинг кетидан қувиб, бошқа ёқларда санқиб юрувчи Вораҳматулло исмли
йигитга ишора қилиб афсунсоз дебди:

– Бизга бир бойтеват битган, ука, ялоқни уйда ялаб, бошқа кўчага бориб, ҳуради.

Киссавурдан нафси бузуқ кассир хатарли: киссавур бирнинг киссасига қўл солса,
кассир кўпнинг киссасига қўл солади.

Кафангадо бўлсанг бўлу, ватангадо бўлма.

Ҳийланинг натижаси ёмонлик билан, хиёнатнинг оқибати беомонлик билан
туғашига шак келтириб бўладими?

Меҳру муҳаббатсиз: жамият, оқибатсиз жой икки бошли илондан совуқ.

Думалоқ хат ёзувчининг кўчасидан ўтгулик қилма.

Кўшнинг кўр бўлса, бўлсину, нонкўр бўлмасин.

Юзида қизили йўқнинг муроди, манзили йўқ.

Тўрт оёқли тўнғиздан икки оёқли фирибгар хатарли.

Номарддан нажот – итдан ҳожат.

1976 йил

МУШМАС

Бошлиғингиз бўлар-бўлмасга дағдаға қилгудай бўлса, Сиз унинг истикболидан
жилмасликка ҳаракат қилинг.

Раҳбар – раҳбар. У иззат-нафсингизни поймол қилгудай бўлса, Сиз унинг насл-
насабини *мадҳ* этишга тутунинг. Кам бўлмайсиз.

Биров бор: аравани қуруқ олиб қочади. Бировлар бор: тарозининг қайси палласи
оғир бўлса, шу томонга қараб ташлайди. Бундай кишилардан ҳеч қачон айрилмасликка
ҳаракат қилинг. Камол топасиз.

Кези келганда ўз ота-онасини ҳам танимай кетадиган кимсалардан йироқдан-йироқ
юриш одатдан ҳам эмас, одобдан ҳам эмас.

“Муштум”ни, муштумчиларни кўриб, тескари қарайдиган кишилардан
«шубҳаланмаслик» керак.

Коллективингиз Сиздан розими, норозими - бунинг сиз учун аҳамияти йўқ. Сизнинг
учун энг қимматлиси - амалдан айрилмаслик.

Кимсан, эндиги кунда район аҳамиятига эга бўлган шоирсиз. Сизни шоирликдан кўра, унинг шуҳрати қизиқтиради. Бу шуҳратни қўлдан бой бермаслик учун Сиз шеър ёзиш эмас,

**Тракторчи тракторни тириллатир,
Тириллатиб эгатларда зириллатир.
“Кўпдан бери кўрмаганмиз бундай эрни,
Иш унумин кундан кунга қойиллатир” ,**

кабилидаги дабдабали сатрларни маърака-маросимларда қойил қилиб ўқишни машқ қилаверинг. Кўтарилиб кетасиз...

Одам ҳам, ота-она ҳам топилади, амал топилмайди.

Ёлғон-яшиқ, тилёғламачилик турган жойда ростгўйлик қила кўрманг. Хор бўласиз.

Аҳмоқ бўлиш учун ақлли бўлиш шарт эмас.

Туллаклик билан тирикчилик ўтказганга нима етсин.

1976 йил

ОНА, БУ - ОСМОН ДЕГАНИ

Шарқ адабиётида Онани Ойга менгзайдилар. Ой оқшомимизни мунаввар қила олиш кудратига эга. Онани Осмонга қиёс қиладилар. Осмон эса чексиздир, чегарасиздир. Бу – Онанинг бағри кенглигига, даргоҳининг беғубор, бепоёнлигига ишора. Шунинг учун ҳам айтадилар:

**Она, дилда меҳрингиз сой қадар, уммон қадар,
Сой надир, уммон надир етти қат осмон қадар.
Сиз билан боғлиқ асли оламнинг яралиши,
Ернинг эса фалакда осуда айланиши...
Бешикдан бошланур дунёнинг иши,
Бола парвариши – олам ташвиши.
Балки бўлмас эди Сиз бўлмаганда,
Офтоб атрофида ер айланиши.**

1993 йил

ЖЎҚИЙНОМАИ ТЎҚИЙНОМА (“Савти суворо” оҳангларида)

Жон дўстинг қора кунда кўриқлар,
Мол дўстинг сара кунда сўроқлар.

Жўқийдан дўстинг бўлса, ёнингда ойболтанг бўлсин.

Қорин қайғуси – бир дамлик,
Қадр қайғуси – аламлик.

Жўқий қўнган овулга лўли зоти доримас.

Ўққа учган – қабрли
Гапга учган – жабрли.

Минг ҳаловат бир аламга арзимас
Жўкий зоти эҳтиромга арзимас.

Қўшиқни ёзган биров. Айтган биров. Куйган биров. Қизиқ...

Кўнглингнинг қоралиги – йўлингнинг қоралиги.

Жўкий уруғи кўпайса, элдан иймон кўтарилар эмиш.

Тоши ўрга юмалаганнинг пишаги, иши кейин кетганнинг итини талар эмиш.

Мунофиқликнинг нималигини билмоқчи бўлсанг, Жўкий зотига шогирд туш.

Сенинг нимангга ҳавас қилиб, нимангга ҳасад қилдим?!

Улуснинг тўдага соладиган оти ёби бўлса бўлсин, шоири ёлтоқ бўлмасин.

Қарчиғай қарчиғайдан кўрганини қилмай, кузгундан кўрганини қиларми эди.

Ҳар бир мўйингизнинг ўзи бир мўъжиза, - дер эди Жўкий вилоят раҳбарларидан бирига. У киши бу гапга ишонар эди. У бу гапга у кишини инонтира олар эди. Бу эса ҳамманинг ҳам қўлидан кела бермас эди.

Арпа билан буғдойни қўшиб, совурсанг ҳам, қўшиб қовурсанг ҳам, арпа арпалигича, буғдой буғдойлигича қолади. Қурбақа ўзи яшайдиган ботқоқликни Боғи Эрамга менгзар эмиш.

Баъзи бир одамлар сассиқ алафга ўхшайди: атрофида на туриб бўлади, на суҳбат куриб бўлади.

Ҳар бир касб-кор эгаларининг эл назар қилган – назаркардалари бўлганидай Жўкийларнинг ҳам назаркардалари бўлар экан: Аюб Назар, Ғаюб Назар, Ғариб Назар, Дориб Назар, Ўроқ Назар, Қуроқ Назар. Ё қудратингдан!

Байт:

Хавф-хатар сезилар тез келган бахтда.

Самар бўла бермас ҳар бир дарахтда.

1994 йил

САНАМО-САТАНГЛАРНИНГ ПАРДОЗ-АНДОЗ ҚУТИЧАЛАРИГА (Бизнинг атаганларимиз)

Садоқатли хонумдан саодат саси келур.
Магар ҳамсуҳбат бўлсанг, Наврўз нафаси келур.

Қўлтиғингга қўл солмоқчи бўлган ғанимдан кўрқ.

Қошига ўсма, кўзига сурма қўйиб, кўчага чикувчи хонимдан кўрқ.

Яхшиям, бу фалокатнинг тўрт мучасидан бири палағда. Агар тўрти ҳам тўкис, тугал бўлганида борми эди, унинг шум қадами етмаган ер қолмаган бўларди.

Суюшни билмаган кимса куйишни биларми эди.

Кўча боласи дегани: отаси ундан – бундан, онаси қизил гулдан дегани.

– Ёмон хотун кўп қилади тақални. Қирққа кирмай оқартирар соқолни, – дебсиз. Яхшиям, бахтингиз бор экан, тўқалига йўлиқмабсиз. Ё бўлмасам аймақ-саймоғига, қатиқ эмас, қаймоғига дучор бўлмабсиз. Шундайига йўлиққанингизда. Қирққа киргунигизча қараб турарми эди. Э-ҳа!...

Қалби қора билан ётдинг нима-ю, қабрда ётдинг нима.

Рўзғор, тирикчилик дегани биргина тўшакдан иборат эмас...

**Борида совулар хотундин кеч!
Йўғида қайғулар хотундин кеч!**

**Ёмон бирла ётмагил,
Эрта туриб айтмагил.**

**Ҳаёсиз бирла ҳамнафас бўлганинг –
Қасратки бирла ҳамқафас бўлганинг.**

Сенинг кўнглингдан ўсган кўнгилни ўкситиб, ўксиган кўнгилни ўлдиришдан ўзга нарса келмаслиги ўша “биринчи” кунёқ кўнгилдин кечган эди.

**Пардали рашк – аёл кишининг арки,
Пардасиз рашк – поймол қилинган эрки.**

Хотунининг изн-ихтиёри билан юрадиган йигит – ё майиб, ё мажруҳ, ё миждози совуқ. Нима бўлганда ҳам бир иллоти бор бўлса кераг-ов. Бўлмасам ўз онасини Қариялар уйига олиб бориб ташларми эди? Эҳтимол, келинпошшо оқшомлари илонга айланадурғон пари-пайкарлар наслидандур. Яна ҳам бўлса ким билади дейсиз...

Менинг яшаб келганим оила эмас – “Олтин қафас”ни тарк этиб, чинакам озодликка чиққаним учун қозига қайта-қайта куллуқ! “Куллуқ бўлсин”га (қўл узатмасаларингиз ҳам майли) келаверингизлар!

Эркакча кийиниб юрадиган қиз-жувонларнинг ер юзида юриши биргина элга эмас, ерга ҳам малол келар эмиш. Энг ёмони, қадамлари етган ерда гиёҳ ҳам унмас эмиш. Бу ғарбнинг бизларга юбораётган ғарбона (ғарибона) “улғулар” бўлмасин яна!

Эрининг юзидан оладиган аёлда юзнинг ўзи борми, десангизчи?

Кундуз кунлари кўча-куйларда чапиллатиб сақич (жевачка) чайнаб юрадиган санамлар тунлари нима чайнаса? Менга деса қази еб юрмайдими~~ларми~~, дерсиз. Ҳақиқатан ҳам... ва лекин қайда қолди бизнинг ўша шарқона иболаримиз? Боз устига бу нарсани чайнашга йигитларимизнинг ҳам бел боғлаб киришиб кетишлари кишининг кўзига чалишликнинг бир белгиси бўлиб кўринади.

1995 йил

ФАЙЛАСУФ ШОИР

(Хулоса ўрнида)

Шеър – кўнгил мулки. Шеърят изланиш демакдир. Шоирлик – истеъдодлилиқ, иқтидорлилиқ, фаҳм-идроклилиқ, зехнлилиқ, файласуфликнинг кучлилиғи, ҳис-туйғуларнинг ўта ривожланганлиғи ҳосиласидир. Шоирлик истеъдодлилиқ ҳамда меҳнат, изланиш, мушоҳада қилиш, кўрган-кечирганларини, эшитганларини таҳлил қилиш ва одамларнинг ҳаяжонланишига сабаб бўла оладиган сўзлар тизмасини яратишдир. Шоирнинг қуроли – сўз. Тўра Сулаймон ҳар бир сўзга жонли мавжудоддек муносабатда бўлади. Шоир сўзга вазифа, масъулият юклайди, натижада сўз инсоннинг қалбига, юрагига кириб бориб, уни забт этиб, ҳаяжонлантиради, хурсанд қилади ёки кўзидан ёш оқиздириб, йиғлатади. Сўз – қудратли куч.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1992), Ўзбекистон халқи шоири (1999), Гулистон давлат университети профессори (2002) Тўра Сулаймон катта иқтидорга эга бўлган бахшиёна услубда ижод қилган шоир эди. У дostonнавис эди. Асарларида халқ мақоллари, халқ иборалари, халқ ўртасида кенг тарқалган ривоятларнинг ҳиди келиб туради. Тўра Сулаймон шеърларининг оҳанрабоси бор, улар китобхонни беихтиёр ўзига тортиб, боғлаб туради.

Шоирнинг 20 та китоби Тошкентдаги кўплаб нашриётларда беш мингдан ўн беш мингтагача, жами 150000 дан ортиқ нусхада босилган ва китобхонлар қўлига етиб борган.

Тўра Сулаймон 1934 йил 1 февралда Самарқанд вилояти Ғаллаорол тумани (ҳозирги Жиззах вилояти Бахмал туманининг) гўзал Алдашмон қишлоғида туғилган.¹

Сулаймоновлар оиласи 1937 йил эрта баҳорида Бахмал туманидаги Алдашмон қишлоғидан Жиззах туманига қарашли Қирқсадоқ қишлоғига кўчиб келишади. Бу қишлоқда ҳам яшаш шароитининг оғирлиғи, “келгиндилар” деб камситишлари оқибатида 1937 йил кузида кўплар қатори Тўра Сулаймонлар оиласи ҳам Мирзачўлни ўзлаштириш баҳонасида поездда Сирдарё туманидаги “Малик” совхозининг биринчи бўлимига кўчиб келиб, жойлашади. Қирқсадоқ қишлоғидан кўчишаётганда “Сизларга янги уй-жой, бир соғин сигир беришади”, - дейишган экан.


Тўра Сулаймон элас-элас эслайди: “қоронғи тушганда поезддан тушдик, эшак ароба, от аробаларда бизни бийдек далага жойлашган чодирларга, капаларга олиб келиб ташлашди. Йиғлаган ким, қарғанган ким, афсусланган ким. “Эрталаб куёш чиққанда уйғониб, қарасам, қамишлардан ясалган чайлалар, ертўлаларга жойлашган эканмиз”. Шоирнинг болалиғи мана шундай оғир турмуш қийинчиликлари билан ўтади. Кейин уруш бошланади. Бор эркаклар урушга жалб қилинади.

Ёш Тўра тўрт йиллик бошланғич таълимни “Малик” совхозидagi мактабда олади. 5-6-7-синфларда эса Сирдарё туманидаги 1-мактабга қатнаб ўқийди. “Малик”дан Сирдарё тумани марказигача бир неча чақирим бўлганлиғи учун ҳар куни пиёда, ёлғиз оёқ йўл, илон изи сўқмоқдан қамишзор оралаб бориб-келиш оғир, шу билан бирга жуда хавфли эди. Бу йўлларда оч бўрилар, оч итлар, оч тулкилар кўп учрар эди. Тахминан

¹Тўра Сулаймон ўз қўли билан 2001 йил 20 февралда тўлдирган шахсий варақасида ҳамда Таржиман ҳолида туғилган кунини 1934 йил 1 февралда, деб кўрсатган. Р.Маҳмудовнинг 1984,1994,2004 йилларда матбуотда эълон қилган мақолаларида, “Тўра Сулаймон” 2004., Гулистон. 1000 нусха, “Тўра Сулаймон” Гулистон. “Зиё нашриёти” 2005. 3000 нусха, “Тўра Сулаймон” 2007. 3000 нусха, “Тўра Сулаймон” Ғафур Ғулом номли Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент -2008. 4000 нусха китобларида шоир туғилган кунини 14 февраль деб нотўғри кўрсатилган.

1946 йилда Тўра Сулаймон бешинчи синфда ўқиётган кезлари мактаб директори Музаффар Ҳақимов иқтидорли ўқувчисини уйига олиб кетади. Бўлажак шоир уч йил давомида мактаб директорининг уйида яшаб, ўқийди. М.Ҳақимов туман халқ таълими бўлимига раҳбар қилиб тайинлаганидан кейин Тўра Сулаймон 1948 йилда Сирдарё туманидаги ҳозирги Иброҳим Каримов номи (илгариги “Коммунизм”) хўжалигида жойлашган мактаб-интернатида ўқийди. Шоир таржимаи ҳолида ёзишича, 1952 йилда Сирдарё туманидаги С.М.Киров номи 16-мактабни аъло баҳоларда тамомлайди. Тўра Сулаймоннинг синфдош дўсти 82 ёшли (2014) Иброҳим ота Акаевнинг айтишича, мактабнинг энг билимли ўқувчилари сифатида ҳар иккаласини иккита мактабга ўқитувчи қилиб ишга юборишади. Тўра Сулаймон тумандаги 20-мактабда математика фани ўқитувчиси, Иброҳим ота Акаев 19-мактабда она тили ва адабиёт фанлари ўқитувчиси сифатида иш бошлашади. Иброҳим отанинг эслашича, Тўра Сулаймон 3 йил мактабда математикадан дарс берганидан кейин Тошкентга ўқишга кетган ва мактабга қайтиб келмаган. Урушдан кейинги оғир йилларда мактабларда саводли кишилар кам бўлганлиги сабабли билимли, саводли мактабнинг битирувчи ўқувчиларидан ҳам ўқитувчи сифатида фойдаланишга мажбур бўлинган.

1956 йилда Тўра Сулаймон Тошкент халқ хўжалиги институтига ўқишга кирган. Бир неча ойлик талабалик даври Тўра Сулаймонга ёкмаган. Математика фанининг кўп ўқитилиши сабабли ўқишни ташлаб, 1958 йилда Тошкент давлат университети Журналистика факультети кундузги бўлимига ўқишга киради. Талабаларнинг кўпи ёш – йигит-қиз болалар бўлганлиги сабабли ёши улуғ Тўра Сулаймонга укаси, синглиси қатори ёш болалар билан бирга ўқиш эриш туюлган. Шоир жуда ориятли эди. Биринчи курсни тугатганидан кейин ўқишини сиртқи бўлимга ўтказди ва (диплом Т № 685272 1964 йил 1 июль, рўйхат № 4842) Мирзаобод туманидаги Турғун Аҳмедов қишлоғидаги 19-мактабда она тили ва адабиёт фанларидан бир неча йил дарс беради.



1963 йилда Тошкент вилоятидан Сирдарё вилояти ажралиб чиқади. 1963 йилда “Гулистон” туманлараро газетаси ташкил этилади. Шоир мактабда ўқитувчилик қилиш билан бирга таҳририятда адабий ходим бўлиб ҳам ишлайди. 1968 йилдан “Сирдарё ҳақиқати” газетасида фаолият кўрсатади. 1968 йилда У Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинади.

Унинг 1962 йилда биринчи шеърий мажмуаси “Истар кўнгил” Тошкентда 3000 нусхада чоп этилади. “Қорасоч” достони (1965), “Мен қайга борар бўлсам” (1965), “Жаҳонгашта” достони (1970), “Интизор” (1973), “Ҳамқишлоқларим” (1973), “Сирдарё кўшиқлари” (1974), “Илтижо” (1976), “Алҳазар” (1976), “Тўйбоши” (1977),

Тўра Сулаймон ижоди 1950-йилларда бошланган. Шоир ижодининг ilk намуналари оддий хабарлар, очерklar, ҳикоялар, мақолалардан иборат бўлган.

ташқиклот (номи)

Т-2 соғди шақл

Эр/аёл	Рўйхат номери	Алифбо
--------	---------------	--------

ШАХСИЙ ВАРАҚА № _____

І. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1. Фамилияси Султаматов
Исми Мирзо
Отасининг номи _____
2. Туғулган йили феврал 01 куні 1954
Самарқанд вилоят, Ташкент
тумани, Абдуқодиқ кўчаси 24
3. Туғулган жойи _____
4. Миллати узбек
5. Партиявийлиги _____ (аъзо бўлган йили) _____
6. Ешлар ташқиклотига аъзолиги _____ (аъзо бўлган йили) _____
7. Касаба уюшмасига аъзони _____
8. Маълумоти билиф
а) _____ (олий, ўрта, таъхсил олинган)
б) _____ (олий, ёки ўрта-маъсух кўчилиги)
Ўзбекистон Республикаси
номи ва уни тамомлаган йили) _____
в) _____ (билим юрти, касб-тўлиқа)
1964

мактабларининг номи ва уни тамомлаган йили) _____

- кўнахузи, кечги, ва сирати _____
- _____ (харахсини чизилгани)
9. Диплом бўйича мутахассислиги _____ (гувоҳнома)
_____ (олий ёки ўрта маъсух ўқув)
_____ (юртагани тамомлаганлар учун)
10. Диплом (гувоҳнома) бўйича малакаси _____
№ Т № 6815272
- _____ (иш) да берилган
- Тузилган вақти: 1999 йил " _____ "
- вақт. 20.11.

II. ҲАҲБИЙ ҲИСОБДА ТУРИШИ ШАҲИДАТИ МАЪЛУМОТЛАР

Ҳисоб гуруҳиси _____

Ҳисоб туркуми _____

Таркиби _____

Ҳарбий унвани _____

11. турмуши
(асосий касби мутахассислиги) _____
(ихтисоси бўйича иш стаж) _____
12. Умумий иш стаж 1952 йилдан
13. Узлуқсиз стаж _____
14. Виллати судуи/судуи
кооператив (аъзолиги иш жойи, мансаби)
кооператив
15. Оилавий аъдди _____ (оила таркиби) _____
_____ (хир бир оила аъдосининг туғулган йили) _____

17. Ўзбекистон Республикаси
номинали _____ - 1993 йил
18. _____
19. _____
20. Паспорти: серияси _____ № _____
ким томинолан берилган _____
_____ берилган вақти _____
21. Уй адреси Ўзбекистон ш
Ўзбекистон сун 113 уй 20х.
Телефони _____
Имзоси Ш

Ҳисобга олингандин ихтисоси _____

Ҳарбий хизматда лаъқатлиги _____

Йишар жойи бўйича ҳарбий комиссарнат _____
номи _____

Маъсух ҳисобда туриши № _____

Меҳнатини буюрмишларини ушун

Меҳнатини буюрмишларини ушун

Тўра Сулаймон фарзандларини техникумда, институтда, университетларда ўқитиб, маълумотли қилган.

Тўра Сулаймон мактаб партасида ўқиб юрган йилларидаёқ халқ оғзаки ижодини, дostonларни яхши билган. Аслида шоирлик ижодкорга қонидан ўтган. Бундан ташқари, Тўра Сулаймонда сўз айтиш қобилияти мавжуд бўлган.

1985 йилдан бошлаб Тўра Сулаймон эркин ижодкор сифатида фаолият кўрсатади. Бутун ҳаётини ижодга бағишлади. Натижада “Жаҳоннома”, “Гул бир ён, чаман бир ён” китоблари пайдо бўлди. Шоир фақат шеър ёзиш билан эмас, балки юртимиз тараққиётини, халқимиз фаровонлигини кўрсатувчи ўнлаб долзарб мақолалар ёзди ва республикаимизнинг отахон газеталарида чоп эттирди. Тўра Сулаймонни меҳнати бесамар кетмади. 1992 йилда унга “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими”, 1999 йилда “Ўзбекистон Республикаси Халқ шоири” (гувоҳнома № 89. 1999 йил 25 август) унвонлари берилди.



Шоир Гулистон давлат университетида “Ёш ижодкорлар” тўғрагини бошқариб, кўплаб иқтидорли, истеъдодли ёшларни кашф этиб қўллаб-қувватлаганлиги учун 2001 йилда Гулистон давлат университети илмий кенгаши қарори билан Тўра Сулаймонга фахрий профессор унвони берилди. Бу унвонлар шоирнинг юзлаб шеърлари кўшиқ бўлиб халқимиз маданияти, маърифатини, маънавиятини ўстиришга қўшаётган хиссасининг эътирофи эди.

Гулистон давлат университетининг фахрий профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон халқ шоири, Сирдарё вилояти маънавияти, маърифати тарғиботчиси, тилшунос олим, тупроқшунос аллома Тўра Сулаймон доимо қалбимизда, юрагимизда яшайди.

Хулоса қилиб айтганда, Тўра Сулаймон асарлари, илмий мақолаларининг сабоқ бўларли жиҳатлари жуда кўп.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАҚОЛАЛАР:

1. Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёти 2021
2. Тўра Сулаймон “Сенсиз ёлғиз ғариб бўлдим...” Тошкент. “Мовауннаҳр” нашриёти. 2017
3. Тўра Сулаймон. Сайланма. Тошкент. “Шарқ” нашриёти. 2021
4. Р. Маҳмудов. Халқ шоири. Мақола. “Сирдарё ҳақиқати” газетаси. 1984 йил 13 февраль 23-сон
5. Р. Маҳмудов. Юрак эҳтиёжи. Мақола. “Сирдарё ҳақиқати” газетаси. 1994 йил 10 февраль 18-сон
6. Р. Маҳмудов. Халқ шоири. Монография. “Тафаккурнинг олмос қирралари”. Тошкент, 1996 йил
7. Р. Маҳмудов. Юрак эҳтиёжи. (суҳбат) Монография. “Одамлар – менинг кутубхонам”. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1998 йил
8. Р. Маҳмудов. Тўра Сулаймон. Рисола. Гулистон. 2004 йил
9. Р. Маҳмудов. Тўра Сулаймон. Рисола. Гулистон “Зиё” нашриёти 2005 йил
10. Р. Маҳмудов. Тўра Сулаймон. Монография. Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2008 йил
11. Тўра Сулаймон замондошлари хотирасида. Тўплаб нашрга тайёрловчи Р. Маҳмудов. Тошкент, “Мумтоз сўз” нашриёти 2017 йил
12. Тўра Сулаймон замондошлар хотирасида. Тўплаб, нашрга тайёрловчи: Р. Маҳмудов. Тошкент. “Мумтоз сўз” нашриёти 2017 йил
13. Тўра Сулаймон замондошлар хотирасида. Иккинчи нашр. Тўплаб, нашрга тайёрловчи: Р. Маҳмудов. Тошкент. “Мумтоз сўз” нашриёти 2019 йил
14. Р. Маҳмудов. Тўра Сулаймон абадияти. Тошкент. “Мумтоз сўз” нашриёти 2022 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
Тўра Сулаймон ҳаёти ва ижоди ҳақида айрим мулоҳазалар.....	6
Юрак эҳтиёжи (суҳбат).....	7
Ширин сўзнинг сочларига.....	10
Чаман ичинда бир гул.....	13
Она юрт куйчиси	16
Она – бу осмон дегани.....	24
Жаҳоннома.....	30
Чиройда тонг юлдузи.....	32
Ўлмасликка ишора – ўланга ошиқлигим.....	34
Жаннатмакон юрт куйчиси.	36
Тўра Сулаймон сабоқлари.....	38
Асли бешиқдан бошланар қўшиқ.	41
Оталар юртида.	43
Тил – ўзагимизнинг, ўзлигимизнинг, ўзига беклигимизнинг бош белгиси.	45
Номусли, орли эрлар суянгулик, суйгулик.	51
Гапдан гап... ..	52
Мушмас.	53
Она, бу осмон дегани.	54
Жўқийномаи тўқийнома.	54
Санамо-сатангларнинг пардоз-андоз қутичаларига.	55
Файласуф шоир.....	58
Фойдаланилган адабиётлар ва мақолалар.	62